

Mahalla

№ 31 (1748-1751) 2019 йил 11 — 18 июль


ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

info@mahalladosh.uz

www.mahalladosh.uz

ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ ЮЛДУЗЛАРГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАБ БЎЛМАЙДИ

ЗАМОН ЁШЛАРИГА ДАККИ БЕРИБ ЁКИ УЛАРГА МАЪЛУМ ТЎСИҚЛАР ҚЎЙИШ ОРҚАЛИ НАТИЖАГА ЭРИШИШ ҚИЙИН. ТАРБИЯДА БУНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ АКС ТАЪСИР ҚИЛИШИ АЛЛАҚАЧОН ИСБОТЛАНГАН



➔ 5.

БУГУНГИ СОНДА:

4. Олий таълим хусусий бўлса, қандай самара беради?

6. Васийлик ва ҳомийлик: қонун ижроси нега суст, нима тўсқинлик қиляпти?

16. Тиббий кадрлар тақсимооти ва танқислиги: муаммога қачон ечим топилади?

22. Ичкилик — миллатни ичидан емирувчи иллат

20. Замонамиз ёшлари кимдан ўрнак оляпти?

17. Лицензия олишдаги мураккабликлар қачон барҳам топади?

18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёпиладими?

11 ёшли худкуш бола



➔ 31.

Имони суст одам шубҳа-гумон билан яшайди



➔ 25.

КУН НАФАСИ

«Жонажон
Ўзбекистоним,
мангу бўл омон!»

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

Хужжат билан давлат мустақиллигининг 28 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси тасдиқланди. Комиссия «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқади.

Истиқлолни тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусика асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичи ўтказилади. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.

Шунингдек, «Энг улуг, энг азиз», «Ранглар жилосида — она дийр», «Ватан учун ашайлик!» каби анъанавий кўрик-танловлар ўтказилади.

100 мингта
автомобиль экспорт
қила оламизми?

Шавкат Мирзиёев 8 июль куни автомобиль саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган йилгиш ўтказди.

Қайд этилишича, жорий йилнинг олти ойида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154 фоизга ошиб, 1 триллион сўм соф фойда олинган. Қарийб 73 миллион долларлик автомобиллар экспорт қилиниб, ички бозорда маҳаллий автоматизналар улуши 97 фоизга етган. Йилгишда «Узавтосаноат» акциядорлик компаниясига умумий ишлаб чиқариш ҳажмини 2023 йилга қадар ҳозирги 250 мингдан 350 мингта, экспорт ҳажмини қамда 100 мингта етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда 5 турдаги энгил автомобиль 5 та алоҳида платформада ишлаб чиқарилаётгани ҳам ҳаражат, ресурс ва вақт сарфини кўпайтириб, маҳсулот нарҳига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис йилгишда ягона платформада бир неча маркадаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хорижий компаниялар билан шерикликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, «MAN Auto» ва «SamAuto» корхоналарига хитойлик ва япониялик ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари автомобиллар нарҳини барқарор сақлаб, сифатини ошириш, янги ҳамёнбоп моделлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш орқали маҳсулотларнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

«Маҳалла — сектор —
Халқ қабулхонаси — маҳалла»

ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҲАР БИР МУАММО УЙМА-УЙ ЮРИБ, КЕНГ
ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Бугун маҳалланинг вазифа ва функциялари кенгаймоқда, ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда уларга катта ишонч билдириляпти. Шунга монанд тизим фаолиятини тартибга солувчи янги ҳуқуқий асослар ҳам яратилмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳада янги даврни бошлаб берди.

Хўш, мазкур хужжат билан нималар ўзгарди? Унда белгиланган вазифалар ижроси қай даражада таъминланди? Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалланинг мавқеи чиндан ҳам ошди? Шу каби саволларга Президент Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ташкил этилган брифингда аниқ ва батафсил жавоб берилди.

Янги тамойил нимани
ўзгартиради?

— Фармонда белгиланган муҳим вазифалардан бири, бу — *муружаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «Маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиниши бўлди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов. — Бу билан ҳудудларда ижро органлари аҳоли билан яқин ва ҳамжихатликда ишлаш таъминланди. Эндиликда аҳолини қийнаётган ҳар бир муаммо уйма-уй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилмоқда. Натисада улар қисқа фурсатда ечим топмоқда. Аҳоли эса бирон ташкилот эшигида навбати келишни соатлаб кутмапти, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилмапти.*

Комиссиялар энди
номигагина ишламайди

Тан олиш керак, авваллари фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари номигагина фаолият юритарди. Маҳаллаларга бириктирилган давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари турли комиссияларга аъзо бўлса-да, комиссия йиғилишларида даярлик катнашмасди. Ҳисоботлар юзаки тайёрланарди. Уларнинг фаолиятини мониторинг қилувчи, такомиллаштирувчи аниқ механизм мавжуд эмас эди. Эндиликда маҳаллага бундай муносабатда бўлиш ярамайди. Жамоатчилик асосида фуқаролар

йиғини раиси ўринбосари — ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи ҳамда фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — тадбиркорлик, томорка ер эгалари фаолиятига кўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилгани шу каби ҳолатларга барҳам беради.

Маҳаллаларда ташкил этилаётган «Кексалар маслаҳати» гуруҳларига эса нафақат муаммоларни кўтариб чиқиш, балки уларни бартараф этишда бевосита иштирок этиш, рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш сингари ваколатлар берилгани фаолият такомиллида аскаётган.

Ҳокимият ваколатидан
чиқарилди

Очигини айтиш керак, олдин айрим жойларда фуқаролар йиғинлари фаолиятига маҳаллий ҳокимлик вакилларининг асосий аралашуви туфайли кадрлар кўнимсизлиги билан боғлиқ ҳолатлар учраб турарди. Маҳалла раиси туман ҳокими қандай иш буюрса, у ваколатига қирадимий-ўқми, бажаришга мажбур бўларди. Туман масъуллари маҳалла фаоллари ишидан коникмаса «ҳамиша икки кўлини кўксига қўйиб турадиган»ларга алмаштирарди.

Бундай салбий жиҳатларга йўл қўймаслик, улар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашув, кўшимча вазифа олиш мақсадида 2019 йил 1 июндан бошлаб фуқаролар йиғинлари ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Янги қонун лойиҳаси:
нималар ўзариши
мумкин?

Фуқаролар йиғинлари фаолиятига ўз-ўзича аралашув, кўшимча вазифалар юкланиши бир бутун тизимни ишдан чиқаради, иш самардорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу каби жиҳатлар эътиборга олиниб, Вазирлар Маҳкамасига Республика кенгаши томонидан Олий суд билан биргаликда

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, фуқаролар йиғини қарорини бажармаганлик ҳамда раис фаолиятининг қафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тақдим этилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашда маҳалла фаоллари малакасини ошириш ҳамда кадрларни максалли қайта тайёрлаш бўйича амалдаги ўқитиш тизимига оид муаммолар ўрганилди. Тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг касбий ва бошқарув малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш бўйича ўзига хос ва ягона тузилма ташкил этиш мақсадида Маҳалла тизими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Нечта маҳалла ўз биносига эга?

Республика кенгаши масъул ташкилотлар билан юртимиздаги 9093 та фуқаролар йиғинининг моддий-техник базасини ўрганиб чиқди. Натисада Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2146 та фуқаролар йиғини биноларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, мулк ҳуқуқи билан берилди.

Айни пайтда 5399 та фуқаролар йиғини биноларини кадастрдан ўтказиш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш, таълим ва тиббиёт муассасаларида жойлашган 1548 та фуқаролар йиғинини бино билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 309 та фуқаролар йиғини биноси таъмирланди, 89 таси реконструкция қилиниб, 146 таси янгидан қурилди, 79 та «Маҳалла марказлари» барпо этилди.

Брифинг очик мулоқот руҳида давом этди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови, жараёнда қузатилган айрим ҳолатлар, уй боши ва кўча бошлиқлари фаолияти каби масалаларда берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида мамлакатимиздаги 9093 та маҳаллага янги раислар сайлаб олинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан уларни соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, ижтимоий-сиёсий билимлар, раҳбарлик кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида минтақавий ўқув-семинарлари ташкил этилиб, ўқувлар давомида 84 та ҳужжат мазмун-моҳияти очиб берилди, 42 та мавзуда машғулотлар ўтказилди. Малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Машғулотлар масъулиятли вазифалар ижросида қўл келади

ИЗЧИЛ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН



Бахтиёр ШАМСИДИНОВ,
Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, эртанги кунга ишонч кўп жиҳатдан фуқаролар йиғинида иш қандай ташкил этилганига боғлиқ. Бу айтишга осон, аммо буни таъминлаш учун маҳалла раисидан катта билим, тажриба ва салоҳият талаб этилади. Шу маънода йиғин раиси ўз иш фаолиятини бугунги кун талаби асосида олиб бориши учун доим ўқиб-ўрганиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор

бўлиши лозим.

Очиги, тизимда кўп йиллардан буён фаолият юритаётган бўлсам-да, соҳага оид билимларимни амалий ва назарий жиҳатдан мустаҳкамлашга эҳтиёж сезардим. Боз устига, янги сайланган раислар ҳам ишни нимадан ва қандай бошлаш кераклиги устида бош қотираётганди. Икки ҳафталик семинар аynи жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Яна бир гап: халқимизда азалдан шаклланган қондаларга кўра, маҳаллада эл сайлаган етакчи учун «беғона» хонадон ёки «нотаниш» одам бўлмаган. Шу боис ҳам у исталган хонадонга эшик қоқиб кириб бораверган, одамлар билан ҳамфикр, сирдош бўлган. Уларни кийнаётган муаммолар, камчиликларни борича ўрганиб, ўз муносабатини билдирган, керак бўлса, амалий кўмак ҳам берган. Бугун ҳам бу талаблар ўзгарган эмас. Аммо энди сайланган раис уларнинг барчасини бирданга уддалаб кетиши қийин бўлиши мумкин.

Семинарларда шу каби жараёнларда асқатадиган зарур билим ва кўникмаларнинг берилгани аynи муддао бўлди. Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, аynи пайтда вазифамни сидқидилдан бажаришга ҳамда сайловолди дастуримда илгари сурган ғояларимни тўлиқ рўйбга чиқаришга тайёрман.

ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ — ЮКСАК САМАРА ДЕМАК



Адолат ШОМУРАТОВА,
Навоий вилояти Қонимех туманидаги «Кўкча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалла, бу — эл, демакдир. Гуруч кўр-максиз бўлмаганидек, эл орасида яхши ҳам, ёмон ҳам бор. Кимдир маҳалланинг обрўси, ривожини учун талашиб-тортишса, кимдир тирнок тагидан кир кидириб, оксокол ва унинг елкадошларини ёмонотлик қилишга уриши мумкин. Хўш, маҳаллага нисбатан бундай норозилик қачон, нима

сабабдан пайдо бўлди? Йиғин раиси ана шу саволга жавобни билиши лозим. Бунинг учун эса у етарли билим, маҳорат, ҳуқуқий саводхонлик ва муомала маданиятига эга бўлиши шарт.

Шу маънода, шунчаки узундан узун маърузалар шаклида эмас, баҳс-мунозалар асосида, ҳаётий мисоллар билан ташкил этилган машғулотлар нафақат билим савиямизни оширди, балки дунёқарашимизни янада кенгайтириб, бизни ҳар бир вазият борасида чуқур ва кенг мушоҳада қилишга ўргатди. Жараёнда бир-биримиз билан ўзаро тажриба алмашдик, билганимизни ўргатишга, билмаганимизни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мана, ўқув курси якунланиб, сертификатларни олиб, ишга киришдик. Машғулотларда олган билимларимиз аллақачон ўз самарасини бера бош-

лади. Жумладан, аynи пайтда худудимиз «Обод қишлоқ» дастури асосида бутунлай янгидан барпо этилмоқда. Юқорида айтганимдек, элчилик, кимдир бу янгилинишлардан хурсанд бўлиб, ободликка ҳисса қўшишга интилса, яна биров боқимандаликка берилиб, ҳатто ўз тураржойини таъмирлаб беришларини талаб қилади. Ана шундай вазиятларда ўқув курси давомида психолог-мутахассислардан ўрганганларим асқатиб, одамлар билан осонгина тил топишялман. «Яхши гап жон озиғи» деганларидек, ширинсуханлик билан қилинган муомала ўз натижасини бериб, яхшиликка бел боғлаганлар сафи кенгаймоқда.

Ишонманки, бу ҳали бошланиши, ўқув курсида олган билимларим келажакда маҳаллалашларим ишончини оқлашим учун катта мактаб бўлади, албатта.

БУНДАЙ МАШЎУЛОТЛАР ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИЛСА...

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ИНСОН ИШГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАДИ



Ҳожабай САДИРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Наупир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Минтақавий ўқув-семинарларида мени анчадан бери кийнаб келаётган катор муаммоларга ечим топдим. Сабаби, бугунги шиддатли замонда маҳалла фаоллари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларни пухта эгаллаши лозим. Авваллари уйма-уй юриб аниқланган муаммони ҳал қилишда кийналардик. Боиси ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганди. Семинарда бу ҳақда алоҳида тушунтириш берилди.

Йъни эндиликда худудлардаги муаммоларга ечим топишда сектор раҳбарлари, Халқ қабулхоналари, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан тўтри ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш имкони яратилди. Энди ишимизни шу тартибда ташкил этамиз, шунда вақтдан ҳам ютамиз, аҳоли муаммолари ҳам қисқа фурсатда ечим топади.

Ўқувлар давомида шу нарсга амин бўлдимики, фаоллар зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этиши учун, аввало, ҳуқуқий ҳужжатлар билан яхши танишиб чиқиши, аҳоли билан ҳамшиша мулоқотда бўлиши, мурожаатлар билан ишлашда тизимли ёндашиши керак экан. Ҳар кун машғулотдан чиқар эканман, раис лавозимига тайёр бўлаётганимни ҳис қилдим. Энди иккиланмай айта оламанки, йиғиндаги ҳар қандай масалага шу ернинг ўзида ҳуқуқий ечим топишим, ваколатим доирасида саъй-ҳаракат кўрсатишим мумкин.



Ҳазратмуро ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Тароқли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Очигини айтсам, маҳалла раисиман, деб қерилиб юрарканмизу жуда кўп нарсаларни билмас эканмиз. Буни мен икки ҳафталик ўқув жараёнида чуқур ҳис қилдим. Чиндан ҳам, маҳалла бошқарувининг ўзи катта санъат, илм экан. Назаримда, бугун аксарият маҳаллалардаги муаммоларнинг кўпчилиги айнан раҳбарларда етарли билим, кўникма ва тажрибанинг етишмаслиги туфайли юзага келмоқда.


Айтайлик, қабулингизга эр-хотин жанжаллашиб келди. Ёш бир оила. Сиз эса оила ва никоҳ ҳақидаги тегишли меъёрий ҳужжатлардан мутлақо беҳабарсиз. Хўш, уларга нима деб маслаҳат ёки кўрсатма бера оласиз? Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплардан нарисга ўтолмайсиз.

Ё бўлмаса, силлиқина қилиб масалани фуқаролик судига ошириб қўя қоласиз. Агарда бу ҳақда чуқур билим ва кўникма-мангиз бўлса-чи, унда маслаҳат сўраб келганларнинг яна оворая сарсон бўлиб, бошқа идораларга боришига ҳожат қолмайди. Ҳар қандай муаммо шу ернинг ўзида ечим топади.

Яқинда вилоят ҳокимининг сайёр қабулларидан бирида қатнашдим. Аксарият мурожаатларни маҳалла даражасида ҳал қилса бўлади. Ҳоким ҳам улардан бирига: «Нимага маҳалла раисига бу ҳақда айтмадингиз?» деса, «Борганман, раис мен бу муаммони ечолмайман, юқори раҳбарларга учрашинг» деган жавобни айтди, деди. Демак, баъзан кичик муаммони ечишга ҳам айрим маҳалла раҳбарларининг билими, савияси оғизлик қилаётир.

Шу маънода, бир тақлифни илгари сурмоқчи эдим. Маълумки, маҳалла ҳаётининг қамрови жуда кенг ва ранг-баранг. Раиснинг билимини ошириш учун икки ҳафталик ўқувлар қамлик қилади, менимча. Йиғин раисларини тайёрлайдиган олийгоҳ эса ҳозирча йўқ. Шу боис бундай машғулотлар ҳеч бўлмаганда йилига бир марта ташкил этилса, нур устига нур бўларди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 24 май куни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган эди. Бу бежиз эмас. Бугун жамиятимиздаги ҳар бир соҳада етук мутахассисларга эҳтиёж сезилади. Зиддиятни қарангки, айни пайтда ёшларнинг маълум қисми ўзига муносиб иш топа олмай сарсон. Бу номуносивлик олий таълим тизимида муаммолар йиғилиб қолганидан далолат эмасми?



Олий таълим хусусий бўлса, қандай самара беради?

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХУСУСИЙ БЎЛСА, ДУНЁНИНГ КЎЗГА КЎРИНГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЯДИ. БУ ЎЗ-ЎЗИДАН ЎҚИТУВЧИЛАР ОРАСИДА ҲАМ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ ОРАСИДА ҲАМ СОҒЛОМ РАҚОБАТНИНГ КУЧАЙИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

«Таълимдаги коррупция барча соҳага таъсир қилади»

Сир эмас, маълум муддат олий таълимга қабул қилишдан тортиб, талаба дипломни қўлга олгунгача бўлган жараёнда таниш-билишчилик, порахўрлик авж олди. Айрим устозлар таъмагириликдан ор қилмай қўйди. Афсуски, ана шу коррупцион ҳолатдан манфаатдор шахслар таълимни ислоҳ қилишга йиллар давомида монелик қила олди. Оқибат ўтган давр мобайнида малакали кадрлар етарлича тайёрланмади.

Баъзи ўғил-қизларимиз хорижда таълим олиб, ўша ёқда қолиб кетди. Бу муаммолар мутахассисларга бўлган эҳтиёж билан бозор муносабатларидаги қондаларнинг бир-бирига мос келмаслиги оқибатида пайдо бўлди. Масалан, биз халқаро иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, давлатлараро савдо алоқаларидаги шартномаларни тузиш учун хорижий адвокатлик тузилмаларига мурожаат қиламиз. Ваҳоланки, бундай юридик хизмат арзон эмас. Шу ўринда савол тугилади: нега шу пайтгача юртимиздаги таълим даргоҳларида халқаро тижорий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ каби факультетлар очилмаган?

Афсуски, юқорида тақдирла-

ганимиз — коррупцион ҳолат мана шу каби йўқотишларга сабаб бўлди. Чунки маълум соҳадаги порахўрлик ўша йўналишдаги ўсишга тўсқинлик қилади, таълимдаги коррупция барча соҳага салбий таъсир қилади.

Бозор иқтисодиётининг таълимга қандай алоқаси бор?

Одамларни ижтимоий ҳаёт, социал муаммолар ҳаракатга келтиради. Яъни мутасадди ижтимоий муаммолари билан банд бўлса, у ўз вазифасини тўла адо эта олмайди. Чунки унинг хаёли шахсий муаммосини ҳал этиш билан банд бўлади. Бу барча соҳа ходимлари учун бирдек тегишли. Шу сабаб биз таълимни ислоҳ қилиб, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрламоқчи эканмиз, соҳада эркин бозор муносабатларига ўтишимиз керак. Бу — олий таълим тизими хусусий релсыга ўтиши керак дегани!

Улкан моддий-техник таъминот ва маблағ талаб қиладиган, яъни давлатнинг аралашувисиз таълим сифати таъминлашни мураккаб бўлган баъзи соҳалардан ташқари, қолган йўналишларда хусусий таълимни кенг жорий этиш зарур.

Дунёдаги энг кучли университетларнинг аксарияти хусусий

таълим даргоҳлари ҳисобланади. Негаки, хусусий университет ташкил этган талбиркор фойда кўриши учун кўпроқ ва яхшироқ мутахассислар етиштириб чиқариши керак. Бунинг учун у энг яхши ўқитувчиларни юқори маош эвазига ишга таклиф этади. Таълим сифати ҳам шунга яраша аъло бўлади. Ўз-ўзидан иш берувчи тузилмалар ана шу университетларнинг талабаларини ишга олади. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Хусусий университетларнинг ана бир муҳим жиғати, улар эҳтиёж кучли бўлган соҳаларни, бошқача айтганда, таълим бозорини ўрганиб, шунга мос янги йўналишлар очади. Японияда Ритсумейкан Осие-Тинч океани университети деган бир олийгоҳ бор. Дунё бўйича юзлаб компаниялар билан ҳамкорлик қилади, талаба дипломини олиши билан ўша компаниялардан иш топади. Университет компанияларнинг талабига кўра кадр тайёрлайди ва таклиф қилади. Соф бозор қонунияти бу. Биз эса бунга бузиб, минглаб одамларнинг тақдирини барбод қилдик. Қанчадан қанча истеъдодлар кўчада сарсон, чунки уларнинг ўрнига ўқишга чаласаводлар «қиритилган».

Бозор талабига кўра таълимнинг халқаро тажрибаси юртимизда ҳам амалга оширилган. Масалан, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ёки Турин политехника университети эркин бозор иқтисодиётининг маҳсули. Бу таълимда эркин бозор муносабатларига ўтишимизнинг илк қадамлари эди. Лекин уни янада ривожлантириш борасида шу пайтгача айтарли иш қилинмади. Улар тайёрлаб бераётган

кадрларга етарлича эътибор қаратилмади ва бу таълим даргоҳларининг аксарият битирувчилари хорижга чиқиб кетди.

Вилоятлардаги барча олийгоҳлар хусусийлаштирилса...

Президентимиз 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: «Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан камраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чораталбирлар туфайли биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар таълимга қарайдиган бўлса, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан камраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш — муҳим вазифамиздир, деб таъкидлаганди. Шундан сўнг олий таълим тизимида жадал янгиланишлар даври бошланди.

Бу ўзгаришлар натижасида кўшимча факультетлар, янги йўналишлар ташкил этилди. Муҳим янгилек, юртимиздаги илк хусусий университет —

ДАРВОҚЕ:

— Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида 2017-2019 йилларда 4 ойлик қайта тайёрлаш курслари орқали кўплаб ёшларнинг малакаси оширилди. Эътиборлиси, битирувчилар вазирлик, идора, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг юқори лавозимларида ишлаб келмоқда. Хозирги кунда институтда 55 нафар йигит-қиз тахсил оляпти.

AKFA фаолияти йўлга қўйилди. Бу миллий таълим тизими учун қувончли ҳолат. Негаки, олий таълим хусусий бўлса, дунёнинг кўзга кўринган профессор-ўқитувчиларини жалб этиш имконияти кенгайди. Бу ўз-ўзидан ўқитувчилар орасида ҳам, олий таълим даргоҳлари орасида ҳам соғлом рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Миллий университет филиалларини ташкил этиб, бошқа барча олий таълим даргоҳларини хусусийлаштириш керак. Эҳтимол, халқимиз хозирча бунга тайёр эмасдир, лекин малакали кадрлар синфини яратиш, аҳолини иш билан тўла таъминлаш учун бу йўлга босқичма-босқич ўтишимиз зарур.

Университетларимиз қачон дунё рейтингидан муносиб ўрин олади?

Бизда қатта-қатта илм-фан мактаблари бор. Ўша мактабларнинг вакиллари бугун анча кескайиб қолди. Бу устозларнинг илмидан самарали фойдаланиш учун Президентимиз бошчилигида мавжуд таълим тизимини янги форматга ўтказиш жараёни бошланди. Бу ўзгаришлар миллий кадрлар синфини шакллантиришимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Умид қиламизки, яқин ўн йилликда олий таълим тизимимиз дунё рейтингидан муносиб ўрин эгаллайди. Бу мураккаб жараён, ammo бизда етарлича салоҳият, илмий потенциал бор. Ахир халқимиз: «Бой камбағал бўлса, ун йил бойлигининг хиди кетмайди», — деб бежиз айтмаган.

Ақтам ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат бошқаруви
академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш
институти директори.



Мавзуга оид маълумот:

— QS University Rankings: Eastern Europe and Central Asia (EECA) 2019 рейтингини эълон қилганди. Ушбу рўйхатдан Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги 26 мамлакатнинг энг яхши университетлари ўрин олган. Россия, Чехия, Эстония, Польша ва Туркия каби давлатларнинг олий таълим даргоҳлари сафида Қозоғистоннинг Миллий университети 19-ўринни эгаллади(!) Тошкент давлат техника университетига рейтингдан жой олиш учун бир неча балл етмади.


Ташкилотларнинг ўқишга тавсия этиши юзасидан қондалар эълон қилинди.

Юрт истиқболини юлдузларга қараб белгилаб бўлмайди

ЗАМОН ЁШЛАРИГА ДАККИ БЕРИБ ЁКИ УЛАРГА МАЪЛУМ ТЎСИҚЛАР ҚЎЙИШ ОРҚАЛИ НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. ТАРБИЯДА БУНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ АКС ТАЪСИР ҚИЛИШИ АЛЛАҚАЧОН ИСБОТЛАНГАН

Бир кунги подшо мунажжамни ёнига чақириб, юз йил ўтгач юрт тақдири қандай бўлиши ҳақида сўрабди. Мунажжам ўйлаб ҳам ўтирмай, ижобий жавоб берибди. Бундан ҳукмдорнинг кўнгли тўлмай, мунажжамга яна ўша саволни берибди. Тагин ўша ҳол такрорланибди. Шунда юрт соҳиби жаҳл отига миниб: — Бу қандай бедодлик?! — дебди. — Мен заиф қўшин устига юрши қилмоқчи бўлганимда ҳам юлдузларга қараб, узоқ мулоҳаза қилиб, бирон сўз айтмадим. Нега юрт истиқболи ҳақида сўраганимда, ҳеч иккиланмай жавоб бераман?

Мунажжам тавозе билан жавоб қилибди: — Доим мамлакатни кезиб, ота-оналарнинг фарзандларига қандай тарбия бераётгани, ўғил-қизларнинг орзу-истаклари ҳақида суриштираман. Ана шу сўровлардан биламанки, бугун ота-онасидан яхши таълим-тарбия олиб, эзгу ният ила камол топаётган фарзандлар юртининг ёруғ истиқболидан далолат беради...



ДАРВОҚЕ:

«Оммавий маданият» «луғати»ни биласизми?

- Исрофгарчилик – бойлик белгиси;
 - Ёшлик – тез ўтиб кетадиган, лаззатланадиган вақт;
 - Вафо, садоқат – эскилик сарқитлари;
 - Ҳаё, ибод – маданиятсизлик;
 - Инсоф қилиш – имкониятни бой берши;
 - Саховат – ресурсни мақсадсиз совуриш;
 - Яхши ота – бола қўлига катта пул берувчи позитив партнёр;
 - Ёмон ота – боласига пул эмас, билим, малака берувчи негатив партнёр;
 - Оила – шахс эркинлигини бўғувчи занжир;
 - Хиёнат – озод севги ғалабаси;
 - Худбинлик – ўзи учун яшаш, оила, фарзанд, ота-она учун қайғурмаслик.
- P/S:** мана шу «луғат»нинг ўзиёқ «оммавий маданият»нинг нечоғли тубан иллат эканидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув, мафкуравий курашлар авж олган даврда ёшларга тўғри таълим-тарбия бериб, уларни эл қорига ярайдиган авлод қилиб тарбиялаш ҳар доимгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, виртуал олам билан ҳаётимиз чамбарчас боғланган, уларни ёвуз кучлардан химоя қилиш янада мураккаблашди. Айни пайтда ўғил-қизларни замонавий технологиялардан ажратиб олиш ҳам тўғри йўл эмас. Шундай экан, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш зарур.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ташкил этилаётган ёшлар ўртасида «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари, интернетдан келаётган хавф-хатарлардан хабардор қилиш, уларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга йўналтирилган туркум тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам айтиш шундай эҳтимол қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Концепция барча маҳаллаларни қамраб олади

Замон ёшларига дакки бериб ёки уларга маълум тўсиқлар қўйиш орқали натижага эришиб бўлмайди. Тарбияда бундай йўл тутиш акс таъсир

қилиши аллақачон исботланган. Демак, фақат шахсий иборат кўрсатиш, яхшиликларни намуна қилиш орқали ёшларни тўғри йўлга бошлаш мумкин.

«Ёшлар ўртасида «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари, интернетдан келаётган хавф-хатарлардан хабардор қилиш, уларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга йўналтирилган туркум тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш» концепциясида айнан шу жиҳатга эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, юртимиздаги барча маҳаллаларда ранг-баранг лойиҳалар амалга оширилади. Ушбу тарғибот тадбирлари ўзида ёшлар ўртасида «оммавий маданият»нинг турли шакллари тарқалишини турли оқибат олиши, ватанпарварлик, юқори ижтимоий фаоллик ва фуқаролик позициясини муҳим ахлоқий ҳамда ижтимоий қадрият сифатида юксалтириш каби эзгу мақсадларни жамлаган.

Маънавий юксаклик сари йўл қаердан бошланади?

Концепция доирасида, аввало, умумтаълим мактабларида

кичик дарслар ташкил этилади. Машғулотлар жараёнида ўқувчиларга «оммавий маданият»нинг салбий кўринишлари ҳақида тушунча берилади. Аҳамиятlisi, бу дарсларни одатдаги ўқитувчилар эмас, халқимиз ардоғидаги адиб ва шоирлар ўтади. Бу қайсилик маънода ўғил-қизлар қалбига йўл топишни осонлаштирилади. Зеро, ижод ахли кўп такрорлангани сари ёшлар меъдасига тегиши мумкин бўлган мавзунини ҳам янгича қараш, халқчил иборалар билан қалбларга етказиб беришдек иқтидорга эга.

«Маънавий юксаклик сари йўл» мавзусидаги иншолар танлови ўғил-қизларда «омма-

вий маданият» ҳақида кенгрок фикр-мулоҳаза юритиб, мамлакат тараққиётида маънавиятнинг тутган ўрни, турли ёт таъсирларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва бунинг олдини олиш учун ўзларининг тақлифини билдиришга имкон беради. «Уч авлод учрашувлари» эса юқорида таъкидланган шахсий иборат мактабини ўтайди. Учрашувлар доирасида маҳаллаларда обрў-эътибор қозонган кекса нурунийлар ҳамда ўз соҳаларида муайян муваффақиятга эришган мутахассислар ўқувчиларга ҳаёт йўли, ютуқларга эришиш машаққатлари ҳақида сўзлаб беради. Бундай учрашувларга маънавий тарғиботчилари ва ижодкор ёшларнинг ҳам жалб этилиши тарбияга «Бу йўлинг хато» деб эмас, «Биз бу томондан юрамиз», деган тамойилда ёндашушни кўрсатади.

«Интернетсиз кун» лойиҳаси ҳаётини интернетсиз, телефонсиз тасаввур қила олмайдиган ёшларнинг бутун кунини улардан фойдаланмасдан ўтказишга қаратилган. Бунинг учун уларга тақик қўйилмайди. Аксинча ўғил-қизларнинг вақтини чоғ ўтказиши учун барча имкониятлар яратилади. Бунда ҳар ойнинг охириг жумаси мактаб ҳудудида «Интернетсиз кун» деб эълон қилинади. Лойиҳа доирасида ёшларнинг кутубхоналар, китоб дўконларига ташрифи уюштирилади. Худуд имкониятидан келиб чиқиб, музейларга, тарихий қадамжоларга саёхатлар ташкил этилади.

Қандай тадбирлар ўтказилади?

1. Мактабларда «оммавий маданият»нинг салбий кўринишлари ҳақида кичик дарслар ташкил этилади;
2. «Маънавий юксаклик сари йўл» мавзусида иншолар танлови ўтказилади;
3. Уч авлод учрашувлари уюштирилади;
4. «Интернетсиз кун» лойиҳаси амалга оширилади.

Кимлар иштирок этади?



Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Васийлик ва ҳомийлик: қонун ижроси нега суст, нима тўсқинлик қилляпти?

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ВОЯГА ЕТГАНЛАРНИНГ КЕЙИНГИ ТУРМУШИ
ВА ТАҚДИРИ, ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
АНИҚ ВА ТИЗИМЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН

БИРИНЧИ ҲОЛАТ. Дилмуроднинг заиф эшитиши ҳақидаги хабар Қодирни шошириб қўйди. Беш нафар қиздан сўнг ўғил фарзанд кўрдим, деб суюнган отанинг қувончи узоққа чўзилмади. Ота-она уни шахарнинг энг олди шифокорларига кўрсатишди. Аммо бу югур-югурлар самарасиз кетди. Тақдирга тан берган оила Дилмуродни заиф эшитувчилар мактаб-интернатига олиб борди. Зехни ўткир, спортга қизиқувчан ўспирин устозлари меҳрини қозонди, кўплаб дўстлар орттирди.

9-синфда ўқиётганида уни футбол бўйича Ўзбекистон заиф эшитувчилар миллий терма жамоасига қабул қилишди. Халқаро мусобақадаги галаба эса ота-она, устозларию маҳалладошларни бирдек қувонтирди. Йиллар давомида оила қалбини эзиб келган юк шу тариқа ариди. Бугун Дилмурод хунар эгаллаб, ишга жойлашган, отасининг яқин кўмакчисига айланган. Фарзандни неъмат, дея қадрлаган оилага бугун кўпчиликнинг ҳаваси келади.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ. Бекмурод ичкиликка ружу қўйди. Рўзғордаги кам-кўстлар эса Нафисани ҳолдан тойдирди, эрига жаҳл қилиб, тўрт ёшга тўлмаган Зебонанинг зорланишларига қарамай, уйни ташлаб чиқиб кетди. Икки кун қаровсиз қолган қизалоқнинг очликдан силласи қурди. Хайриятки, қўни-қўшини бор экан, уни дарҳол шифохонага етказишди. Суд масъулиятсиз эр-хотинни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди. Зебонага таъминот, тарбия ва таълим бериш, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васий тайинланди...

Савоб ишнинг салмоғи қандай ўлчанайди?

Юқоридаги икки ҳолат бўйича ҳулосани ўзингизга қолдирамиз. Сизнингча, қай бири ҳавасга, қай бири нафратга лойиқ? Шукри, юртимизда ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмаган. Кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қийматини келтириш ёки

ҳисобини чиқариш фикридан йироқмиз. Шунчаки сизни теран фикр ва мушоахда юритишга чорламоқчимиз, ҳолос. Ахир, савоб ишнинг салмоғи унинг миннатидас эмас, балки қалбдаги миннатдорлик, қўздаги севинч ёши ва чеҳрадаги мамнунлик акси билан баҳоланмайдими?

Мамлакатимизда васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож шахсларни вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштирилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бор гап. Биргина жорий йилнинг ўзида давлатимиз раҳбарининг «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Аммо йўналишдаги ишлар тизимли, рисоладагидек олиб бориляпти, дея оламизми? Хўш, соҳанинг ҳуқуқий асосларида белгиланган вазифалар ижроси қай даражада таъминланмоқда? Шу каби саволлар билан Олий Мажлис Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Чўллевга мурожаат қилдик.

Махсус адабиётлар ва бинолар етишмайди

— Афсуски, хали-хануз тизимда ечимни кутаётган бир нечта камчиликлар бор, — дейди Ш.Чўллев. — Бунга Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 318 та махсус мактаб муассасалар фаолиятини ўрганиб, амалда гувоҳ бўлдик. Шу кунга қадар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда боқувчинини йўқотган вояга етмаганларнинг 145 нафари оилаларга патронатга ҳамда 366

нафари васийликка берилган. Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларида ўтказилган сўронома натижаларига кўра, аксарият ўқувчиларнинг оиласида тарбия жараёни рисоладагидек эмаслиги ойдинлашди.

Хусусан, ота-оналарнинг ичкиликка, гиёҳванд моддалар истеъмолига ружу қўйиши, тез-тез жанжаллашиши, ажралиш ҳолатлари, нотўлиқ оилада, отаси ёки онаси чет элга кетгани сабабли қариндошлар қарамоғида қолган болалар борлиги аёнлашди. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлашда тўсқинлик қилаётган айрим тизимли хато ва камчиликлар эса вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Чунотчи, Тошкент шаҳрида 4 минг 123 нафар ўқувчи имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабларда таълим олади. Аммо қар-соқов, заиф эшитувчи ўқувчилар ва кўрлар учун ихтисослаштирилган мактаб, мак-

келиб чиқиб, индивидуал ёндашилгани бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси юзасидан биронта маълумот йўқ. Ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси оммавий тусга эга.

Қонунчиликка мувофиқ, бундай муассасаларда махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этилмайдиган 51 та касб ўқитилиши белгиланган. Маълумотларда Тошкент шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида 26 та касб бўйича ўқитилиши айтиб ўтилган. Талабларга асосан, ҳар бир бола ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касбий таълим йўналишини ўз хоҳишига кўра мустақил танлайди. Амалда эса бу талаб тўлиқ бажарилмапти.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, вояга етганларнинг мутахассислиги бўйича касбий маълумоти, иш билан таъминлангани юзасидан мониторинг юритилмапти. Уларнинг кейинги турмуши ва тақдирини, ҳаётда ўз ўрнини топишига йўналтирилган аниқ ва тизимлаштирилган ишлар йўлга қўйилмаган. Бу борада алоҳида шугулланмайдиган аниқ давлат органи мавжуд эмаслиги ҳамда бу фаолиятга ёндашадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар билан барқарор алоқалар ўрнатилмагани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорларида оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш муассасалари тармоқлари, хизматлари, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга ҳамда уларнинг оилаларига маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик, тиббий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш марказларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Амалда эса бу талаблар деярли бажарилмаган.

Муаммоларга ечим борми?

Камчиликларни бартараф этишда шуларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув талаб қилинади. Аввало, тегишли давлат идоралари махсус ўқув адабиётларини рус ва ўзбек тилида ишлаб чиқини ва имконияти чекланган болаларга етказиш чораларини кўриш лозим. Мутасадди идоралар мавжуд муассасаларга қўшимча бино қуриш ва шароитни яхшилаш масалаларига жиддий ёндашиш зарур. Шунингдек, қарорларда белгиланган вазифаларни бажаришда миллий тажрибада шаклланган амалиёт ва халқаро андозаларни чуқур таҳлил қилиб, тизимли ёндашувни амалга ошириш керак. Яқин ва узоқ истикболга мўлжалланган чораларни қабул қилиш, уларни изчил амалга оширишга сидқидилдан киришиш лозим.

Садокат МАХСУМОВА
тайёрлади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

ЧЕМПИОНАР ЭНДИ ЖАҲОН КУБОГИ УЧУН КУРАШАДИ



Мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан ташкил топган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилнинг 12-15 июль кунлари Польшада ўтайдиган жаҳон кубоги баҳсларида амалдаги жаҳон чемпионолари сифатида иштирок этишади.

Маълумки, мазкур термаимиз ўтган йилда Россияда ташкил этилган Меҳрибонлик уйлари терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионолигида зафар кучиб, бош совринни Тошкентга олиб келганди. Ушанда футболчиларимиз ҳал қилувчи финал ўйнинида Покистон термаси билан тўқнаш қилиб, пенальтилар сериясида галаба қозонганди.

Жамшид Асадов бошчилигидаги терма жамоамиз жаҳон кубоги баҳсларининг гуруҳ bosқичида («С» гуруҳида) Испания, Вьетнам, Россия, Латвия, Словения ва Беларусь терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.



таб-интернатларида ўқувчилар учун рус ва ўзбек тилида махсус (соқов болалар ва кўрлар учун брайль ёзувида) ўқув адабиётлари етарли эмас. Имконияти чекланган болалар махсус йўналишдаги адабиётларнинг нусхасини ўқимокда. Мактаб-интернатларида ўқувчилар сони белгиланган меъёрлардан ошиб кетган. Масалан, 100-сонли таянч ҳаракати аъзолари шикастланган болалар мактаб-интернати 210 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлса-да, бу ерда 410 нафар, 4-сонли сколиоз болалар учун санаторий типидagi мактаб-интернати 450 ўринга мўлжалланган ҳолда ҳозир бу ерда 601 нафар ўқувчи таълим оляпти.

Болаларнинг кейинги тақдирини кимга қизиқ?

Яна бир ҳолат. «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонунда васийлик ва ҳомийлик масалаларида индивидуал ёндашув принциплари амал қилиш лозимлиги белгиланган. Аммо Меҳрибонлик уйларида бу мезонга амал қилинмапти. Муассасаларда шахсининг имкониятидан

Шахсга доир маълумотлар муҳофазаси нима учун керак?

КОНУН ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИНИ СОДДАЛАШТИРИШ, ФАҚАТ АНИҚ КЎРСАТИЛГАН МАҚСАД УЧУНГИНА ФЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТИНИ ЯРАТАДИ



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутаты.

Бугунги кунда шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш ҳолис воқеликка айланди. Бинобарин, инсон ҳақидаги маълумот ҳар доим қимматли бўлган, аини вақтда эса у ноёб товарга айлиниб бормоқда. Шу боис инсоннинг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилиш, ундан турли ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик, пировардида шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамиятга эга.

Қонунга қандай эҳтиёж бор эди?

Айни пайтда «Facebook», «Instagram», «Telegram» каби йирик ижтимоий тармоқлар ва миллий «UZ» доменидаги 500 дан зиёд интернет тармоқлари операторлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шахсига доир маълумотларга эга.

Шунингдек, кундалик турмушимизда ҳам у ёки бу вазиятда (масалан, савдо шохобчаларида пластик карта орқали махсулот харид қилганда, давлат хизматларидан фойдаланганда) бундай маълумотларни тақдим этамиз. Хўш, аини ҳолатларда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги таъминланганми?

Тан олиш керак, соҳада ечимини кутаётган масалалар кам эмас. Жумладан, амалдаги қонунчиликда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш масалалари тартибга солинмаган. Бундай маълумотларга ишлов беришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан уларнинг ҳимоя чораларига риоя қилиниши масалаларини назарда тутувчи ягона қонун мавжуд эмас. Маҳаллий ва халқаро интернет тармоқлари операторларининг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни бузгани учун жавобгарлик масалалари назарда тутилмаган.

Президент томонидан имзоланган «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонун аини муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Етти боб, 36 моддадан иборат қонун фуқароларга ўз шахсий маълумотлари устидан назорат қилиш, улардан фойдаланиш имкониятини соддалаштириш ҳамда қаерда ишлов берилишидан қатъи назар, билдирилган мақсад учунгина фойдаланишини таъминлаш имкониятини беради.

Шахсий маълумотни эгасизлантириш нима дегани?

Ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Хуёусан, АКШ, Россия Федерацияси, Қозғғистон, Япония, Малайзия, Европа Иттифоқи регламенти талаблари билан солиштирилиб, ижобий жиҳатлари эътиборга олинди.

Қонун билан шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат персоналлаштириш маркази белгиланди. У аини соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширади.

Шахсий маълумотларни тарихий, статистик, социологик, илмий изланишлар олиб боришда шахсий маълумотлар базаси мулкдори, оператори ёки учинчи шахслар, албатта, уни эгасизлантириши шарт. Шахсий маълумотни эгасизлантириш деганда унинг айнан қайсидир шахс (субъект)га тегишли эканини билиш имконини бермайдиган ҳаракат тушунилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонунда биометрик маълумотлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Биометрик маълумот сифатида шахснинг айнан ким эканини аниқлаш имконини берадиган анотомик ва физиологик хусусиятларини тавсифловчи шахсга доир маълумотлар кўзда тутилмоқда.

Қандай натижа кутиляпти?

Қонун жорий йилнинг 1 октябрдан эътиборан қучга қиради. Шундан сўнг мулкдор, оператор ва учинчи шахс фуқаронинг шахсига доир маълумотларини етарли даражада ҳимоя қилишни бўйнига олган ҳолда ва ушбу маълумотдан нима учун фойдаланмоқчи эканлиги ҳақидаги мақсадни ошқор қилиб, фақат ўша мақсад учунгина фойдаланиши мумкин бўлади.

Масалан, паспорт олиш учун берилган маълумотни ер олиш, кадастр қилиш, никоҳдан ўтиш, сайловчилар рўйхатига киритиш, ўқишга юбориш, диплом бериш, гувоҳнома тайёрлаш каби ишларга шахс руҳсатисиз фойдаланиш мумкин эмас. Агар шу мақсадда фойдаланиш зарурати пайдо бўлса, албатта, бу ҳақида маълум қилиниб, розилик олинishi шарт.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда шахсга доир маълумотлар билан ишлашда халқаро стандартлар ва қондаларни жорий қилиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги бўйича конституциявий ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва шахс сифатида ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

МАНЗАРА

Мўйноқдаги овуллар қачон электр токи билан тўдиқ таъминланади?

ҚАЧОН ЎЗИМИЗ ТАШАББУС КЎРСАТИБ, БОР ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНАМИЗ? БУНИНГ УЧУН ТОМ-ТОМ КИТОБЛАРНИ ВАРАҚЛАШ ЁКИ ЯНГИЛИК ЯРАТИШ ШАРТ ЭМАС, ШУНЧАКИ БИРОЗ МАСЪУЛИЯТ ВА ЭЪТИБОР БЎЛСА КИФОЯ

Оммавий ахборот воситалари орқали ҳудудлардаги ижтимоий муаммолар, одамларни қийнаётган масалалар ҳақида кўп ёзиляпти. Ечим бўйича масъул ташкилотларнинг амалга ошираётган ишлари хуёусида бонг урилмоқда. Аслида-чи, асл вазият қандай? Муаммолар ечимида ҳам-ма жойда ҳам ижро интизоми бир қилми? Бу саволларга электр энергияси мисолида жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Олис овуллар

электр токидан баҳрамандми?

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида электр таъминотидаги узлишлар қанчалик барҳам топган? Ёки хали-хануз бундан 50-60 йил аввал тортилган симлар, «ёшини яшаб» бўлган симёғочлар, қайта-қайта таъмирланган трансформаторлардан фойдаланиляптими? Афёуски, ўрганишлар давомида маълум бўлдики, бундай ҳолат ҳозиргача олис овулларда учрамоқда. Шамол эсиб, ёмғир ёғиши ҳамонқо хонадонлар электр текисиз қолаётгани ҳам бор гап.

— Қучли шамол эсса, ёмғарчилик бўлса, албатта, электр энергияси ўчади, — дейди мўйноқлик Байлеспес Акимов. — Боиси овулимиздаги электр симлари

эскирган, симёғочлар ҳам қулазубек бўлиб турибди. Биз-ку, майли, ҳудудимизда ишлаб чиқариш билан шугулланувчи тадбиркорларга бу катта ноқулайлик тугдирмоқда.

Хўш, аҳолино тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бу камчиликлар ечим топадими? Наҳотки, амалга оширилаётган ислохотлар одими Қорақалпоғистоннинг олис овулларига етиб бормаётган бўлса?

Таъминот яхшиланади, бу қанчалик ҳақиқатга яқин?

Авал хабар берганимиздек, аини пайтда Мўйноқ туманида «Мо'уноқ сити» лойиҳаси доирасида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Шаҳарнинг обод бўлгани, инфратузилмаси янгилангани яқини, албатта, Аммо йўллар равои, кўчалар обод бўлсаю муаммолар эскилигича қолаверса-чи?

— Мўйноқда буй кўрсатаётган ўзгаришлар барча соҳаларни бирдек қамраб олган, — дейди «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари» АЖ қурилиш ишлари бўйича директори Сардор Содиқов. — Туманда тез орада қўлаб йирик қорхоналар, тадбиркорлик

субъектлари иш бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, электр энергиясига бўлган талабни икки қисса оширади. Шу боис ҳудудда инновацион технологиялар билан эътиборланган, узлуксиз хизмат кўрсатувчи замонавий электр таъминоти қорхонаси қурилмоқда. Шу билан бирга, ҳудудда алоҳида иккита электр узатиш тармоғи ва 10 та трансформатор пунктини реконструкция қилиш ишлари ҳам давом этаётир. Жорий йилнинг август ойида яна бир йирик лойиҳа — Мўйноқдаги истеъмолчининг барчасига Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) га мос замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари бошланади.

Қайд этиш ўринли, юқоридагиларга қўшимча равишда «Обод қишлоқ» дастурига киритилган Бозатау, Мадели ва Ҳаким ота овул фуқаролар йиғинидаги жами 14,1 км. ҳаво электр тармоғи ва 5 донна трансформатор пунктини реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишлари олиб боришмоқда. Демак, кўриниб турибдики, мавжуд муаммолар бирин-кетин ҳал бўлади. Бунинг учун катта қуч ва маблағ сарф этилаётгани кундек равшан. Аммо масаланинг яна бир томони бор.

Мавжуд имкониятлардан қачон фойдаланамиз?

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, туманда қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, шу жумладан, қуёш ва шамолдан фойдаланган ҳолда электр энергия ишлаб чиқариш соҳасига тўғриван-тўғри чет эл инвестициялари киритаётган ташкилотларга қатор зарур шароитлар яратилиши таъминлиниши лозим эди. Бирок ўтган давр ичида бу борада бирон мақтагулик иш қилинмаган.

Хўш, қачонгача ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этиш учун юқоридан маблағ ажратилишино лойиҳа тасдиқлиниши кутамиз? Қачон ўзимиз ташаббус кўрсатиб, бор имкониятлардан унумли фойдаланамиз? Бунинг учун том-том китобларни варақлаш ёки янгилик яратиш шарт эмас, шунчаки бироз масъулият ва эътибор бўлса кифоя.


Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Қорақалпоғистонлик бахши қиз Польшада гран-прини қўлга киритди.

«Бўлди, бўлди»си яхши-ю, тезроқ бўлгани ундан яхши

«СУВОҚОВА» КОРХОНАСИ МУТАСАДДИЛАРИ «КУТИНГЛАР, СУВ ТАШУВЧИ БУГУН, АЛБАТТА, СИЗЛАРНИНГ МАҲАЛЛАНГИЗГА БОРАДИ»ДАН НАРИГА ЎТИШМАЯПТИ

«Нурлибод» — Жиззах шахрининг қок марказида жойлашган маҳаллалардан бири. Қатор йиллардан бери йиғида маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида ибрат олга арзирли ишлар амалга ошириляётир. Маҳалла фаолларининг профилактика инспектори билан олиб борган изчил ҳаракатлари натижасида кейинги уч йил давомида бирорта жиноят содир этилмади. Вояга етмаганлар ўртасида нохуш ҳодисалар кузатилмади. Қайнона-келин, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар ҳам кама-йиб бормоқда.



фон кўнғироқлари самарасиз бўлмоқда. «Сувоқова» корхонаси мутасаддилари эса «Кутинглар, сув ташувчи бугун, албатта, сизларнинг маҳаллангизга боради»дан нари ўтишмаяпти.

зустига белгиланган. Ана шу хайрли иш амалга оширилган, нафақат «Нурлибод», балки қўшни Бобур номли ҳамда «Қалия» маҳаллалари аҳолисининг ҳам сув таъминоти яхшиланади.

Икки кунда сув келиши мумкин, аммо...

Маҳалла ахли бир неча йилдан бери Жиззах шаҳар ҳокимлигига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилояти Халқ қабулхонасига юзага келган сув миқдори ёнидан янги артезиан кудуги казиб, сув чиқарилди. Бу иш «Пахтакор агро инвест» фирмаси зиммасига қўлатилди. Фирма қурувчилари киска фурсатда артезиан кудуги бунёд этишди. Кизлартепа, Қўштепа кўчаларига ичимлик суви тармоғи тортилды. Бирок иш охирига етказилмади.

— «Сувоқова» давлат унитар корхонаси директори Зокир Мамарасуловнинг сўзларига ишониб иш бошлагандик, — дейди «Пахтакор агро инвест» фирмаси раҳбари Суён Одилов. — Артезиан кудуги қазилди. 2 та кўчага 600 метрли ичимлик суви тармоғи тортилды. Киска фурсатда 200 миллион сўмлик иш бажарилди. Насос ва бошқа зарурий қисмларни келтириб қўйганмиз. Бирок амалга оширилган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳанузгача тўлаб берилгани йўқ. Иш ҳақимиз тўланса, икки кунда маҳаллага сув бериш имконияти мавжуд. Пулимизни беришганда ўтган йили бу ишлар поёнига етказилиб, аҳоли сувсизликдан азият чекмаган бўларди. Меҳнатимизга ҳақ оломай «Сувоқова» корхонаси мутасаддилари ортидан югуриб юрибмиз. Дардимизни кимга айтайлик?

Ушбу масала юзасидан «Сувоқова» давлат унитар корхонаси мутасаддиларига қилган мурожаатларимиз бесамав кетди. Уларни на иш жойидан, на телефон қилиб топишининг иложи бўлмади. Ниҳоят, корхонаниннг Жиззах шаҳар филиали бош муҳандиси Дилшод Зиёев билан боғландик.

— «Нурлибод» маҳалласи аҳолисининг муаммоси тез орада ечилади, — дейди Дилшод Зиёев. — Ниҳоят, бу борадаги лоиҳа смета ҳужжатлари тасдиқланиб, республика бюджетидан маблағ ажратилмади бўлди. Шу тариқа қурувчи бажарган ишлар қиймати ҳам тўлаб берилди. Артезиан кудугини ишга тушириш жорий йилнинг 10 ав-

ВАЗИЯТ

Суиқасд амалга ошмади, аммо...

Шифокор қаршида турган Дониёр Қаршиевнинг (исм-фамилия ўзгартирилган) нияти бузуқ эканини сезмади. Шу боис Дониёрга укаси нима сабабдан жарроҳлик амалиётидан сўнг 2 кун ўтгач, вафот этганини тушунтироқчи бўлди.

Сенлар ўлдирдинг, укамни! Дуруст-роқ қараганларингда у ўлмасди!!! — дея кўзи қонга тўлган Дониёр кўлидаги пичок билан шифокорга ташланди.

Кутилмаган ҳужумга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилса-да, Дониёр шифокорга 2 марта пичок уришга улгурди. Бир зумда кўтарилган тўс-тўполон бутун шифохонани ларзага келтирди.

Жорий йилнинг 29 июнь куни Жиззах вилояти Зафаробод туманининг Узун кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 1995 йилда туғилган Д.Қаршиев Жиззах шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида касдан одам ўлдирдишга ана шундай ҳаракат қилди.

— Бемор Д.Қаршиев жигар эхинококкози таъхиси билан жарроҳлик бўлимига ётқизилган, — дейди шифоҳона бош врач Холда Алимова. — Жарроҳлик амалиёти тошкентлик профессор-шифокорлар иштирокида ўтказилганди. Бемор операциядан яхши чиқди. Бирок икки кун ўтиб касаллик қайта хуруж қилгач, бемор ҳаётини сақлаб қолиш-нинг имкони бўлмади. Айни вақтда яра-ланган шифокор республика шовишлич тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг жонлантириш бўлимига ётқизилган бўлиб, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Жиноятчи Дониёр Қаршиев яширинишга қанчалик уринмасин, ўша кунининг ўзида ички ишлар органи ходимлари томонидан қўлга олинган.

Ушбу воқеа бутун вилоят аҳолисини бир қалкипти, десак муболага бўлмайди. Шу боис бу ҳолат Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан жиноятда гумонланувчи шахс яшаган маҳалла ҳамда суиқасд содир бўлган тиббиёт муассасасида муҳокама этилди.

— Маҳалламиздаги бу оила бошга тушган мусабатдан ҳамма гаimgа чўмган, — дейди Узун кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳри Усмонов. — Чунки Қаршиевлар доим ибратчилар қаторида бўлган. Оилда уч қиз ва икки ўғил бўлиб, уч қизни узатишди. Аммо ота-она ҳозирда оевр мусабатда. Ўғилларидан бири манзуга кўз юмган бўлса, иккинчиси жинояти ортидан жабр чекмоқда.

Дарҳақиқат, бу воқеа ҳар биримизни ҳушёрликка қорлайди, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка ўндайди. Олий ўқув юрти талабаси бўлган Д.Қаршиев эндиликда ўйламасдан қилган жинояти учун одил суд олдида жавоб беришга мажбур.

Оқдарё маҳаллалари заҳарланган сувдан ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА МАҲКУМ...(МИ?)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ОҚДАРЁ ТУМАНИДАГИ «БОШДАРХОН» МАҲАЛЛАСИ АҲЛИНИ АНЧАДАН
БУЁН БИР МУАММО ҚИЙНАБ КЕЛАДИ. МАНА, ИККИ ЙИЛДИРКИ, ЙИГИН ХУДУДИДАН ОҚИБ
ЎТУВЧИ ОҚДАРЁ ДАРЭСИНИНГ СУВИ ЗАҲАРЛАНИБ, УНДАН ЖУДА БАДБЎЙ ХИД АНҚИМОҚДА

Одамлар нафас олишга қийналмоқда

Қайд этилишича, дарёнинг қарама-қарши соҳилидаги Фарход шаҳарчасида бундан бир ярим йил олдин Жаҳон банки маблаглари ҳисобидан вилоят «Сувоқова» давлат унитар корхонасига қарашли замонавий сув тозалаш иншооти ишга туширилган. Унинг вази-фаси — шаҳарча ҳудудидаги корхона-ларда ҳосил бўладиган оқова сувларни биологик йўл билан қайта тозалашдан иборат. Тозаланган сув Оқдарёга қуйи-лади. Ҳамма муаммо ана шу иншоот томонидан дарёга қуйилаётган сувнинг аслида тоза эмаслигида. Аини масалала маҳалла фаолларининг бормаган жойи, қирмаган эшиги қолмади ҳисоб. Аммо кутилган натижа бўлмапти.

— Нимасини айтмай, дарё сувининг заҳарланиши оқибатида ичимлик суви-мизининг манбаи бўлмиш қўлбола босма қудук(қачалка)лардан ҳам бадбўй хид чиқаётган, унинг суви кўпирадиган бў-либ қолди, — дейди шу ерда яшовчи **Исмоил бобо Тўраев**. — Энди ёзнинг жазирама кунларида 8-10 қақирим йўл босиб, қўшни маҳаллалардан сув ташиб ичтимиз, бошқа нияям қилардик. Дарё бўйида жойлашган бошқа маҳалла-ларда ҳам аини шу масала муаммога айланган.

Маҳалла фаоллари ҳамроҳлигида дарёга тушириб қўйилган қувурни кўздан кечирдик. Қувурдан оқиб тушаётган заҳарли сувдан чиқаёт-ган бадбўй хидга одам боласининг чидаши қийин. Фаолларнинг сўз-ларига қараганда, дарё сувининг заҳарланиши натижасида қарийб икки минг киши истиколат қила-диган ҳудуддаги аҳоли ўртасида турли хил юқумли ички касаллик-лар кўпайиб кетган.

— Ҳали бу ҳолва, қоронғи туш-ганидан сўнг кўрасиз томошани, ярим тунгача ана шу қувурдан тўлиб-тошиб каналга «заҳри қотил» оқади, — дейди канал ёнида қурилган блок ёғиш ишлаб чиқариш цехи бошлиғи **Неъматжон Қурбонов**. — Атрофга таралаётган бу сассиқ хиднинг дас-тидан одамлар ҳатто катта кўчадан ҳам ўтолмай қолишди. Чунки бу хидга нафас олиш ҳам қийин.

Сувнинг заҳарланишига нима сабаб бўлмоқда?

Айтиш жоизки, Оқдарё дарёси на-фақат Самарқанд, балки қўшни Навоий ва Бухоро вилоятлари далаларини ҳам сув билан таъминлайди. Хўш, юқорида тилга олинган «Фарход» сув тозалаш иншоотидан чиқаётган оқова нимага бу қадар заҳарли? Нима учун у зарур даражада тозаланмасдан дарёга оқиб тушяпти?

— Ҳамма гап шундаки, ёнимизда жойлашган «Raise production business» масъулияти чекланган жамияти қизил-мия ўсимлиги томирини аммиак кис-лотаси ёрдамида қайта ишлаб, ундан тиббиётда қўлланиладиган турли хил дори-дармонлар тайёрлайди, — дейди



мазкур сув тозалаш иншооти бош-лиғи Диловер Шерматов. — Бизнинг иншоот эса кимёвий восита қўшилган оқовани тозалаш учун ихтисослаш-маган, бунинг учун бизда шароит йўқ. Иншоотимиз фақатгина оқовани биологик моддалардан тозалай олади, ҳолос. Қондага кўра, таркибида ким-ёвий моддалар бўлган оқова сувлар аввал заводнинг ўзида қайта ишланиб, филтрланиб, кейин сув иншоотида юборилиши керак. Биз бу ҳақда корхона маъмуриятини огоҳлантирганмиз.



Самарқанд вилоти эколого-ния ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Г.Неъматов томонидан жорий йил 17 июнда имзоланган хатда айтилишича, «Raise production business» корхонаси ҳудуди ва ундан ташқарида жойлашган қудуклардаги сув-лардан жорий йилнинг 17 май ҳамда 7 июнь кунлари намуна-лар олиниб, мутахассислар томонидан атрофлича таҳлил қилинган. Унинг натижасига кўра, сув таркибида темир миқдори 136 марта, муаллақ заррачалар 54,6 марта, азот аммоний 17,6 марта, кислороднинг биологик талаби 9,75 марта, нитратлар 12 марта, фосфатлар 86 марта ортиб кетгани аниқланган. Бу — мазкур корхонадан чиқаётган оқова атроф-мухит ва одамлар ҳаёти учун катта хавф туғдиради, деганидир.

Қош қўяман деб, кўз чиқариш...

Биз кимнидир қоралаш фикридан мутлако йироқмиз. Аммо бир томон-

дан, мазкур корхона тайёрлаётган дори маҳсулотлари одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилса, бошқа томондан айнан шу корхонадан сизиб чиқаётган оқова минглаб инсонларни заҳарляпти. Хўш, бу қош қўяман деб, кўз чиқариш эмасмикин?

— Асло бундай эмас, — дейди «Raise production business» масъулияти чекланган жамияти раҳбари **Ақбар Хўжа**. — Корхонамиздан чиқаётган оқова вилоят экология ва атроф-му-хитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари томонидан таҳлил қилинди. Уларнинг ҳулосаларини ва тавсияларини асосида жорий йилнинг 15 июнидан бошлаб корхонамизда оқовани уч қарра тиндириб, ундаги заҳарланиш миқдорини меъёрига келтирувчи ускуналар ўрнатдик. Қола-верса, «Фарход» сув тозалаш иншоотидан чиқиб, сиз айтган қувурдан дарёга тушаётган оқова фақатгина бизнинг корхонага тегишли эмас. Негаки, Фарход шаҳарчасида биздан бошқа яна 200 га яқин кимёвий воситалар билан ишлайдиган корхоналар

фаолият кўрсатади ва улардан чиқаёт-ган оқова ҳам шу қувур орқали дарёга оқиб тушади.



Агар сув то-залаш иншоотида чиқинди сувларни тозалаш имкони бўлмаса, бу кимнинг айби? Ахир, бу иншоотга шунинг учун пул тўламаймизми? Яна бир гап: нега корхонамизга яқин жойлашган «Ширин», «Ҷупнота» маҳаллалари аҳолиси бизга нисбатан ҳеч қандай

эътирози йўқлигини таъкидлаган ҳолда анча узоқда жойлашган «Бошдархон» фуқаролари фаолиятимиздан норози бўляптилар? Менимча, бунинг асосий сабаби — мазкур йиғинда яшовчилар-нинг айримлари корхонамизда ишлаб, қондабузарлиги, ўрнатилган ички интизом талабларини бузгани учун ишдан бўшатилганидир. Қолаверса, корхонамиз сувга меъёридан ортиқ ифлослантурувчи моддаларни оқиз-гани учун ҳар йили 40-50 миллион сўм миқдорда компенсация тўловларини амалга ошириб келмоқда.

Хуллас, «Raise production business» корхонаси ҳамда «Фарход» сув тозалаш иншооти ўртасидаги келишмовчилик, сансалорлик туфайли «Бошдархон» ва унга туташ маҳаллалардаги аҳоли муаммолар гирдобига қоляпти.

Дўппини бошдан оладиган вақт келмадими?

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мамла-катимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар шу меҳнаткаш халқнинг, оддий одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яхши яшаш-ни таъминлаш учун қилинмаётганими? Ахир, юртининг энг катта бойлиги ҳам аслида шу одамлар эмасми?

Бевосита сувнинг тозаллиги учун масъул бўлган «Фарход» сув тозалаш иншооти раҳбарининг мазкур муам-мога муносабатини қаранг: «Бизда бу оқовани тозалаш учун имконият йўқ». Имконият топиш, ҳаракат қилиш, зарур ускуналар ўрнатиш шу иншоотнинг, қолаверса, вилоят «Сувоқова» корхонасининг вази-фаси эмасми? Қачонга осмондан чалпак ёғишини кутиб ўти-риш мумкин?

Тўғри, тадбиркорлик — давр талаби. Аммо у инсон ҳаётига хавф солмасдан, унинг мушқулани хал қилиш, тўқин ҳаётини таъминлашга хизмат қилолми лозим. Ана шундагина тадбиркорнинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам хурсанд бўлади, кўзланган мақсадга эришилади. Демак, «Raise production business» син-гари ишлаб чиқариш корхонала-ри масъуллари ҳам зиммасидаги масъулиятини хис этган ҳолда фаолият юритиши мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, юқоридаги кор-хона ва сув тозалаш иншооти мутасаддилари, ҳудуддаги дарё сувини заҳарлаётган бошқа корхоналар ҳамда те-гишли танқидчилар вакилла-ри сансалорлик қилмасдан, дўппини бошдан олиб, юзага келган бу вазиятни барта-рафқ этиш чоралари хақида бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Зеро, бирдамликда, ҳамжи-хатликда барча муаммога ечим топиш мумкин. Бир у деса, бири бу деса, муаммо долзарблигича қолавереди.

Биз воқеалар ривожини кузатиб бо-рамиз ва мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

ЁШ ОЛИМЛАР: уларнинг ихтироларидан жамиятга қандай наф?

БУГУН ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ФИКР ВА ҒОЯЛАРИДА ЎЗГАЧА ЁНДАШУВ,
АХБОРОТ АСРИГА ХОС ТЕЗКОРЛИК ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

Тез тиббий ёрдам кўплаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо соҳада баъзи долзарб муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини кутмоқда. Масалан, тез тиббий ёрдам машинасининг ўз вақтида келмаслиги, гапириш ва эшитиш қобилияти чекланган инсонларнинг бу хизматни чақира олмаслиги, муружаатчилар манзилни аниқ тушунтириб беролмаслиги ва диспетчер маълумотларни қоғозда сақлаши кабилардир.

Ушбу ҳолатларни чуқур ўрганиб чиққан Тошкент ирригация ва киш-лоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги академик лицей битирувчиси, Тошкент шаҳридаги Инха университетининг стажор-тадқиқотчиси Мадина Ҳамидова халқимиз учун янги қулайликларни яратиб бериш мақсадида «ТезМед» номи янги инновацион лойиҳа ишлаб чиқди.

«ТезМед», бу — тез тиббий ёрдам хизматини ўн баробар тезлаштирувчи ва кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ёрдам берадиган ўзига хос инновацион лойиҳа. Ундан кўзланган асосий мақсад — тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон рейтингларида етакчи ўринларни эгаллашдан иборат. Лойиҳа тез тиббий ёрдам бошқарув тизимини автоматлаштириш учун инновацион дастурий таъминот хисобланади. У аҳолидан келиб тушаётган маълумотларни электрон тарзда сақлаб, автоматик тарзда статистика олиб боради. Энди диспетчерлар қоғозга ҳеч нарсани ёзишмайди, фақатгина автоматик тарзда аниқланган энг яқин тез ёрдам машинасини тасдиқлашади, холос. Шиқокорлар эса беморларнинг жорий этилиши кўзда тутилаётган электрон тиббий картасидан фойдаланиши мумкин. Бу эса беморга тез ва тўғри ташхис қўйишда жуда муҳим.

Ўлим кўрсаткичларини пасайтиради

— «ТезМед» мобилъ иловаси орқали операторга қўнғироқ қилмасдан туриб, тез тиббий ёрдам хизматини аниқ 20 сонинда чақираш имкони мавжуд, — дейди Мадина Ҳамидова. — Бундан ташқари, тез ёрдам машинасини кузатиш, келиш

«Mahalla» маълумоти:

Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти 2017 йил 31 августдан буюн фаолият юритиб келади. Бугунги кунда унга аъзо бўлган ёшлар сони 853 нафарни ташкил этади. Уларнинг 153 нафари илмий даража ва унвоиларга эга. Аъзо бўлганларнинг 55-60 фоизи эса магистр ва бакалавр йўналишида тахсил олаётганлардан иборат. 60 нафар ёшлар ишлаб чиқариш субъектларида фаолият юритмоқда.



вақтини билиши ва тиббий хизматни баҳолаш ҳам мумкин. Эътиборлиси, дунё бўйлаб «ТезМед» лойиҳасининг аналогиси мавжуд эмас.

Лойиҳа мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш, 120 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, жаҳон рейтингларида Ўзбекистон тез тиббий хизмат кўрсатиш



бўйича етакчи ўринларни эгаллашда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ёкилиги ва қоғоз сарфини камайтиради. Ўлим кўрсаткичларини пасайтиради ва муҳим статистикаларни автоматик равишда чиқариб беради. Бундан ташқари, чет давлатлардан Ўзбекистонга хорижий инвестициялар оқимини жадаллаштиради.

2018 йил март ойидан буюн изланиш олиб бораётган Мадина Ҳамидова Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ташкил этилган «Республика ёш олимларининг инновацион лойиҳалари» грант танлови доирасида «ТезМед» инновацион лойиҳасининг ахборот сайтини яратиш ва ишга тушириш имкониятини қўлга киритди. Ушбу ишланма патент билан ҳимояланган.

Ёнғидан ҳимояланишнинг ўзига хос усули

Ҳақиқатан ҳам, бугун ёшларнинг янги фикр ва ғояларида ўзгача ёнда

шув, ахборот асрига хос тезкорлик яққол кўзга ташланмоқда. Йилдан-йилга қуруқ илмий ишланмалардан кўра, амалий ва оддий халқ ҳаётида қўлланиш мумкин бўлган лойиҳалар сони ортиб бормоқда. Мисол тариқасида ёш олим, «Фаргона азот» АЖ муҳандиси Содикжон Қодировнинг «Ёнғинга қарши полифосфат аммоний моддасини ишлаб чиқариш» борасидаги ишланмасини келтириш мумкин.

Шу кунга қадар бу каби маҳсулотлар хорижий давлатлардан импорт қилингани боис нархи жуда қиммат бўлган. Бу эса шахсий хонадонлар ва йирик саноат корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган. Ихтирочи эса айна шу моддалар-



ни маҳаллий хомашёдан олиш имкони мавжудлигини аниқлади. Улардан олинган полифосфат аммоний моддаси қўшилган лак бўёқ ва антипирин билан ишлов берилган ҳар қандай буюм ёнғинга чидамли бўлиб, ҳеч қандай зарар кўрмайди. Улар билан турли уй жиҳозлари, эшик ва ромларни бўйлаб ёнғин хавфсизлигини таъ-



минлашда катта ёрдам беради. Лак бўёқлар одатдагидек турли рангларда бўлади. Аҳоли ундан бемадод фойдаланиши мумкин. Антипирин эса катта саноат корхоналари ва заводларни ёнғиндан ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

Бугунги кунда лойиҳа Фаргона вилоятининг саноат зоналарида синов тариқасида қўлланилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб ишланма асосида кичик тажриба саноат цехи ишга туширилиши режалаштирилган.



Амалий кўмак жуда муҳим

Ёшларимиз томонидан таклиф этилаётган бу каби янги ва ўзига хос лойиҳаларни яна кўплаб санаб ўтиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши масаласидир. Йилдан-йилга аҳолининг янгиликка бўлган талаб ва эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Шундай экан, фойдали инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамият раванги ва мамлакат ривожига муҳим унвон тутади. Бунинг учун каттагина маблаг зарурлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти айна масалада уларга катта кўмак бермоқда. Турли грант танловларини ташкиллаштириб, янги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

— Ўтган йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ёш олимларнинг стартап, инновацион ва амалий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида грант танловлар эълон қилиб келинмоқда, — дейди Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти директори Камолитдин Мирзаахмедов — Шу билан бирга, республика миқёсида ишлаб чиқариш, кичик бизнес соҳасида фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар ва таълим муассасалари ўз фаолияти йўналиши бўйича грант танловларини эълон қилиши ҳақидаги таклифни илгари сурдик. Унда табиий, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида олий таълим муассасасининг бакалавр, магистр ва мустақил илганувчилари иштирок этиши мумкин. Қолаверса, 6 та ишлаб чиқариш субъекти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу билан назарий билимга эга бўлган ёшларни амалиётга йўналтиришга эришяёмиз.

Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда ўтказиладиган «Best IP» танловининг «Ёшлар ўртасида ЭХМ дастури» номинацияси ҳам ахборот технологиялари йўналишида янгилик яратиб берган ёш олимлар учун айна мuddао бўлди. Ҳар йили 50 нафарга яқин ёш ишбу йўналишида ўз омадини синаб кўриш истагини билдирмоқда.

Бугун ёшларга қаратилган эътибор ва уларнинг салоҳиятини ошириш учун сарфланаётган сармоя эртага, албатта, ўз мевасини беради. Айниқса, илмга, янги тадқиқотлар олиб боришга иштиёқи балинд йигит-қизлар учун муносиб шароит яратиб беришнинг мамлакат ривожига аҳамияти жуда катта. Шу маънода бугун амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришга ишончимиз кўп.

Шаҳноза РАҲИМҲЎЖАЕВА
«Mahalla»

Андижон вилоятида Ўзбекистондаги энг катта автомобиль бозори иш бошлади.

Канализация тизимида қачон ўзгариш бўлади?

ҚАРШИ ШАҲРИДА МАВЖУД ТАРМОҚЛАРНИНГ ЭСКИРГАНИ НАТИЖАСИДА ТЕЗ-ТЕЗ АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИ СОДИР БЎЛИШИ ҲАМ ОДАТГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ

Ҳар кун ривожланаётган мамлакатлар болаларидан 6 минг нафари санитария-гигиена қоидаларига тўғри келмайдиган сув истеъмол қилгани учун ҳаётдан кўз юммоқда. Хўш, бу сувлар қаердан пайдо бўлмоқда? Албатта, аксарият ҳолларда бунга оқова сувнинг зарарсизлантирилмасдан дарё ва каналларга қуйилиши сабаб бўлмоқда. Зеро, тозаланмасдан табиатга чиқариб ташланган сув экологик инқирозни кучайтириб, инсонлар ҳаёти, соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Муаммонинг бартафари этилиши эса биринчи галда канализация хизматлари ва оқова сувни тозалаш тизимларининг кўнгилдагидек ишлашига боғлиқ.

Қашқадарёда бу тизим қандай аҳволда?

Бугунги кунда вилоят аҳолиси қарийб 3 миллион 226 минг кишини ташкил этади. Шундан 1 миллион 388 минг 600 нафари ёки умумий аҳолининг 43 фоизи шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилади. Жорий йилнинг ўтган даври ҳолатига кўра, вилоят аҳолисининг атиги 6,3 фоизига оқова хизматлари кўрсатилмоқда. Канализациядан фойдаланувчилар сони фақат шаҳар аҳолисига нисбатан олинганда ҳам 15 фоиз атрофида бўлади. Вилоят марказининг ўзида ҳам канализация билан боғлиқ муаммолар талайгина.

Аслида қандай ишлаши керак?

Масалан, кўп қаватли уйда яшайдиган оила бир кунда ўртача 150 литр сув ишлатади, дейлик. Бу сув дастлабки фойдаланишдан сўнг бевоСИТА чиқинди сувга айланади ва у хонадондаги канализация тармоғи орқали чиқиб кетади. Ўз навбатида, минглаб хонадонлар ва бошқа объектлардан чиқадиган оқова сув марказий тармоққа қўшилиб, кейинчалик эҳтиёжга кўра қисман ёки тўлиқ тозаланган ҳолда иккиламчи кайта фойдаланишга йўналтирилиши ёки зарарсизлантирилган ҳолда хавфсиз ҳудудга чиқариб юборилиши мумкин. Аммо бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият ҳудудлари сингари вилоятда ҳам канализация ва оқова сувни тозалаш тармоғи рисоладагидек фаолият юритилмади, деб бўлмайди. Йирик шаҳарларда бу борадаги аҳвол қоникарлик бўлиб турган бир пайтда чекса ҳудудлардаги тармоқлар ҳақида гапириш ҳам ўринсиз.



Дард устига чипқон

— Яқинда Насаф кўчасида қурилган кўп қаватли уйлارнинг биридан янги хонадон харид қилдик. — дейди Қарши шаҳрилик Муяссар Ақромова. — Бироқ ҳалигача кўчиб ўтганимиз йўқ. Сабаби, канализация тизими яхши ишlamас экан. Аввалига қурувчига мурожаат қилиб, уни тўғриланиши талаб қилдик. Аммо асосий тармоқдаги носозликлар туфайли сув кетиши яхши эмаслигини айтишди. Энди бу муаммо қачон ҳал бўлиши билалмай сарсонмиз.

Афеуски, юқорида тилга олинган мисол биргина ҳолат эмас. Канализация билан боғлиқ муаммолар шаҳарнинг бошқа кўчаларида, шу жумладан, замонавий кўп қаватли уйлар қурилган янги мавзеларда ҳам учраб турибди.

Шунингдек, Қарши шаҳрида мавжуд тармоқларнинг эскиргани натижасида тез-тез авария ҳолатлари содир бўлиши ҳам одатга айланиб улгурди. Бунинг асосий сабабини аниқлаш қийин эмас. Шаҳарда аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунга мос равишда янги оқова сув тармоқларини қуриш, эскирган тизимларни таъмирлаш талаб этилади.

Вилоят учун 3 та оқова сув тозалаш иншооти етарлими?

Айни пайтда вилоятда Қарши шаҳридаги 1979 йилда фойдаланишга топширилган оқова сув тозалаш иншооти, Шаҳрисабз шаҳридаги 1989 йилда фойдаланишга топширилган «Шаҳрисабз» ҳамда Муборак туманидаги 1980 йилда ишга туширилган «Геолог» оқова сув тозалаш иншоотлари мавжуд.

Бироқ ҳозир ушбу иншоотлар эскирган ва кўнгилдагидек ишлаётгани йўқ. Натижада оқова сувлар зарарсизлантирилмасдан

тизимни шакллантириш имконини бермоқда.

— Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Европа тикланиши ва тараққиёт банки иштирокидаги «Қарши шаҳрида канализация тизimini такомиллаштириш ва оқова сув тозалаш иншоотини қайта реконструкция қилиш» лойиҳасига кўра, оқова сув тозалаш иншоотларида реконструкция ишлари учун 56,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ йўналтирилмоқда, — дейди вилоят «Сувоқова» давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи Мустафо Ҳимматов. — Лойиҳа тақдим этилганидан сўнг айни кунга қадар Европа тикланиши ва тараққиёт банки экспертлари 3 мартта Қарши шаҳрига келиб, барча бирламчи ҳужжатларни тайёрлади ва расмий жараёнлар деярли ҳал этилди. Реконструкция ишлари 2019-2024 йиллар давомида амалга оширилиши белгиланган. Бу ишлар доирасида шаҳардаги мавжуд оқова сув иншооти ҳамда 14 та оқова сув насос станцияси реконструкция қилинади. Шунингдек, яна 2 та янги оқова сув насос станцияси қурилиши ҳамда 90 километр канализация тармоқларида қурилиши ва реконструкция ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Мана шу ишлар амалга оширилган сўнг Қарши шаҳрида оқова сув тортиш кўлами сези-

табиатга чиқарилиш ҳолатлари учрамоқда. Хўш, бу табиатга, экологияга жиддий зарар етказмайди?

Мутасаддиларнинг айтишича, узок йиллар давомида тизимга эътибор берилмагани, таъмирлаш ишлари олиб борилмагани шу ҳолатга сабаб бўлган. Бироқ ҳозирги кунга келиб, ҳукумат томонидан оқова сувни тозалаш ва канализация тармоқларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, қолаверса, Президентимизнинг 2017 йилдаги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштиришга, хусусан, 2017-2021 йилларда ичимлик сувни таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлари соҳада замонавий бозор механизмларини жорий этиш, бу борада мутлақо янги

ДАРВОҚЕ:



Иссиқ кунларда кўпчилик, айниқса, болалар очиқ сув ҳавзаларида чўмилишни истайди. Бехосдан ифлосланган сувни ютиши юқумли ошқозон-ичак касалликларига сабаб бўлади. Яъни қорин тифи, дизентерия, гепатит А, патоген энтеробактериялар, ошқозон-ичак трактининг зарарланиши, интоксикация, дегидратация (сувсизланиш) ҳамда турли асоратлар билан кечадиган хасталиклар келиб чиқади. БМТ маълумотларига кўра, юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи сув таъминотида санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмаслиги оқибатида юзага келади.

ларли даражада ошади. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудидаги чиқинди сувларни белгиланган тартибда тозалаб, маълум мақсадлар учун фойдаланишга йўналтириш ёки зарарсизлантирилган ҳолда чиқариб юбориш имконияти пайдо бўлади.

Демак, айни пайтда вилоятда бу тизимнинг ҳолати қоникарли деб бўлмайди, аммо бошлангич жарағатлар аҳвол ўнгиланишига умид уйғотади.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

2 та янги оқова сув насос станцияси қурилади

— Шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб, кўзни қамаштирадиган янги бинолар барпо этилмоқда. Лекин айрим ҳудудларда канализация тизимларини қуриш ва барпо этилаётган уйлари улarga улаш масаласига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Тизимда қачон ўзгариш бўлади?

Шахло РАХМОНОВА,
Шаҳрисабз шаҳри.

Мустафо ҲИММАТОВ,
Қашқадарё вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи:

— Шаҳрисабз шаҳридаги оқова сув тозалаш иншооти ҳам «Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида оқова сув тозалаш иншоотла-



рини ва оқова сув тармоқларини таъмирлаш» лойиҳасига асосан, 2019-2022 йилларда тўлиқ реконструкция қилинади. Бунинг учун Франция тараққиёт агентлиги маблағ ажратмоқда. Умумий ҳажми 25,3 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу инвестициялар ҳисобидан шаҳардаги оқова сув тозалаш иншооти, 3 та оқова сув насос станцияси реконструкция қилиниши, яна 2 та янги оқова сув насос станцияси қурилиши ҳамда 39,5 километр канализация тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

«Отангга бор, онангга бор...»

ЁХУД «ТЎҚҚИЗБОҒ» МАҲАЛЛАСИНИ СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА НЕГА УЗИЛИШЛАР БЎЛМОҚДА?

Ўзбекистон — газ захирасига бой мамлакат сифатида дунёга машҳур. Газни қайта ишлаш технологияларининг тараққий этиши боис сўнгги йилларда бу неъматдан фойдаланиш имкониятлари янада орди. Масалан, суюлтирилган газни ишлаб чиқиш, сақлаш ва транспортировка қилиш ечими топилганидан кейин юртимизда табиий газ билан таъминланмаган олис ва етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларига ушбу ёқилғини ўз вақтида етказиб бериш имкони пайдо бўлди. Аммо...

Мутасаддилар ўз вазифасига безътибор(ми)?

Юртдошларимиз томонидан тахририятга бўлаётган мурожаатлар ўрганилганда хали соҳада бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина экани маълум бўлмоқда.

— Мен Андижон вилояти Пахтабод тумани Уйғур қишлоғида «Тўққизбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан, — дейди Дилнур Усмонова. — Қишлоғимиз вилоят марказидан олисда, Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган. Маҳалламизга табиий газ тармоғи тортилмагани боис узоқ йиллардан буён суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланиб келамиз. Афсуски, кейинги йилларда мутасаддиларнинг бу масалага безътиборлиги туфайли аҳолини газ баллонлари билан таъминлашда муаммолар юзасига келмоқда. Туман газ идорасига қилган мурожаатларимизга эса «отангга бор, онангга бор» қабилида муносабат бўлаёттир.

Шикоят қилмагунча муаммо ҳал бўлмайди...

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли

муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш доирасида катор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мурожаатлар билан ишлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосида хуудларда уйма-уй юриб ўрганишлар, очик мулоқотлар ўтказилмоқда. Бирок уринишлар, саъй-ҳаракатлар самара беряптими?

— Бугунги кунда маҳалламизда 3 минг нафарга яқин фуқаро истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Абдулазиз ака Сатторов. — Жорий йил 11 май куни ўтказилган фуқаролар йиғинлари раиси сайловидан сўнг маҳалла раиси сифатида иш бошладим. Ўтган қисқа вақт мобайнида маҳалла аҳди ушбу муаммони ҳал этиш бўйича бир неча бор маҳалла идорасига мурожаат қилди. Аслида режа бўйича ҳар 1,5 ойда 490 та хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилиши лозим. Аммо охири марта баҳорнинг бошларида бу тартибга амал қилинган. Май ойида ушбу масала бўйича туман газ бўлими ходимлари

га мурожаат қилдик. Улар илтимосимизни инобатга олиб, аҳолидан йиғилган 42 та баллонни суюлтирилган газ билан тўлдириб берди. Бироқ бу билан 490 та хонадоннинг эҳтиёжини қоплаш мумкинми?!

Фуқаро Дилнур Усмонова 2019 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига шикоят йўллаган. Ушбу мурожаат асосида июль ойининг бошида «Ўзтрансгаз» АЖнинг масъулари маҳалламизга келиб, аҳоли билан учрашди. Мулоқот чоғида бундан буён белгиланган мuddатда газ баллонларини етказиб беришга ваъда берилди. Шундан сўнг 3 кун давомида маҳалла аҳли газ баллонлари билан тўлиқ таъминланди.

Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда нега узиллишлар бўлмоқда?

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 55 литрли баллонни суюлтирилган газ билан тўлдириш давлат нархида 19 минг сўмни ташкил қилади. Баллонлар хуудларга махсус автомашиналар орқали етказиб берилади. Жумладан, «Андижонгаз» хуудий газ таъминоти филиали томонидан Пахтабод тумани аҳолисига хизмат кўрсатиш учун 5 та махсус, 1 та мослаштирилган автомобиль жалб этилган. Жорий йил якунида яна битта махсус «Isuzu» автомобили харид қилиниши режалаштирилган. Аммо мавжуд шариотларга қарамай, Пахтабодда бу борада сансалорликка йўл қўйилаёттир. Хўш, нега?

— Вилоятимизда 366 минг 698 та хонадон газлаштирилган, — дейди «Андижонгаз» хуудий газ таъминот филиалининг «Суюлтирилган газ» бўлими бошлиғи Зафаржон Қахоров. — 2019 йилда аҳолини 45 минг 267 тонна суюлтирилган газ билан таъминлаш режасига киритилган бўлиб, ўтган 6 ой давомида 24 минг 149 тонна махсус мулкдорларга етказиб берилди. Жумладан, «Андижонгаз» хуудий газ таъминот филиали 5-участка Пахтабод туман бўлими 24 минг 393 та хонадонга хизмат кўрсатади. Шундан, 13 минг 126 та хонадон аввалдан суюлтирилган газ таъминоти билан газлаштирилган, қолган 11 минг 267 таси табиий газ таъминоти танқис бўлганлиги сабабли суюлтирилган газ таъминотида мослаштирилган.

Одатда ҳар йили ёз ойларида турли омилар сабаб



аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда узиллишлар бўлади. Жумладан, бу йил январь ойида Андижон аҳолисининг ушбу махсусотга эҳтиёжи ўрганилиб, хатлов ўтказилган. Аммо бугунга келиб, одамларда суюлтирилган газга талаб янада ортиб, ўша пайтдаги эҳтиёжга мўлжалланган лимит етмай қолмоқда. Шу боис «Ўзтрансгаз» АЖга мазкур масалани ижобий ҳал қилиш бўйича таклиф киритдик. Насиб бўлса, кейинги ойдан муаммолар тўлиқ бартараф этилади.

Яна бир гап. Бугунги кунда вилоят аҳолисига суюлтирилган газ етказиб бериш учун муассасамиз томонидан 415 мингта баллон ажратилган. Шунингдек, фуқароларнинг 109 мингта баллонларидан ҳам фойдаланишмоқда. Ўрганишлар якунига кўра, вилоятда суюлтирилган газ етказиб беришдаги узиллишларни бартараф этиш учун яна 30 мингта газ баллонига эҳтиёж бор. Режасида мувофиқ, жорий йил сентябрь ойигача ушбу масала ижобий ҳал этилади.

«Фуқаролар бизга ёрдам берса...»

— Хуудимизда 47 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, — дейди «Андижонгаз» ХГТ филиали Пахтабод туман бўлими бошлиғи Хайрулло Ахмадалиев. — Айтиш керакки, бузун нафақат вилоят, балки туманимиз аҳолиси ўртасида ҳам суюлтирилган газга талаб жуда юқори. Шу боис баъзан махсусотни хонадонларга ўз вақтида етказиб беришда узиллишлар бўлмоқда. Масалани ижобий ҳал этиш ва аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида шу кунларда туманимизда қайта хатлов ўтказялмиз. Назаримда, шундан сўнг барча

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Суюлтирилган газ, табиий газни чуқур қайта ишлаш натижасида асосий таркибий қисми пропан-бутан аралашмасидан иборат бўлган махсусот хисобланади. Суюлтирилган газ аҳолининг коммунал эҳтиёжларига ва автомобильларга ёқилғи сифатида ишлатилади. Унинг ўртача зичлиги 0,525 г/см³ ни ташкил қилади.

муаммоларимизга жавоб топилмади.

Айтиш лозимки, газ баллонларини тарқатиш мақсадида маҳаллаларга борганимизда аксарият аҳоли ўз ўйида бўлмайди. Қарабсизки, муаммога биз айбдор бўлиб қоламиз. Агар фуқаролар бу масалада бизга яқиндан ёрдам берса, ўйлаيمانки, ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмайди.

Хулоса ўрнида

Ҳа, бугун юртимизда одамларнинг яшаш шариотини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Президентимизнинг ҳар бир маърузаси ва учрашувлардаги нутқидан юртдошларимизни қийнаётган муаммолар такрор ва такрор айтилмоқда. Бироқ, афсуски, жойларда айрим мутасаддилар томонидан хали ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлашда сустқашликка йўл қўйилаёттир. Агар ҳар бир мутасадди раҳбар зиммасига юкланган вазифани чуқур хис этиб, одамлар билан дўстона мулоқотни йўлга қўя олса, ўйлаимизки, муаммолар ҳам ўз вақтида ҳал бўлади. Бундан эса, энг биринчи гади, халқимиз миннатдор бўлади.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Газ баллонининг яроқлилик мuddати қанча?

— Қишлоғимиз аҳолиси бир неча йилдан буён суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланиб келмоқда. Ўзим ҳам 5 йилдан буён ана шундай баллон ишлатаман. Айтингчи, газ баллонлари қанча мuddатда текширувдан ўтказилади?

Мамлакат ЙЎЛДОШЕВА.
Андижон вилояти.

Хайрулло АХМАДАЛИЕВ,
«Андижонгаз» ХГТ филиали Пахтабод туман бўлими бошлиғи:

— Агар фуқаро янги ишлаб чиқарилган газ баллонидан фойдаланаётган бўлса, 5 йилдан сўнг унинг хавфсизлиги, фойдаланишга яроқлилиги мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилади. Синов жараёнида унга хаво хайдалди, юкори босимга бардошлилиги атрофлича ўрганилади. Шундан кейин ҳар 3 йилда газ баллон қайта текширилади. Агар мутахассислар уни носоз деб топилса, хавфсизлик нуктаи назаридан фойдаланишдан чикарилади.

«Ўзбекгидроэнерго» АҚШ ва Испаниянинг етакчи компаниялари билан меморандум имзолади.

2019 йил
№31 (1748-1751)



«Тошкент» автовокзали: маҳаллий ва халқаро қатновлардан йўловчилар миннатдор

«9 нафар фарзандим бор. 3 қизим Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида яшайди. Тўғриси айтсам, бундан 3-4 йил аввал уларнинг олдига бориб-келиш анча машаққат эди. Йўл азобини ўйласам, юрагим орқага тортарди. Бугун замон бошқача. Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан амалга оширилган сайёҳаракатлар самарасида қўшни мамлакатлар билан муносабатларимиз янги ўзан томон юзланди. Халқларимиз ўртасидаги борди-келди алоқалари қайта тикланди. Яқинда ойнаи жаҳон орқали «Тошкент» автовокзалининг янги биноси фойдаланишга топширилгани, Бишкекка замонавий автобуслар қатнаётганини эшитиб, роса қувондим. Бугун қизларимни кўргани кетяпман. Таассуротларимни сўз билан ифодалаб беролмайман».



Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 75 ёшли Зумрад ая Қаршиева билан «Тошкент» автовокзалининг кенг, салкин ва ёрғу қутиш залида ёнма-ён ўтириб суҳбатлашарканмиш, унинг юз-кўзидаги мамнунлик, шукроналикни кўриб, бу эзгу ва хайрли ишларга бош қўшган, бунёдкорликларга эш бўлган инсонлар ҳақида тасаннолар айтдик.



2 мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатилмоқда

Хабарингиз бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 10 январида «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарор билан 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унда янги автобус йўналишларини ташкил этиш, мавжуд автовокзаллар ва автостанцияларни куриш

ҳамда реконструкция қилиш, халқаро қатновларни йўлга қўйиш, қолаверса, йўловчи ташиш транспортларида йўлқира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизimini босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Орада маълум муддат «Тошкент» автовокзали бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ер тамомила каровсиз ҳудудга айланди. Қувонарлиси, соҳага қаратилган юксак эътибор туфайли вокзал бугун бутунлай ўзгача кифога касб этди. Утган йилнинг ёзида бунёдкорлик ишлари бошланган мажмуа шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилди. Натижада бир вақтинг ўзида 2 мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Айниқса, маҳаллий йўналишлар билан бирга, қўшни республикалар-

нинг йирик шаҳарларига автобус қатновларининг йўлга қўйилганидан кўпчилик юртдошларимиз мамнун.

— *Ҳар гал олис йўлга отланарканмиш, кексаларимиз: «Йўлинг беҳатар бўлсин»*,

ошхонаси кеча-ю кундуз ишлаб турибди. Шунингдек, аёллар ва эркаклар учун алоҳида намоzxоналар ташкил этилгани зийрат туризмни ривожлантириш, мамлакатимизга сайёҳлар оқими янада оширишга имкон беради.

— «Тошкент» автовокзалининг янги биноси фойдаланишга топширилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ, аммо унинг хизматларидан бугун кўплай юртдошларимиз, чет эллик сайёҳлар миннатдор, — дейди «Ўзавтосервис» ДУК бўлими бошлиғи



«Яратганинг паноҳида бўл», дея қўлларини дуога очади, — дейди Сурхондарё вилояти Кизирик тумани «Янгиобод» маҳалласида яшовчи Абдуллох Тўхтаев. — Бу бежиз эмас. Босиб узоқ йўлга чиққан инсон турли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлади, сабр-тоқати синовдан ўтади. Аммо йўл текис, улов дуруст бўлса, бу саёҳат сенга энг ажойиб таассуротларни ҳади этади.

Фикрат Норхўжаев. — Айниқса, юртдошларимиз билан суҳбатлашганимизда улар бу ўзгаришларни узоқ вақтлардан буён қутишга эҳтигани сезилади. Хабарингиз бор, автовокзал бир неча йил қаровсиз қолди. Перронлар, қутиш зали, автобус бекатлари таъмирталаб эди. Шароит бўлмагани туфайли одамлар ўз манзилларига етиб олиш учун ортқича пул сарфлаб, йўловчи транспорт воситалари хизматидан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Энг ачинарлиси, ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги боис йўлларда кўплай ноҳуш ҳолатлар, автоҳалокатлар содир бўларди. Эндиликда юртдошларимиз «Тошкент» автовокзали орқали пойтахтимиздан Самарқанд, Термиз, Жиззах, Денов, Бухоро, Қорақўл, Қарши, Урганч, Зарафшон, Хатирчи, Пахтаобод, Учқудуқ, Гулистон, Гагарин, Зомин ва Янгер каби йўналишлар бўйича ўз манзилларига эсон-омон етиб олиш имконига эга. Шунингдек, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар Чимкент, Хўжанд, Туркистон, Қизил-Ўрда, Қозон, Нижний Новгород, Алмати, Бишкек, Нур-Султон, Жетисай, Тараз ҳамда Уиконир каби 10 дан зиёд халқаро қатновлар хизматидан фойдаланишлари мумкин. Вокзалда 31 та перрон, 80 та автобус учун жой мавжуд. Нархлар

ҳамёнбон. Энг асосийси, хизматлар халқаро стандартларга тўла мос келади.

Чет элликларга бепул сим-карталар тақдим этилмоқда

Хорижий давлатларга кетаётган фуқароларнинг манзилларига эсон-омон етиб олишлари учун автобусда ташишга ихтисослаштирилган «Uzautotrans Service» корхонаси ташкил этилди. Корхона парки Хитойнинг «Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd.» компаниясида ишлаб чиқарилган 168 та замонавий автобус билан тўлдирилди. Ушбу транспорт воситалари 53 йўловчига мўлжалланган бўлиб, қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, хар бир ўриндик тепасидаги хаво дефлектори ва индивидуал ёритиш чироклари, совуткич ҳамда монитор узок сафарга отланган йўловчиларга максимал қулайликни тақдим этади.

— Самарқанд шаҳрига саёҳатга кетяпман, — дейди корейлик сайёҳ Жи Сун Йонг. — Шу боис «Тошкент» автовокзали орқали автобусда манзилга етиб олишни мақсад қилганман. Тўғриси, ушбу вокзалга бундан бир неча йил аввал ҳам келганман. Аммо ўша пайтдаги шароитлар билан бугунгисини солиштириб бўлмайди. Ҳаммаси аъло даражада йўлга қўйилган. Айниқса, чет эллик сайёҳлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида вокзал ҳудудининг ўзида уяли алоқа воситалари учун бепул сим-карта берилётгани айни мудоао бўлди. Чунки чет давлатга борган сайёҳ биринчи галда алоқа воситаларига эҳтиёж сезади.

Бир сўз билан айтганда, илгариги кўрimsиз, диккнафас, тикилинч вокзалларнинг даври ўтди. Бугун барча соҳалар катори йўловчи ташиш тизимида яратилаётган шароит ва қулайликлар аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Ишонамизки, пойтахтда йўлга қўйилган ушбу эзгу ташаббус янги йилларда ҳудудларда ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Автобус кечикадимми?

— «Тошкент» автовокзали орқали қўшни мамлакатларга автобуслар қатнови йўлга қўйилгани ҳақида эшитдим. Яқинда мен ҳам Қозогистоннинг Нур-Султон шаҳрига бормоқчиман. Айтиш-чи, асар қатновдаги автобусча чипталар тўлиқ сотилмай қолса, рейс белгиланган вақтидан кечикадимми?

Шокир МУҲАММАДЖОНОВ,
Наманган шаҳри.

Фикрат НОРХЎЖАЕВ,

«Ўзавтосервис» ДУК бўлими бошлиғи:

— Йўқ, албатта. Чунки турли нокулайликлар келиб чиқishiни ўйлаб, аввалдан бунга қарши зарур чоралар кўриланган. Сиз Нур-Султон шаҳрига бориш учун чипта харид қилган бўлсангиз, автобус вокзал ҳудудидан белгиланган вақтда жўнаб кетади. Агар айтганингиздек, чипта тўлиқ сотилмай қолса, иккита қатновни бирлаштириш орқали муаммо ҳал этилади. Аммо шу кунгача бундай ҳолат кузатилмади.

«Ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги туфайли кўплай автоҳалокатлар содир бўларди»

Вокзал энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Диспетчерлик хизмати, чиптахона, қутиш зали ва VIP залда йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё. Меҳмонхона, она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари, савдо дўконлари, кафе-бар, миллий таомлар

Ёзининг жазирама кунларида тоғ ён-бағирларида жойлашган сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқариш, гўзал табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олишга нима этсин?! Шунинг учун инноватга олган ҳолда аксарият ота-оналар фарзандларини ана шундай соғломлаштириш масканларида дам олишларини хоҳлайди.

Оромгоҳга бормаган бола таътилни қандай ўтказади?

АКСАРИЯТ ҲУДУДЛАРДА ОТА-ОНАЛАР КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАР ҲАҚИДА ЕТАРЛИ МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАС

Бирок барча ота-оналарнинг ҳам ўз фарзандларини бундай масканларга юборишга имкони бўлмайди. Шу ўринда савол туғилади: бугун юртимизда оромгоҳга камраб олинмаган болаларнинг таътил вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

843 та соғломлаштириш оромгоҳи

Жорий йил Халқ таълими вазирлиги тизимидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган таълим масканларидан ташқари барча умумтаълим мактабларида тўғарақлар, соғломлаштириш майдончалари, ихтисослашган ҳамда кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир муассасада белгиланган вақтларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда давра суҳбатлари, ўйинлар, викториналар, спорт мусобақалари, китобхонлик бахслари, инглиз тили сабоқлари, музика тўғараги каби турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Таътил пайтида барча тўғарақлар, спорт майдонлари, кутубхона ва маънавий хоналарнинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилиб, ўқувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

— Айни пайтда республика бўйича жами 843 та умумтаълим мактабидида соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиб, мавсум даврида 139 мингга яқин ўқувчи дам олиши режалаштирилган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси Ихтиёр Махматқулов. — Айни пайтда жами 725 та соғломлаштириш майдончалари ўз фаолиятини

бошлаган бўлиб, уларда 67 мингга яқин ўқувчи камраб олинган.

Шу билан бир каторда, 74 та ихтисослашган оромгоҳлар, жумладан, 15 та интеллектуал, 14 та бадиий ижодиёт, 14 та техник ижодкорлик, 14 та экологик-биологик, 6 та дўстлик ва 11 таси ижтимоий мослаштирув оромгоҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Оромгоҳ бор — ўқувчи йўқ

Таъкидлаш жоиз, аксарият ҳудудларда ота-оналарнинг кундузги оромгоҳлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги ёхуд мактаб маъмуриятининг аҳоли орасида етарли тарғибот олиб боргани сабаб, баъзи мактабларда ташкил этилган оромгоҳ ва тўғарақларда болалар етишмайди.

— Мактабимизда кундузги оромгоҳ ва бир қатор тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори Сулаймон Эгамбердиев. — Мактабимиз «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, 4 та қишлоқ болаларини камраб олган. Бироқ кўпчилик ота-оналар ёзги таътил вақтида фарзандларини уйда олиб қолишни маъқул кўрмоқда. Очиги, шунча ҳаракат қилиб тўғарақ ташкил қилсангу атрофдашлар бунинг моҳиятини тушунамаса, алам қилади. Таътил вақти бўлишига қарамай, аксарият педагогларимиз болалар билан қўшимча машғулот ўтиши мақсадида ҳар куни мактабга келишади. Бироқ ўқувчи бўлмагандан кейин уларнинг келганидан

нима наф?

— Тўғриси айтсам, фарзандларим бутун ёз даврида уйда ўтиради, — дейди «Навбахор» маҳалласидан Гулрух Мамажонова. — Ҳудудимиздаги мактабда ёзги таътил вақтида бирор тўғарақ ёки кундузги оромгоҳ очилганидан бехабаримиз. Агар шундай ташаббус йўлга қўйилган бўлса, болаларимизни «жон» деб уларга берган бўлардик. Ахир, фарзандим ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан тарбияланган ҳисса қўшадиган бу каби маскан қайси ота-онага ёқмайди?

Машғулотлар бир хилда, зерикarli...

Яна бир гап. Аксарият мактабларда ташкил этилган машғулотлар ҳар куни бир хиллик касб этгани боис ўқувчиларни зериктириб, ота-оналар эътирозига сабаб бўлмоқда.

— Фарзандларим ўқийдиган мактабда ёзги оромгоҳ ташкил этилгани жуда яхши бўлди, — дейди Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Тонг» маҳалласи яшовчи Гўзал Ахмедова. — У ерда ўтказиладиган машғулотлардан кўп нарсани ўрганиб қайтмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоиз, таътилнинг дастлабки 10 кунлиги қизиқarli ўтади. Кейин эса машғулотлар такрорланаверади. Бу эса, табиийки, болаларни зериктириб қўяди.

«Бола дарсдан безиб қолмасин»

— Ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқарган бола келгуси ўқув йили учун куч тўллаб, иштиёқ билан ўқишларни

давом эттириши лозим. Бунинг учун эса ҳордиқни таълимдан айирмаган ҳолда уни олиб бориш керак, — дейди психолог Шаҳодат Норматова. — Шу боис кундузги оромгоҳларда ҳам, тўғарақ машғулотларида ҳам ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзги таътил вақтида таълимга умуман жалб этилмаган ёки аксинча, дарслардан бош кўтармаган бола мактаб дастурларидан безиб қолиши ва билим олишга бўлган иштиёқни йўқотиб қўйиши мумкин. Бу эса унинг келгуси ўқишига салбий таъсир кўрсатади.

3,5 млн.дан зиёд ўқувчи камраб олинади

Президентимиз илгари сураётган 5 та ташаббус бўйича тадбирларни ўтказиш тартибига асосан, таълим муассасаларида 15 июндан 15 августгача маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш белгиланган. Жумладан, 8 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий тадбирлар майдончалари, 215 та «Баркамол авлод» болалар марказларида — тўғарақлар, 14 та вилоят ахборот-ресурс марказларида — китобхонлик машғулотлари ташкил этилмоқда. Улар 1-10-синф ўқувчилари учун эрталаб соат 08:00 дан - 18:00гача давом этади. Ушбу тадбирлар натижада ёзги таътил даврида 3,5 млн.дан ортиқ ўқувчини маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларига камраб олиш имконияти яратилади.

Фарход ТОЛИПОВ
«Mahalla»

ТАНҚИДДАН СЎНГ...

«Mahalla» ижтимоий-сиёсий газетасининг 2019 йил 18-25 апрелдаги 19-сонидида чоп этилган «Мутасаддиларда баъзида масъулият, баъзида ташаббус етишмаяпти» сарлавҳали мақолада Тошкент вилояти Пискент туманидаги Янги турмуш қишлоғида йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммолар қаламга олинган. Ҳўш, ўтган мuddат ичида бу ерда қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилди? Муаммоларга ечим изланиётими?

«Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди»

Мақола эълон қилинган, янги турмушликлар ўз ҳаётида чиндан-да янги ўзгаришлар юз беришига умид қилишганди. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Ички йўлларнинг абгорлигидан дили хуфтон одамлар хали-хануз «ўз ёғига ўзи қоврилмоқда».

— Тўққиз йил аввал асфальт ётқилади, дейишиганди роса қувонгандик, — дейди маҳалла фаоли Алимат Йўлдошев. — Масъуллар томонидан берилган «ваъдалар бажарилавермагач, ҳафсаламиз тир бўлди. Қишлоғимиз ҳақидаги танқидий мақолага мутасаддилар «жорий йилнинг иккинчи чорасида таъмирлаш ишлари олиб борилади», деган

жавоби ҳам қуруқ «ваъдадан бошқа нарсани эмаслиги кундек равшан эди. Ён-атрофимиздаги қишлоқларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб, қачон йўл азобидан қутилар эканмиз, деб ўйлайсан киши. Аслида-ку, аҳоли ҳам қараб тургани йўқ. Минг «ямоқ» йўллари ким тўпроқ билан, ким шугал билан тўладиради. Бироқ, серкатинов йўлдаги бундай «оворазарчилик» кўп ўтмай, яна ўз ҳолига қайтади.

Айни масалада «Пискент йўл қурилиш-таъмирлаш» давлат унитар корхонаси мутасаддиларига мурожаат қилдик. Уларнинг таъкидлашича, худудда таъмирталаб йўлларнинг кўплигидан барча



муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал этишнинг имкони бўлмаяпти.

— Жорий йил туманимиздаги 50 та кўча «Обод қишлоқ» дастури асосида таъмирланиши режалаштирилган, — дейди корхона мутахассиси Элёр

Абдурахмонов. — Очиги, шу каби таъмирталаб йўлларнинг кўплигидан маблағ етишмовчилиги юзасига келмоқда. Янги турмуш қишлоғидаги йўлнинг ҳолати бўйича бизга ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Берилган ваъдаларнинг ўз вақтида амалга ошмаганига сабаб — корхонамизга қаршили қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводнинг қисқа фурсат ишламаганидир. Натижада керакли маҳсулотни жамғара олмадик. Шу йилнинг учинчи чорасида муаммолар тўлиқ бартараф этилади.

«Шифокорсиз шифохона» муаммоси ҳал бўлдими?

Мақолада худуддаги шифохона ҳақида сўз юрита туриб, эски қишлоқ врачлик

Муаммо борки, мурожаат бўлади

ФАҚАТ УНГА ТЎГРИ ЁНДАШУВ КЕРАК. МАСАЛАГА ЮЗАКИ ҚАРАШ, ЛОҚАЙДЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙДИ

Газетамиз саҳифаларида чоп этилаётган танқидий, таҳлилий материалларга тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида жавоб қайтарилаётгани қувонарли, албатта. Зотан, ҳар бир мурожаат, ҳар бир танқидий мақола ортида қанчадан-қанча одамларнинг орзу-интилишлари, неча йиллик муаммолари, ўйлангариётган масалалари ётади. Қуйида ана шундай жавоб хатларидан бир нечасини келтириб ўтамиз.

БОЗОРДАГИ «ОЗОР»ЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Газетанинг 2019 йил 16-23 майдаги 23-сонида мухбир Омирбай Ёсбергеновнинг «Бозор — озор — озор — ор...» сарлавхали танқидий фотоайбномаси эълон қилинган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманидаги «Тахياتош дехкон бозори»даги мавжуд ҳолат танқид остига олинган. Мақолада кайд этилган ҳолатлар туман прокуратураси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

«Тахياتош дехкон бозори» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 1,7 гектар бўлиб, шундан турғун савдо ўринлари майдони 1593,6 квадрат метр, бозор ёнидаги иккита автотураргоҳ майдони эса 738 квадрат метрни ташкил этади.

Туман ҳокимининг 2018 йил 8 октябрдаги 1276/10-сонли қарори асосида бозор ҳудудида босқичма-босқич 40 объект қўшимча қурилиб, фойдаланишга топширилган. Шунингдек, бугунги кунда бу ерда реконструкция ишларининг 2-босқичи бошланиб, унинг доирасида 126 ўринли турғун шохобчаларга эга янги турдаги дўконлар, замонавий автотураргоҳ барпо этилиши режалаштирилган.

Мақолада: «Моллари учун

ратилиб, нон, сут, гўшт, салат маҳсулотлари махсус савдо расталарига кўчирилди. Худди шундай ем-хашак расталари ҳам алоҳида ажратилди. Шунингдек, савдо шохобчалари атрофида чиқиндилар тўпланиб қолмаслиги эътиборга олинди, белгиланган тартибда контейнерларда ташиб кетиш йўлга қўйилди. Туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва ветеринария бўлими вакиллари томонидан сотувчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

«Тахياتош дехкон бозори»да аҳолига қулайликлар яратиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария қоидалари талабларига мувофиқ сотилиши устидан туман прокуратураси томонидан доимий назорат ўрнатилди.

А.ДЖУМАМУРАТОВ,
Тахياتош тумани
прокурори,

МАСЪУЛ РАҲБАР ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Газетанинг 2019 йил 30 май 6 июндаги 25-сонида мухбир

Холбиби Сафарованинг «Балалар боғчада соғлом овқатланяптими?» сарлавхали танқидий мақоласи чоп этилди. Унда келтирилган фактлар тегишли ташкилот мутасаддилари жалб этилган ҳолда ўрганиб чиқилди.

Мақолада Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 34-мактабгача таълим муассасасида «Kids maksi food Navoiy» масъулияти чекланган жамияти томонидан аутсорсинг усулида таъминланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича тарбияланувчиларга берилмаётгани маълум қилинган.

Аниқланишича, «Kids maksi food Navoiy» МЧЖ ҳамда Навоий шаҳар мактабгача таълим бўлими ўртасида 2018 йил 15 декабрда тузилган шартномага кўра, тадбиркор муассаса ошхонасини асосий воситалари билан бирга ижарага олиб, қулик таомнома асосида тарбияланувчиларни овқатлантириш билан боғлиқ хизмат кўрсатиши белгиланган. Бирок ўрганиш жараёнида айрим ҳолатларда овқат тайёрлаш технологиясига ва таомномаларни тузишда белгиланган меъёрларга етарлича риоя қилинмагани аниқланди.

Мақолада: «Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг соғлом овқатланишига масъул бўлган мутасадди нега тадбиркорнинг ёнини олаётганига аввалига тўғри эмас. Кейинроқ билсак, бу шахс бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик фаолияти билан ҳам мугулланар ва айнан мазкур боғча билан шартнома тузган «Kids maksi food Navoiy» масъулияти чекланган жамиятини унга тегишли экан. ...Энг ёмони, мактабгача таълим муассасаси ходимлари ҳам таъминотчи тадбиркорга асло эътироз билдирмайдилар. Чунки у мутасадди ташкилот раҳбарларидан бири ҳисобланади» дейилади.

Ўрганиш ҳулосалари асосида 34-мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларни овқатлантириш жараёни лозим даражада назорат қилмагани учун вилоят мактабгача таълим бошқармасининг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўлими бошлиғи Пўлат Ахмедов

2019 йил 13 июнда лавозимидан озод этилган. Айни пайтда «Kids maksi food Navoiy» МЧЖ тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлашнинг барча шартларига қатъий амал қилиши, акс ҳолда жамият билан тузилган шартнома бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган. Ҳозирда муассасада ўғил-қизларни соғлом ва сифатли овқатлантириш тизими йўлга қўйилган.

Шунингдек, газетанинг айни шу сонида чоп этилган Х.Сафарованинг «Ҳар куни сув олиб қолишга улгурармиканмиз, дея яшаймиз» сарлавхали танқидий мақоласи ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада Навоий вилояти Навбахор тумани «Пахтакор» маҳалласидаги Метан қишлоғидаги мавжуд ҳолат, жумладан, ичимлик суви муаммоси қаламга олинган.

Ўрганиш давомида аҳоли махсус техникалар ёрдамида график асосида узлуксиз ичимлик суви билан таъминланаётгани, қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш учун 6,5 километр асосий сув қувури қуриш ҳамда худуддаги «Этаксарой» сув йиғиш ва тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш талаб этилиши аниқланди.

Президентимизнинг жорий йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига амалга оширган ташрифи баёнининг 19-бандида тумандаги 5 та, жумладан, «Этаксарой» сув йиғиш ва тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш ва 6,5 километр асосий сув қувури қурилишни амалга ошириш белгиланган.

Мазкур объектларнинг қурилиши юзасидан тегишли ташкилотлар томонидан лойиҳалаштириш ишлари бошланиб, жорий йилда лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосалари олинганидан сўнг объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган.

Б.АҲМЕДОВ,
Навоий вилояти прокурори
Ўринбосари, адлия
маслаҳатчиси.

Тахририятдан: Навоий вилояти прокурори ўринбосарининг «Ҳар куни сув олиб қолишга улгурармиканмиз, дея яшаймиз» сарлавхали танқидий мақола бўйича ёзувчи вақтида «Мақолада кўрсатилган тўғрилик 23-умумтаълим мактаби директори Г.Элова ўз тушунтириш хатида мақола муаллифи билан учрашгани, мактабга бирор-бир журналист келмагани, муассасада 500 литрлик ичимлик суви идиши ўрнатилмагани, ҳар икки кунда тоза ичимлик суви етказиб берилиши, туман ҳокимлиги томонидан 2020 йилда Метан қишлоғи тўлиқ ичимлик суви тизимига уланиши тўғрисида маълум қилингани» айтилади. Айни ҳолат бўйича шунга маълум қилмаслиги, тахририятда мухбирнинг мазкур таълим муассасасида бўлгани, директор, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан суҳбатлашганини исботловчи видеоёзув мавжуд. Эҳтиёж тугилса, ушбу видеоёзув Навоий вилояти прокуратурасига тақдим этилади.

Нигора ЎРОЛОВА.



ем олишга кирган харидор растадан адашиб, картошка, тиёз, карам, бодринг, помидорга пулини ишлатиб қўйганини сезмай қолади. Баъзилар эса кийим-кечак ва машиий буюмлар билан андармон бўлиб, бозорга нима учун келганини ёдидан чиқаради. Кийим-кечак, ўқув қуроллари, озиқ-овқат маҳсулотларию машиий-техника буюмларининг барчаси бир ердан сотилганидан кейин шундай бўлади-да» дейилади. Мазкур камчиликларни бартараф этиш ва бозор ҳудудидаги савдо ўринларини тартибга келтириш бўйича қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Хусусан, бозордаги кийим-кечак расталари озиқ-овқат маҳсулотларидан алоҳида аж-

Қачон уйғунлашади?

пункти биноси ўтган йили хашар йўли билан таъмирлангани, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан бириктирилган ходим бу ерда икки-уч марта кўрик ўтказганию қайта келмагани баён этилган. Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Муҳаббат Қодирова эса бу ҳолатга изох бериб, тез орада ходим бириктирилишини таъкидлаганди. Бирок кутилган натижа бўлмади. Сарсон аҳолининг бунга қўнишдан бошқа иложи йўққа ўхшайди!

Қишлоқда болалар боғчаси билан боғлиқ вазият ҳам ўша-ўша. Янги турмушлик кичикинтойларнинг боғчага қатнаш орзуси хануз орзулигича қолмоқда. Ҳозиргача биронта ташаббускор чикиб: «Мен хусусий боғча очаман» деган гапни айтмаган. Маҳалла фаоллари ҳам негадир бу масалага лоқайд қарашмоқда.

Қишлоқда спорт зали қурилади

Қишлоққа ташрифимиз давомида бизни фақат бир нарса қувонтирди. У ҳам бўлса, худуддаги 41-умумтаълим мактабида спорт зали қурилиши

бошлаб юборилганидир. Маълумки, танқидий мақолада янги турмушлик ёшлар спорт билан шуғулланиш учун қўшни қишлоқдаги тўғарақларга қатнаётгани айтилган.

— Мақола чоп этилгач, мутасаддилар мавжуд вазиятни ўрганиб, спорт зали лойиҳасини тасдиқладилар, — дейди мактаб директори Дилором Муратова. — Мана, қисқа фурсатларда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Насиб этса, йил якунига қадар барча шароитларга эга замонавий спорт мазжуси ёшлар ихтиёрига топширилади. Шу ўринда барча ўқувчилар номидан бизнинг муаммога бефарқ бўлмаган тахририят ходимларига, мутасаддиларга миннатдорлик билдирамиз.

...Ҳозирча Янги турмушдаги вазият шундай. Қўрилишидан худуддаги муаммолар ечимида баъзида масъулият, баъзида ташаббус етишмаяпти. Агар шу икки жиҳат уйғунлик касб этса, камчиликлар ўз вақтида бартараф этиларди. Ўйлаймизки, мутасаддилар қишлоқда ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратишади.

Самарқандда МДХ мамлакатлари I туристик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тиббий кадрлар тақсимоти ва танқислиги: муаммога қачон ечим топилади?

ШТАТ НОРМАТИВЛАРИ НЕГА ТУРЛИЧА?

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда тез ва сифатли кўрсатилган тиббий ёрдам жуда муҳим. Бу борада эса кўпгина омиллар шифокор билан боғлиқ.

Хўш, бугунги кунда юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш қай даражада йўлга қўйилган? Худудларнинг тажрибали тиббий кадрлар билан таъминланганлик даражаси қандай? Ечимини қутаётган муаммолар нимадан иборат? Мутахассисларнинг тақсимланиши тўғри йўлга қўйилганми? Шу каби саволларимизга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Мухаррам Дадахўжаевага мурожаат қилдик.

Мутахассислар тақсимоти қандай?

— Жойларда ўтказилган ўрганишларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш Тошкент шаҳри ва вилоятларда турлича шаклда ташкил қилинаётганига ғувоҳ бўлдик, — дейди Мухаррам Дадахўжаева. — Айтишлик, пойтахтдаги оилавий поликлиникаларда 12 турдаги тор соҳа мутахассислари фаолият кўрсатмоқда. Бирок вилоятларда бу жиҳат назарда тутилмаган.

Қишлоқ туманларидаги кўп тармоқли марказий поликлиникада фтизиатр фаолият юритса, шаҳарга бу мутахассис санаторий типидagi мактабга таълим муассасалари (гурӯ-



«**Шаҳардаги оилавий поликлиникага 666 нафар аҳолига 1 штатда ишлайдиган патронаж ҳамшира бириктирилади. Қишлоқ врачлик пунктларида эса шу ҳажмда ишлайдиган ходим 750 нафар, хизмат кўрсатиш ҳудуди ундан каттароқ бўлган ҳудудларда 1000 нафар аҳолига масъул ҳисобланади.**

лари) мавжуд бўлгандагина ажратилади. Болалар отоларингологи, ўсмирлар врачлари каби мутахассислар эса фақатгина шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида фаолият юритади.

Шаҳардаги оилавий поликлиникада 666 нафар аҳолига 1 штатда ишлайдиган патронаж ҳамшира бириктирилади. Қишлоқ врачлик пунктларида эса шу ҳажмда ишлайдиган ходим 750 нафар, хизмат кўрсатиш ҳудуди ундан каттароқ бўлган ҳудудларда 1000 нафар аҳолига масъул ҳисобланади.

Штат нормативларини қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш юзасидан қилинган

мурожаатлар, афсуски, масъул ташкилотлар томонидан ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

Тубдан ўрганиб чиқилди

Яқиндагина Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ва Боёвут туманида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва тиббиёт муассасаларидаги кадрлар етишмовчилиги масаласи тубдан ўрганиб чиқилди. Малакали кадрлар фаолиятини таъминлаш мақсадида 22 нафар мутахассис шаҳар даволаш профилактика муассасаларига жалб этилди. Бу каби муаммо республикамиз ҳудудларидаги деярли барча тиббиёт муасса-

саларига тегишлидир.

Уларга ечим топиш мақсадида Президентимизнинг «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда кадрларни тайёрлаш, таълим, илм-фан ва амалиётни интеграция қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика муассасаларининг клиникалари, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика илм-фанини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновацияларни жаҳон даражасига яқин ривожлантириш, уларни глобал илмий майдонга интеграция қилинишини таъминлаш тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгиланди.

27,2 фоиз ўқувчида касаллик аниқланган

Таълим муассасаларида тиббий ходим фаолиятининг самарали ташкил қилиниши вояга етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Биргина 2018 йилда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 6 миллион 586 минг 754 нафар ўқувчи тиббий кўриқдан ўтказилганда улардан 1 миллион 794 минг 385 нафарда, яъни 27,2 фоизда касаллик аниқланган.

Демак, таълим муассасаларида тиббий ходимга талаб анча юқори. Бирок бу масалада ҳам муаммоларимиз кам эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, республика бўйича 10 минг 32 та умум-

таълим мактабининг 1 минг 174 тасида тиббиёт хонаси мавжуд эмас. 2018 йил якуни бўйича умумтаълим мактабларига бириктирилган шифокорлар сони 4 минг 91 нафарни ташкил қилиб, бу 40,8 фоизни ташкил этади, холос.

Штат нормативида қишлоқ туманларидаги мактабларга врач педиатр штати ўқувчилар 500 нафардан кам бўлмасигина ажратилиши кўзда тутилган. Бундай талаб ўқувчилар сони камроқ бўлган бир неча мактаблар учун шифокор бириктиришга тўсқинлик қилади.

Қолаверса, қишлоқ туманларидаги мактаблар учун 1 минг 200 нафар ўқувчи, шаҳардаги мактаблар учун эса минг нафар ўқувчи 1 штат врач педиатр лавозими ажратилиши белгиланган. Мактаб ҳамшира штатида ҳам шундай тафовут мавжуд. Стоматолог лавозими эса фақатгина қишлоқ туманларидаги мактабларда мавжуд. Аксинча психиатр штати шаҳардаги мактаблар учунгина белгиланган.

Умумий тахлилларга кўра, таълим муассасаларида хизмат кўрсатилган врач ва ўрта тиббиёт ходими (мактаб ҳамшираси) штати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган штат нормативларига нисбатан кам ёки айрим умумтаълим муассасалари учун умуман ажратилмаган.

Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан республикада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳолини ўрганиш давомида Сирдарё вилоятининг аксарият туманларида, Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани, Хоразм вилояти Урганч ва Янгибозор туманлари, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани, Қашқадарё вилояти Китоб тумани каби бир канча ҳудудларда врач педиатр ва мактаб ҳамшираси штати жуда кам миқдорда ажратилгани, кўпгина мактабларда умуман тиббиёт хонаси фаолият юритмаётгани аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар етарлича. Уларга ечим топишда эса ишчи тизими ташкил этиш, кадрлар танқислигига барҳам бериш, мутахассислар салоҳиятини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Умид қиламизки, бугун олиб борилган тахлиллар ва аниқланган камчиликлар эртанги ривожланишларга далолат бўлади.

Шахноза РАХИМЎЖАЕВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандай янги йўналишлар очилган?

— Шу қилларда олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқчиман. Мақсадим эса тиббиёт ходими бўлиш. Айтиш-чи, мен танлаган соҳа бўйича бу йил қандай янги йўналишлар очилган?

Малоҳат ЭРГАШЕВА,
Тошкент вилояти.

Гулнора ЮСУПАЛИЕВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бош бошқармасининг Олий ва ўрта тиббий таълим бўлими бошлиғи:

— Президентимизнинг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, тиббиёт олий таълим муассасаларида 2019-2020 ўқув йилидан клиник психология, биотиббиёт муҳандислиги, дори воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва сифат менежменти каби янги таълим йўналишлари очилди.

Шунингдек, тиббиёт коллежларида ҳам ўқитиш муддатлари 3 йилдан 2 йилга қисқартирилиб, фельдшер-лаборатория иши, фельдшерлик иши ва тиббий-ижтимоий иши каби янги таълим йўналишларида малакали ўрта тиббиёт кадрлар тайёрланади.

Айни пайтда мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 7 та олий тиббий таълим муассасаси ва уларнинг 4 та филиалида малакали кадрлар тайёрланмоқда. Эътиборли жиҳати, юртимиз олий таълим муассасаларида «Тиббий биология», «Фармация», «Тиббий профилактика», «Педиатрия» ва «Тиббий биология», «Болалар стоматологияси» бакалаврият таълим йўналишлари очилди. Магистратурада эса «Атрофмухит ва одам саломатлиги», «Аллергология ва иммунология», «Диетология», «Спорт тиббиёти», «Ҳарбий-тиббий тайёргарлик», «Болалар терапевтик стоматологияси», «Болалар хирургик стоматологияси», «Нутрициология», «Нефрология» ва клиник ординатурада бир канча янги йўналишдаги мутахассисликлар очилди.

Лицензия олишдаги мураккабликлар қачон барҳам топади?

НАРХЛАР, ҚОҒОЗБОЗЛИК ВА НОҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМАСА, НОҚОНУНИЙ КИРАКАШЛАР КЎПЯЯВЕРАДИ

Ҳар куни ишдан чиқиб, уйга йўл олар эканман, хаёлимдан жамоат транспорт тирбанд эмасмикан, «машрут-ка»га қандай илиниб олсам бўлади, автобус қанчада келаркан, деган ўй ўтади. Ҳамма уйига шошилаётган вақтда бу масала кўпчилик учун муаммога айланади. Шундай ҳолатларда йўловчилар такси хизматига мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Охириги вақтда гарчи сал қимматроқ бўлса-да, манзилга тез ва қулай етказиб қўядиган енгил автомобиллар хизмати кўпгина одамларнинг танловига айланиб бормоқда. Масаланинг иккинчи жиҳати эса, бу — доимий иш жойига эга бўлмаган, рўзгор учун «бир-икки» сўм ишлаш ниятидаги хайдовчилар учун ҳам айни муддао бўлди.

Кечагина шундай киракашлардан бири билан суҳбатлашиб қолдим.

— 2011 йилдан буён хайдовчилик қиламан, — дейди «Damas» русумли автомобиль хайдовчиси Фурқат Жалолов. — Шу кунга қадар юк машина, йўналишли таксилар хайдадим. Лекин ўз шахсий автомобилда киракашлик қилишни маъқул кўрдим. Ҳар ҳолда эркин бўламан, топган пулим ўз чўнтагимда қолади.

Айрим кунлари тонг саҳардан йўлга чиқиб, тушгача ишлашнинг ўзи ҳам етарли бўлади. Астойдил ҳаракат қилсам, бир суткада 200-300 минг сўмгача маблағ топишим мумкин. Тўғри, баъзан лицензия олмаганим учун жазима тўлашга ҳам мажбур бўламан. Лекин таксичилик фаолиятини қонуний йўлга қўйиш жуда мураккаб жараён. Тўловлари ҳам қиммат. Агар лицензия олиш бироз соддалаштирилса, нархлар арзонлаиса,



расмий фаолият олиб боришни хоҳловчилар кўпаярди.

Лицензия олиш шарт!

Албатта, бу истак кўплаб хайдовчиларни ўйлантираётгани сир эмас. Оч қорним, тинч қулоғим, деб бекорга айтишмайди. Давлат автомобиль назорати ходимларини кўрганда хавотирга тушиш, доимий таҳлика билан автомобиль бошқариш кимга ҳам ёқмай, дейсиз. Шундай экан, уларга фаолиятини қонунийлаштиришда қандай мураккабликлар



тўсиқ бўлмоқда? Хайдовчиларни ўйлантираётган муаммоларга қачон ечим топилади? Лицензия асосида такси хайдашнинг афзалликлари борми?

— Таксичилик хизмати мажбурий лицензия олиши шарт бўлган фаолият тури ҳисобланади, — дейди Транспорт вазирлиги қошидаги Транспорт

амалга оширилмоқда.

Тегишли қарорларда тўловларни ҳам имкон қадар камайтириш белгилаб берилди. Аслида лицензия олиш унчалик қиммат эмас. Ҳатто уни бўлиб тўлаш имкони ҳам мавжуд. Лекин солиқ индирувлари миқдори анча банд. Айни шу масала, яъни ташувчи корхона ва таксичилар учун солиқ юки орқали харажатларни камайтириш механизми юзасидан Солиқ кўмитаси билан музокаралар олиб борилаётир.

Қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Мурод Абидовнинг таъкидлашича, юқоридаги муаммоларни



ва логистика муаммоларини ўрганиш маркази раҳбари Мурод Абидов. — Бундан кўзланган асосий мақсад — сифат ва хавфсизлигини таъминлашдир. Шу боис қонуний асосларга кўра шилаётган таксичилар техник ва тиббий кўрикдан ўтказилади. Масалан, хайдовчининг саломатлигини текшириш қўлига ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиши мумкин. Техник кўрикдан ўтишда эса транспорт воситасининг соғлиги кўздан кечирилади. Бу ҳам хайдовчининг, ҳам йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда жуда муҳим.

Тўғри, шу кунга қадар ишни қонуний ташиқл этишида муаммоли жиҳатлар мавжуд эди. Яъни таксичилик қилиш ниятидаги тадбиркорлар шахсий машинасини лицензия оладиган юридик шахснинг ҳисобига ўтказиб, махсус давлат рақами олиши ва талаб қилинган ранга бўйиш керак эди. Бу жараёнлар учун эса катта маблағ сарфланган. Лекин кўп мураккабликлар аста-секин бартараф этилмоқда. Фуқароларга қулайлик яратиш бўйича босқичли ишлар

бартараф этиш мақсадида янги таҳрирдаги қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Унда тадбиркорлар учун харажатларни минимал миқдоргача камайтириш, қулайликлар яратиб бериш кўзда тутилган. Масалан, хайдовчиларга барча транспорт корхоналари ва ўзига яқин ҳудуддаги онлаин поликлиникаларда тиббий кўрикдан ўтиш имкони яратилади. Шунингдек, ҳудудлардаги хусусий автомобиль таъмирлаш корхоналарида техник кўрикдан ўтиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу хизматларни кундузги ва кечки навбатчилик асосида ташиқл этиш назарда тутилган. Янги чиқариладиган қарор қоғозда қолиб кетмаслиги, аксинча амалда ўз натижасини кўрсатиши керак. Шу мақсадда бироз кўпроқ вақт талаб қилса-да, лойиҳани пухта ва мукамал ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буюртма таксилар масаласи нима бўлади?

Кундан-кунга такомиллашиб бораётган буюртма такси тизи-

БУ — ҚИЗИҚ!



Ҳозирги кунда дунёда таксини онлайн буюртма қилиш хизматлари жуда кўп бўлиб, улардан энг машҳурлари «Uber» (АҚШ), «Яндеке. Такси и InDriver» (Россия), «Grab» (Сингапур), «Didi Chuxing» (Хитой) қабиллардир.

ми кўлами жуда тез кенгайиб кетди. Боси одамлар учун қулай, қолаверса, лицензиясиз хайдовчилар ҳам ишга қабул қилинди. Транспорт вазирлиги айни шу жиҳатларни чуқур ўрганиб чиқмоқда. Таҳлил ва хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасига кўра, айрим мамлакатларда буюртма таксилар фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёни ўрганиб чиқилди. Шундай бўлишига қарамай, ҳозирнинг ўзида бир неча чекловлар амалга жорий қилинган. Юртимизда ҳам дунё тажрибасидан келиб, чиққан ҳолда ахборот ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш асосий мақсад қилиб олинган.

Янги таҳрирдаги қарор лойиҳасига халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда аҳолига буюртма такси хизматларининг электрон платформасини таъминлайдиган операторлар фаолияти бўйича ҳам меъёрилар киритилади.

Одамлар доим ўзи учун қулай йўлни танлашга ҳаракат қилишади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда кенг омманнинг шароити ва имкониятларини инобатга олиш зарур. Талаблар жуда кучли ва имконсиз бўлса, кингир йўлни танловчилар кўпаяверади. Таксичилар масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Назаримизда, бандлик муаммоларига ечим изланаётган бир вақтда ўзини ўзи иш билан таъминлаётган хайдовчиларга кўпроқ қулайликлар яратиб бериш зарур. Тизим қанча соддалаштирилса, хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам яхши натижаларга эришамиз.

Шахноза РАҲИМҲЎЖАЕВА «Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Лицензиясиз таксичиларга қандай чора қўлланади?

— Яқиндагина енгил автомобиль сотиб олдим. Ўзим ҳеч қаерда ишламайман. Шунинг учун таксичилик қилиб рўзгор тебратишга мажбурман. Лекин ҳали лицензия олганим йўқ. Айттинг-чи, ноқонуний фаолият олиб бораётган таксичиларга қандай чора қўлланади?

Карим ЭРҒАШЕВ.
Андижон вилояти.

Мурод АБИДОВ,

Транспорт вазирлиги қошидаги Транспорт ва логистика муаммоларини ўрганиш маркази раҳбари:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддасига мувофиқ, йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланаётган фуқаролар энг кам иш ҳақининг 20 дан 100 бараваригача, мансабдор шахслар эса 50 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жаримага тортилади. Агар бу ҳолат такрорланса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича энг кам иш ҳақининг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқ (масалан, хайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш ёхуд 3 йил муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Адлия вазирлиги хавфсизлик қоидалари бўйича болалар учун қўлланма тайёрлади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёпиладими?

ФАОЛИЯТИДАН АҲОЛИ НОРОЗИ БЎЛГАН, ВАЗИФАСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШМАГАН ШИРКАТЛАР ЎЗ ЎРНИНИ БОШҚАРУВ КОМПАНИЯЛАРИГА БЎШАТИБ БЕРАДИ.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари. Бу ном кўп қаватли уйлarda яшайдиганлар учун бегона эмас. Маълумки, ширкатлар коммунал соҳада давлат иштирокини камайтириш, уй-жой мулкдорларининг фаолият доирасини кенгайтириш, хизматлар, пудрат ва таъмирлаш ишлари бозорини шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

Бирок таъкидлаш жоиз, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида гап кетганда аксарият юртдошларимизнинг ташкилот хизматидаги норози эканлигини кўрамиз. «Ширкатга нима учун ҳар ой пул тўлаймиз? Ахир, ҳар қандай коммунал хизматлар учун ўзимиз ёнимиздан пул сарфлаётган бўлсак. Улар эса ўзлари масъул бўлган уйлarning ҳолати ва аҳоли билан қизиқишмайди ҳам» каби эътирозлар тез-тез кулоққа чалинади.

Ширкатлар ўрнида бошқарув компаниялари

Аҳолидан бўлаётган эътирозлар ҳамда соҳадаги муаммоларни инobatта олган ҳолда бу масалага ўзига хос ечим сифатида пойтахтимизнинг айрим туманларида янгича тизим йўлга қўйилди. Хусусан, эндиликда Юнусобод туманида бўлгани сингари Чилонзорда ҳам бошқарув компаниялари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнини эгаллайди.

— Уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида соҳа корхоналари фаолиятининг самарадор-

лигини янада ошириш мақсадида Чилонзор туманида кўп қаватли уй-жой биноларини бошқарув компанияларига бириктириш бўйича танлов эълон қилинди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси мутахассиси Озодбек Турсунов. — Таъкидлаш лозим, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига бошқарув компанияларининг жорий қилиниши Юнусобод туманида муваффақиятли тарзда синовдан ўтди. Шу боис, эндиликда пойтахтимизнинг барча ҳудудларида ана шу тизимни жорий қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда Чилонзор туманида ҳам бу лойиҳа синовдан ўтказилди. Кўп қаватли тураржойларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш йўналишида

фаолият юритаётган бошқарув компаниялари ўртасида танлов ўтказилиб, улар орасидан энг муносиблари танлаб олинади.

Танловда кўп қаватли уй-жой фондини муносиб сақлаш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун бошқарув компаниялари тураржойлар мулкдорларининг ишончли шахслари билан биргаликда танлаб олинади. Чилонзорда ишларини хоҳловчи бошқарув сервис компаниялари тумандаги 4 та сектордаги кўп қаватли уйлarga хизмат кўрсатиш бўйича танловда иштирок этишлари мумкин.

Бошқарув компаниялари нимаси билан афзал?

Тошкент шаҳар ҳокимлигидан маълумот беришларича, бошқарув компаниялари кўп қаватли уйлarga профессионал даражада хизмат кўрсатиш бўйича етарли тажрибага эга ҳамда иш жараёнида ҳар бир уйнинг архитектураси ва шароитидан келиб чиқиб таъмирлаш ишларини амалга ошириши билан ажралиб туради. Эълон қилинган танловга кўра эса кўп қаватли уйлarga хизмат кўрсатиш бўйича самарали бошқарув механизми, малакали мутахассислар ва техникага эга энг илгор компаниялар танлаб олинади.

Танлов натижа-сида фаолиятдан аҳоли норози бўлган, вазифасига масъулият билан ёндашмаган ширкатлар ўз ўрнини бошқарув компанияларига бўшатиб беради. Бунинг натижасида тизимдаги молиявий ҳолатни соғломлаштириш, муаммоли кредитларни ҳал этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлашга эришиш кўзда тутилган. Шундай бўлгач, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳам яхшиланади, туну кун ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати йўлга қўйилади.

Хизмат кўрсатиш нархларида тафовут қандай?

Маълумки, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти учун тўловлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланади. Бошқарув компанияларида хизмат кўрсатиш нархлари, ойлик йиғимлар микдори компания раҳбарияти билан аҳоли ўртасида шартнома тузилгунга қадар ўтказилган умумий йи-



гилишда муҳокама қилинади ва белгиланади.

Таклиф этилаётган йиғимлар микдори маъқулланиши учун мажлис қатнашчиларининг ярдмидан кўпи овоз бериши керак. Тўловларнинг энг кам микдори туманлардаги халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади. Яъни ҳеч бир бошқарув компанияси нархларни ўзи хоҳлаганча ошира олмайди. Тўловлар ҳар икки томоннинг розилиги асосида белгиланади.

Энг муҳими, бошқарув компанияси аҳолини уй-жойларни таъмирлаш, ободонлаштириш режаси билан таништиради, режа асосида қилинаётган ишлар ҳақида ахборот беради ва ҳар чоракда бажарилган ишлар ҳамда пул маблағларининг сарфланиши ҳақида ҳисобот бериб боради.

Ширкатлар тугатиладими?

— Бугунги кунда Тошкент шаҳри коммунал хизмат масалаларида ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтган, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қўчқоров. — Шу боис айни пайтда вазирлик пойтахт аҳолисига коммунал хизматларни кўрсатмайди. Бошқарув компанияларининг амалиётга татбиқ қилиниши соҳа ривожига ҳисса қўйиши шубҳасиз. Агар пойтахт юзасида белгиланган режалар муваффақиятли ўтса, хизмат кўрсатишнинг бу усули бутун мамлакат миқёсида оммалаштирилиши мумкин. Аммо ҳозирча вазирлик тизимидаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вояга еттирмаверади.

Муаммо қақат ширкатлардами?

Тан олиш лозим, сўнгги вақтларда фуқароларнинг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятида норозилиги

ҳақида турли гаплар кулоққа чалинди. Бирок «қарс икки қўлдан чиқади» деганларидек, бу ҳолатда ҳар икки томоннинг ҳам айби бор. Хусусан, кўп қаватли уйлarda яшайтган ҳам-шаҳарларимизнинг кўпчилиги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида тўлиқ тushунчага эга эмас. Натижанда ўз ҳуқуқларини талаб қилмайди. Ширкатларнинг асосий вазифаси ва шахсий мажбурият ва имкониятларидан беҳабар қолиб, «смаган сомасига пул тўлаган».

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, ширкат аъзолари умумий йиғилиши — ширкатнинг олий органи ҳисобланади. Ўзимизга савол берсак: ширкат аъзоси, мулкдор сифатида охириги марта қачон ширкат аъзолари умумий йиғилишида иштирок этдик?

Мана шу, яъни ҳуқуқий маданиятимиз даражаси, эҳтимол масаланинг муҳим жиҳатидир. Қонуннинг 4-моддасига кўра, ширкат харажатлари тўғрисидаги ахборот унинг аъзоларидан яширилиши мумкин эмас. Шу сабабли, исталган яшовчи ўз ширкатига келиб, бу ахборот билан танишиши мумкин. Бирор марта ширкат раҳбариятидан харажатлар тўғрисида ахборот сўрадикми?

Хулоса ўрнида

Бугун мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган бунёдкорликлар натижасида қўллаб соҳалар ривожланиб бормоқда. Хусусан, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётир. Замонавий биноларга ҳамохан тарзда сифатли хизмат кўрсатиш аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларнинг бутундан рози бўлишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Биздан талаб қилинадигани эса мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишидир.

Фарход ТОЛИПОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Пойтахтнинг Бош режаси қачон қабул қилинади?

— Уйимиз қатта йўл ёқасида бўлгани боис анчадан буюн уйлар бузилиши ҳақида гап-сўзлар тинмапти. Бирок аниқ маълумот йўқ. Бу масалага Тошкент шаҳрининг бош режаси қабул қилингандан сўнг ойдовлик қаритиш мумкин дейилди. Айтингчи, Тошкент шаҳрининг янгиланган Бош режаси қачон эълон қилинади ва унга кўра қандай янгиланишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

Қобил ҒОҒУРОВ.
Чилонзор тумани.

— Шаҳарнинг Бош режаси унинг яқин йилларда қандай ривожланиши, кенгайтиши, пойтахтдаги ўзгариш ва янгиланишларни кўрсатуви муҳим ҳужжатлардан бири бўлади. Шу боис табиийки, бундай режа тез фурсатда тайёр бўлмайди. Айни пайтда туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри янги Бош режасининг Концепциясини тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда. Асосий лойиҳа ушбу концепцияга кўра ишлаб чиқилади. Шу билан бирга ушбу Бош режа ҳозирча Тошкентнинг 2030 йилгача бўлган тараққиёт йўналишларидан келиб чиқиб, мунтазам тақомиллашиб боради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати.

Гиёҳвандликка қарши аёвсиз кураш

БУ БИЛАН ЎЗИМИЗ, ОИЛАМИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ КАТТА ХАВФДАН АСРАГАН БЎЛАМИЗ



Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Мақ­ма­си ҳу­зу­ри­да­ги нар­ко­тик мод­да­лар­ни на­зо­рат қи­лиш Ми­л­ли­й ах­борот-тах­лил мар­ка­зи маъ­лу­моти­га қў­ра, ҳу­қуқ-тар­ти­бот идо­ра­ла­ри то­мо­ни­дан амал­га оши­рил­ган иш­лар на­ти­жа­си­да 2018 йил­да гиёҳ­ван­д­лик воси­та­ла­рининг ноқо­ну­ний ай­ла­ни­ши билан боғ­лиқ 4779 та жи­ноят фош этил­ган. Улар­дан 1626 таси нар­ко­тик мод­да­лар­ни ўт­казиш-со­тиш, 171 таси кон­тра­бан­да, 1238 таси гиёҳ­ван­д­лик ў­сим­лик­ла­рини ети­шти­риш, 66 таси бан­ки­хо­нал­лар та­ш­кил этиш билан боғ­лиқ бў­лса, бош­қа тур­да­ги нар­ко­жи­ноят­лар 1678 та­ни та­ш­кил эт­ди.

Хар бир ракам ор­ти­да бир инсон тақ­ди­ри бор­ли­гини ўй­ласак, ва­зият на­ка­дар аянч­ли экан­ли­ни ан­глаш кийин эмас. Ай­ни­қса, ёш, ҳали ҳаёт­нинг паст-ба­лан­ди­ни кў­рма­ган­лар оғу ор­ти­дан даро­мад кў­раёт­ган­лар қур­бони­га ай­ла­наёт­гани ди­лини ўр­тай­ди.

Ўзига қарам қилади

— *Статистик таҳлиллар на­ти­жа­си­да қў­ра, биз­да, асо­сан, 40 ёш­дан ош­ган бе­мор­лар да­во­лана­ди, — дей­ди Ре­спу­бли­ка нар­ко­ло­гия дис­пан­се­ри нар­ко­ло­г Амир Ра­ши­дов. — Ле­кин жуда эрта да­в­рлар­дан­оқ гиёҳ­ван­д мод­да­лар қур­бони­га ай­ла­наёт­ган­лар ҳам ан­ча­гина. Мас­ала, сўн­ги бир ой да­во­ми­да му­ро­жа­ат қи­лаёт­ган­лар­нинг 10-15 на­фар­ини 40 ёш­га­да бў­лган­лар та­ш­кил эт­ди. Ас­ли­да ҳам би­рин­чи мар­та нар­ко­тик мод­да­лар истеъ­мо­л қи­ли­ши 16-17 ёш­лар­да кў­п ку­за­ти­ла­ди. Мак­таб да­ври­дан ўқ­иш­га қи­зи­қма­ган, дар­слар­га қат­на­май, кў­п вақ­тини кў­ча­да ўт­каз­ган, би­лим оли­ш­га ишти­ёқ­и су­ст бў­лган бо­ла­лар се­кин-ас­та ўзи ка­би бе­кор­чи­лар­га шерик бў­ла­ди. На­зо­рат­сиз­лик, ўз­би­лар­мон­лик оқ­и­ба­ти­да шун­дай кў­чалар­га ки­риб қо­лади.*

Улар­ни бу йў­ла е­так­лаган асо­сий му­ам­мо тар­бия­да­ги кам­чи­лик­лар, во­я­га ет­ган муҳ­ти ва ў­зи­га хос феъ­л-ав­торидир. Нар­ко­тик­лар­га қарам бў­либ қо­лган­лар­нинг кў­п­чи­ли­ги­да яшайдан ҳеч қан­дай мақ­сад бў­лмай­ди. Бирор яхши на­ти­жа­лар­га эри­ши­ш­га ҳа­ра­кат қи­лмай­ди. Фақат бу­зун­ги ку­ни­дан завқ оли­б яшай­ни хо­ҳай­ди, хо­лос.

Гиёҳ­ван­д­лик су­рун­ка­ли ру­ҳий ҳас­та­лик бў­лгани бо­ис ундан бутун­лай хо­лос бў­ли­шининг им­ко­ни йўқ. Маъ­лум му­д­дат (5 йил мо­бай­ни­да) бун­дай мод­да­лар­ни қа­бул қи­лмас­лик эса фа­кат­гина бе­мор­да­ги эҳ­ти­ёж­ни су­сай­ти­ри­ши мум­кин. Ле­кин уни та­тиб кў­ри­ш­га бў­лган хо­ҳиш сақ­ланиб қо­ла­вер­ади.

1048 та нар­ко­жи­ноят аниқ­ланди

Бугун гиёҳ­ван­д­лик­ка қар­ши олиб бо­ри­лаёт­ган ку­ра­шининг таг за­ми­ри­да ҳам ода­млар­нинг соғ­лик-омон-

лик­да ҳаёт ке­чи­ри­ши мақ­сад қи­либ оли­нган. Нар­ко­жи­ноят­га эъ­ти­бор­сиз бў­лиш билан қан­ча­дан-қан­ча фар­занд­ла­ри­ми­зининг ҳаё­ти­га хавф ту­ғ­дир­ган бў­ламиз. Зе­ро, ат­ро­фимиз­да ло­қай­д­ли­гимиз­дан фой­далани­ши ку­таёт­ган­лар жуда кў­п. Шунинг учун ҳам бу иш­га фа­кат­гина ҳу­қуқ-тар­ти­бот ор­ган­ла­ри эмас, бал­ки кў­п­лаб ҳам­кор та­ш­ки­лот­лар ва жа­моат­чи­лик жалб этил­ган.

— *«Нар­ко­тик мод­да­лар су­истеъ­мо­ли ва ноқо­ну­ний ай­ла­ни­ши­га қар­ши ку­раш бў­йича 2016-2020 йил­лар­га мў­лал­лан­ган ком­п­лек­с чора-тад­бир­лар» Да­в­лат да­сту­ри иж­ро­си­ни таъ­мин­лаш мақ­са­ди­да ман­фа­ат­дор та­ш­ки­лот­лар ва кенг жа­моат­чи­лик­ни жалб қи­лган ҳол­да, жорий йил­нинг 1 май ку­ни­дан 30 июнь ку­ни­га қа­дар ре­спу­бли­ка миқ­ё­си­да «Қора дори-2019» кенг қам­ров­ли тад­бир­ининг би­рин­чи бос­қичи ўт­кази­лади, — дей­ди Ички иш­лар ва­зи­рининг Жи­ноят ки­ди­рув бош бош­қар­маси маъ­сул хо­дими Ба­х­ром­жон Тад­жи­ма­тов. — Уни ўт­кази­ш­дан мақ­сад: нар­ко­тик мод­да­лар­нинг гай­ри­қо­ну­ний ай­ла-*



ни­ши­га қар­ши ку­ра­ши­ни, тар­ки­би­да нар­ко­тик мод­даси бў­лган ў­сим­лик­лар­ни ети­шти­ри­ш­га қў­л ураёт­ган баъ­зи но­поқ ким­са­лар­нинг жи­ноий фао­ли­ят­ли­ка чек қў­йи­ши ва шу билан на­ша, кў­к­но­р ка­би ў­сим­лик­лар­ни ў­си­ти да­ври­даёқ аниқ­лаб, йўқ қи­ли­ш­га қар­ати­лган.

Ре­спу­бли­ка­ми­з ҳу­ду­ди­да нар­ко­тик мод­да­лар­ни кон­тра­бан­да йў­ли билан олиб ки­ри­ши, тран­зит ра­ви­и­да ўт­кази­ши ҳо­лат­ла­рини фош қи­ли­ш ҳам­да тар­ки­би­да нар­ко­тик мод­да­лар бў­лган ў­сим­лик­лар­ни аниқ­лаш мақ­са­ди­да 684 та қи­ди­рув гу­руҳ­ла­ри та­ш­кил эти­либ, нар­ко­тик мод­да­лар­ни қи­ди­риб то­пи­ш­га ўр­натил­ган жа­ми 306 та хиз­мат иш­ла­ри жалб этил­ди. Амал­га оши­рил­ган чора-тад­бир­лар на­ти­жа­си­да 1048 та нар­ко­тик мод­да­лар билан боғ­лиқ жи­ноят аниқ­ланди.

Кенг қў­лам­да олиб бо­ри­лаёт­ган саъй-ҳа­ра­кат­лар­га қара­май, ҳали

хам орамиз­да оғу­фу­ру­ш­лик билан шу­ғу­л­ланаёт­ган­лар стар­ли­ча. Ам­мо жи­ноят жа­зо­сиз қол­мас­ли­ги му­қар­рар. Бун­га ку­ни кеча ин­тер­нет сай­т­ла­ри­да эъ­лон қи­лган ҳо­лат­ни ми­со­л кел­ти­риш мум­кин.

Оғу­фу­ру­ш­лар қў­лга оли­нди

Да­в­лат хавф­сиз­лик хиз­ма­ти Са­мар­қанд ви­ло­я­ти бош­қар­маси хо­ди­млари У­ру­гт ту­ма­ни­да яшовчи 1987 йил­да ту­ғил­ган Б.А. хо­на­до­ни ертў­ласи­дан яши­риб қў­йил­ган 4 кило­грамм 635 грам о­пий мол­да­си­ни то­пи­ш­ди. Аниқ­ла­ни­ш­ча, оғу­ни Б.А.нинг ука­си, 1997 йил­да ту­ғил­ган Ҳ.Ш.нинг То­жи­кис­тон Ре­спу­бли­ка­си Сў­ғд ви­ло­я­ти Пан­жи­кент ту­ма­ни­да яшовчи та­ни­ши Тош­кент ви­ло­я­ти­нинг Бе­ко­бод ту­ма­ни­га кон­тра­бан­да йў­ли билан ўт­казиб, яши­риб кет­ган. Б.А. эса маз­кур гиёҳ­ван­д­лик воси­та­си­ни У­ру­гт ту­ма­ни­да­ги яшаш ман­зи­ли­га олиб кел­ган.

Шун­дай ҳо­лат­лар­дан яна би­ри «Қора­дори – 2019» кенг қам­ров­ли тад­бир­и­да аниқ­лан­ган. Ко­сон ту­ма­ни «Бун­ёд­кор» ма­ҳал­ла­си­да яшовчи 18 ёш­ли А.Б. 9 до­на кў­к­но­р бо­шоғ­ни 400 минг сў­м­га со­таёт­ган вақ­ти­да уш­лан­ган. Унинг уйдан ота­си

Б.Х. билан би­ра­га ҳов­ли­си­да­ги ер май­до­ни­да кў­к­но­р ў­сим­ли­гини ети­шти­раёт­гани аниқ­ла­ниб, уйдан жа­ми 592,07 грам кў­к­но­р ха­ша­ги, 0,47 грам о­пий, 62,2 грам кў­к­но­р ў­сим­ли­ги уру­ғи ва 7 кило­грамм 466 грам кў­к­но­р ў­сим­ли­ги то­пи­либ, да­ли­лий аш­ё сифа­ти­да оли­нган.

Ҳозир­да уш­бу ҳо­лат­лар ю­за­си­дан Жи­ноят ко­дек­си­нинг те­ги­ши­ли мод­да­ла­ри­га асо­сан жи­ноят иш­ла­ри кў­з­га­ти­либ, тер­гов ҳа­ра­кат­ла­ри олиб бо­ри­лмоқ­да.

Қис­қа­гина ум­ри­ми­з да­во­ми­да ор­тимиз­дан яхши ном қол­ди­ри­ш­га ни­ма ет­син?! Яшаш­дан асл мақ­сад ҳам шу эмас­ми ас­ли­да? Ле­кин ора­ми­зда ҳаёт ка­дрини бил­май, ўзи ва ўз­га­лар­нинг тақ­ди­ри­га соя со­лаёт­ган­лар ҳам уч­раб ту­ра­ди. Улар­нинг ач­чик қис­ма­ти бар­ча­ми­з­ни са­боқ чи­ка­ри­ш­га ундай­ди.

Шах­но­за РА­ХИМ­ХЎ­ЖА­Е­ВА
«Mahalla»

МА­ҲАЛ­ЛА ТИ­НЧ — ЮРТ ОБОД

Бугун ички иш­лар ор­ган­ла­ри ти­зим­и­да ўт­кази­лаёт­ган исло­ҳот­лар, со­ҳа хо­ди­млари­га қў­йи­лаёт­ган талаб­лар­нинг за­ми­ри­да бит­та мақ­сад бор — у ҳам бў­лса, юрт тин­ч­ли­ги ва осо­йишта­ли­гини сақ­лаш, фуқаро­лар хавф­сиз­ли­гини таъ­мин­лаш ҳам­да ҳу­қуқ­бу­зар­лик­лар­нинг ол­дини оли­ш­дир.

«Менинг ма­ҳал­лам­да жи­ноят со­дир бў­лмас­ли­ги керак!»

«Жи­ноят ҳақи­қати ва адо­лати», «Қо­нун ва адо­лат — усту­вор, жи­ноят­та жа­зо — му­қар­рар», де­ган тамойил­лар­ни қарор то­пи­риш, «Хавф­сиз ша­ҳар», «Хавф­сиз хо­на­дон», «Хавф­сиз туризм» кон­цеп­ция­ла­рини иж­тимоий ҳаёт­га та­т­биқ этиш ҳу­ду­д­лар­да жа­моат тар­ти­б­ини таъ­мин­лаш­га хиз­мат қи­лаёт­ди.

Ва­тан ма­ҳал­ла­дан бош­лана­ди, дей­ди до­но халқимиз. Шу маъ­но­да ҳар қан­дай ҳу­қуқ­бу­зар­лик ҳо­лат­ла­рининг ол­дини олиш бо­раси­да­ги ҳа­ра­кат­лар, ав­вало, ма­ҳал­ла­лар­да кенг жа­моат­чи­лик иш­ти­ро­ки­да та­ш­кил эти­ли­ши ало­ҳи­да аҳа­ми­ят касб эти­шини ино­бат­та ол­ган ИИВ Ма­ла­ка оли­ши­риш ин­сти­ту­ти про­фес­сор-ўқит­ув­чи­лари сайёр ўқув маш­гу­лот­ла­ри­дан сўн­г ма­ҳал­ла­лар­да «Менинг ма­ҳал­лам­да жи­ноят со­дир бў­лмас­ли­ги керак!» мав­зу­си­да уч­ра­шу­в­лар уюш­ти­р­моқ­да.

— *Шун­дай сайёр ўқув иш­ла­ри ва тар­ғи­бот тад­бир­ла­ри Ан­ди­жон, Наман­ган, Сир­дарё, Фар­ғона, Тош­кент ви­ло­я­т­ла­ри ва Тош­кент ша­ҳри­да­ги ту­ман ва ша­ҳар­лар­да бў­либ ўт­моқ­да, — дей­ди ИИВ Ма­ла­ка оли­ши­риш ин­сти­ту­ти бо­ли­ғи, пол­ков­ник Ну­рид­дин Нор­ма­тов. — Мақ­са­ди­ми­з — аҳо­ли­нинг ҳу­қуқий са­во­дхон­ли­гини оли­ши­риш, юрт тақ­ди­ри­га да­х­ло­р­лик туй­ғу­си­ни му­ста­ҳкам­лаш, улар­ни қў­йнаёт­ган му­ам­мо­лар­нинг ечи­ми­ни бир­га­ли­да ҳал эти­ш­дан и­борат. Ай­ни­қса, ёш­лар­га «Менинг ма­ҳал­лам­да жи­ноят со­дир бў­лмас­ли­ги керак!» туй­ғу­на­си­ни си­ғи­ди­риш, жи­ноят­лар­нинг оқ­и­бат­ла­рини эмас, бал­ки улар­нинг са­баб ва шарт-шар­оит­ла­рини ўр­ган­ши ва унга бар­ҳам бе­ри­ш­дан и­борат.*

Шу пай­т­га қа­дар Ан­ди­жон ша­ҳри­да­ги Фор­о­бий ном­ли, Аса­ка ту­ма­ни­да­ги «Чек», Ол­тин­қў­л ту­ма­ни­да­ги «Мар­каз», Сир­дарё ту­ма­ни­да­ги «Пах­такор», Гу­ли­стон ша­ҳри­да­ги «Тарак­кёт», Мир­за­обод ту­ма­ни­да­ги «Нав­рўз» ма­ҳал­ла­лари­да ўт­казил­ган маъ­рифий тад­бир­лар­да ма­м­ла­ка­ти­ми­зда ҳуқм су­раёт­ган тин­ч­лик ва осо­йишта­ли­к­нинг ка­дри­га етиш, унинг бар­қарор­ли­ги­га ҳис­са қў­ши­ши, хавф­сиз­лик­ка тах­дид­лар­ни ў­зини­ки ва ўз­га­лар­ники» деб аж­ра­тиш туй­ғу­си­дан воз ке­чи­ш, «Ҳар бир ма­ҳал­ла­ни жи­ноят­чи­лик­дан хо­ли ҳу­ду­д­га ай­лан­ти­риш ка­би мав­зу­лар ҳақи­да сўз ю­ри­тил­ди.

— *Ма­ҳал­ла­ми­зда 4898 на­фар­дан зиёд тур­ли мил­лат вақил­ла­ри ишти­қо­мат қи­лади. Улар­нинг 720 на­фар­ини во­я­га ет­ма­ган­лар та­ш­кил эт­та­ди, — дей­ди Сир­дарё ту­ма­ни «Пах­такор» ма­ҳал­ла фуқаро­лар йи­ғи­нининг хо­тин-қиз­лар билан иш­лаш ва оилалар­да маъ­на­вий-ахлоқий ка­дрият­лар­ни му­ста­ҳкам­лаш бў­йича му­та­хас­си­си Ло­ла Аб­ду­лла­ева. — Ёш­лар­га таъ­лим-тар­бия бе­риш билан би­ра­га, улар­ни тур­ли ил­лат­лар­дан сақ­лани­ш­ла­ри ва би­либ-бил­май жи­ноят қў­часи­га ки­риб қо­ли­ш­ла­рининг ол­дини олиш мақ­са­ди­да тар­ғи­бот тад­бир­ла­ри та­ш­кил этиб бо­ри­лмоқ­да. Ўт­кази­лаёт­ган уч­ра­шу­в­лар­да фуқаро­лар ў­зини қи­зиқ­ти­рган са­во­ла­ри­га тў­лақо­нли жа­во­б ол­моқ­да.*

Дар­ҳақи­қат, ма­ҳал­ла­лар осо­йишта­ли­ги — юрт тин­ч­ли­гини таъ­мин­лаш­га хиз­мат қи­лади. Шунинг учун ҳам ҳу­ду­д осо­йишта­ли­ги йў­ли­да про­фи­лак­тика ин­спек­тор­ла­ри ма­ҳал­ла фао­ла­ри билан бир­га­ли­да ҳа­ра­кат қи­лмоқ­да. Спир­тли ичи­млик­ка ру­жу қў­йган, нотинч оилалар­га нис­ба­тан те­ги­шли чо­ралар қў­риш бар­обари­да улар­нинг хат­ти-ҳа­ра­кат­ла­ри кенг жа­моат­чи­лик ораси­да му­хо­ка­ма қи­ли­няпти. Қо­ла­вер­са, ҳу­ду­д­да­ги кам таъ­мин­лан­ган, бо­қу­ви­си­ни йўқот­ган оилалар­дан ҳам ха­бар олиб, ба­ло­ғат ёш­га ет­ган ёш­лар­ни илм-ҳу­нар эгал­ла­ш­ла­ри­га яқин­дан ёр­дам бе­ри­лмоқ­да.

Ше­ра­ли АН­ВА­РОВ,
Ўз­бе­кис­тон Ре­спу­бли­ка­си ИИВ
Ма­ла­ка оли­ши­риш ин­сти­ту­ти хо­ди­ми.

Замонамиз ёшлари кимдан ўрнак оляпти?

ЁШЛАРНИНГ БУ ХАТТИ-ХАРАКАТИНИ ҲАР БИРИМИЗ ҚОРАЛАЙМИЗ, УЛАРНИНГ БУНДАЙ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИШИНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ КАМЧИЛИК ДЕЙМИЗ, ЛЕКИН КЎПЧИЛИГИМИЗ ШУ ПАЙТГАЧА БУНДАЙ ЁШЛАР БИЛАН СУХБАТЛАШИБ, ОРЗУ-НИЯТИНГ НИМА, ҚАНДАЙ МАҚСАДИНГ БОР, ДЕБ СЎРАМАГАНМИЗ

Авалроқ бошига чиқинди челагини кийдириб, бувиси тенги онахонни калака қилган ўспиринларнинг хурмача қилиги, кейинчалик Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳайкали устига, ҳаттоки, унинг бошига ўтириб олган ёшлар, энди эса трамвайдаги йўловчиларнинг юзига аэрозол суюқлигини сеппиб қочаётган мактаб ўқувчилари...

Хўш, сўнгги бир йил нариберисиде Самарқанд вилоятида ёшлар, айниқса, ўспиринлар иштирокида рўй берган ҳамда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган бу воқеаларнинг таъзамирида нима ётибди? Аслида бу воқеалар кўпчиликка маълум бўлганлари. Маълум бўлмаганлари яна қанча? Умуман, ёшлар тарбияси, уларни «ҳар томонлама камол топтириш» борасида амалга оширилаётган юзаки «тадбир»ларимизнинг натижаси эмасмикан бу?

«Тўқликка шўхлик» деганлари шуми?

Этибор қилган бўлсангиз, юқоридаги воқеаларнинг иштирокчилари, асосан, шаҳар мактабларининг ўқувчилари. Ҳақли савол туғилади: нима учун ёшлар орасида юз бераётган ҳуқуқбузарлигу жиноятларнинг аксарияти яшаш шароити нисбатан яхши бўлган шаҳарларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда? Нима бу, тўқликка шўхликми?

Аслида кишлоқ боласида бунақа ишлар учун вақт ҳам, шароит ҳам йўқ. Ҳозир уларнинг кўпчилиги далада, ота-оасининг ёнида меҳнат билан банд. Ҳар куни ишдан қайтаётиб, саратоннинг жазирама офтобиде қуйиб пахта чопиқ қилаётган ёки ғалладан бўшаган майдонда тиззасидан тупроқ кечиб, ота-онаси ёнида экин экаётган, ёзи татилини оромгоҳларда эмас, ариқ бўйлари, яйловларда мол боқиб ўтказётган кишлоқ болаларини кўраман. Улар шаҳар ёшларидек гўзал истироҳат боғларию оромгоҳлар, тунги клублари театрлар, концерт заллариға боролмайди. Чунки бу болалар боқайтган кўйи тезроқ семирса, эртага мактабга бориши учун кийим-бош, дафтару китоб бўлишини, бугун тупроққа қадаётган қартошқа ёки ловияси эртага унинг дастурхонига нон бўлиб келишини яхши билади. Сабаби, уйдаги тарбия, оиладаги муҳит шунга қаратилган.

— Тўрт ўғил, икки қизим бор, кишлоқдаги фермер даласида

оиламиз билан ишлаймиз, — дейди иштихонлик Шавкат Турдиев. — Қилган меҳнатимиз эвазига фермер бизга галла, ғалладан бўшаган майдонга иккинчи экин экин учун ер ажратиб беради. Ризқимиз, бир бурда нониимизни петиона тери билан топамиз. Менимча, болаларни ёшлигидан меҳнатга ўратилиш керак. Ёшлар қаерда меҳнат билан банд бўлса, ўша ерда бунақа воқеалар бўлмайди. Хўш, шаҳарда-чи? Уйда дастурхон тўқин, қаерга борса тағида машина,

моғи лозим. Мактаб ҳам, қолган жамоат ташкилотлари ҳам бу борода ота-онадан анча кейинда туради.

Юзига тиббий никоб таққан ўсим трамвайга чиқиб, йўловчиларнинг юзига суюқлик сепаган. Нега? Нима учун? Ахир, ўша суюқлик... худо кўрсатмасин, кислота бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Бу «кахрамонлар» сакзис нафар. Ҳаммаси мактаб ўқувчиси. Энг ёмони, уларнинг орасида кизлар ҳам бор!



ота-онаси қўлига пул бериб турибди. Уйдагилар ишга кетишди. Айни ўтмиш жараёнида турган ўспирин уйда, катта ҳовлида гирт бекорчи. Сал ақли ишласа, китоб ўқиса, бирор тўғаракка қатнаса-ку, яхши. Аммо бундай бўлмаса-чи? Телевизор қаршисига ётиб олиб, куни билан сериал ёки ур-сурдан иборат кино кўради, интернетдаги тўтуруқсиз сайтларга киради. Бунинг натижасида кўчага чиқиб, юқоридагидек хурмача қилиқлар қилади.

Ёшлар ҳаётига қизиқмаётганимизга анча бўлди...

Хўш, ёшларнинг миясини захарлаётган ғалаги «эрмак»лар қаердан пайдо бўляпти? Нахотки, улар шу қилиғи билан хузуранса? Бу ҳаракатларини қахрамонлик ҳисобласа? Бошқа эрмак топилмаётганими?

— Бизнингча, уларнинг қўлига бериб қўйганимиз — қимматбаҳо телефону смартфонлар ёшларнинг онгани, миясини захарлаётган ўргимчак тўрларидир, — дейди Самарқанд давлат университети профессори Фарҳод Набиев. — Рўй бераётган жисмонийлар, ҳуқуқбузарликларнинг асосий илдизи ҳам ана шунда. Яна бир гап. Оилада фарзанд тарбияси учун, энг аввало, ота-она масъул бўл-

Бу нимани англа-тади? Демак, ўспиринлар билан ҳеч ким жиддий шуғулланмапти. Соатлаб тадбирбозлик, мажлисбозлик қилгандан кўра, ёшлар ҳаётига тийрак кўз билан этибор қаратиш маъқул эмасми? Таассуфки, келажакимиз бўлган ёшлар ҳаётига қизиқмаётганимизга анча бўлди. Биз кўпроқ ўз ҳаловатимизни ўйлаймиз, бошқаларга нисбатан беларвомиз. Бу лоқайдлигимиз ёшларни тобора дангаса, бекорчи, боқиманда ва шафқатсиз қилиб қўймоқда.

«Самарқанд учун ярашмаган иш бўлди»

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси маълумотиға кўра, юқоридаги воқеа «Темирйўл вокзали — Сартепан» йўналишидаги 1-трамвай «Чой қадоклаш фабрикаси» бекатида тўхтаб турган вақтида содир этилган. Шу куни соат 19:40 атрофида 2003 йилда туғилган Д.Т. трамвайга чиқиб, йўловчиларнинг юзига номаълум суюқлик сепади. Йўловчилар орасида бўлган, унинг олдиндан келишган «шериклари» эса агаини ўзларини хушини йўқотганликка солишди. Трамвайдаги бошқа йўловчилар эса воқеадан қўрқувга тушиб, қочиб кетишди.

Олиб борилган тезроқ суриштирув ҳаракатлари натижасида «сахнаштирилган» «панк»

Самарқанд шаҳрида яшовчи, ўзаро таниш бўлган 8 нафар вояга етмаган шахс — 5 нафар ўғил бола, 3 нафар киз томонидан ташкил этилгани ва улар ўртасида ушбу «сахна»даги роллар ўзаро тақсимлангани аниқланди. Улар худуддаги 33-, 42-, 43-умумтаълим мактабларида тахсил олишди.

Хўш, ўқувчилар нега бу ишга қўл урди, улар кимнинг фарзанди, қайси маҳаллада яшайди?

— Ушбу ҳолат ҳақида маълумот олганимиздан сўнг вилоят ички ишлар, халқ таълими бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъуллари билан биргаликда ўқувчилар таълим олаётган муассасаларда бўлди, ота-оналар, маҳалла аҳли билан учрашдик, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Ғофур Бобобеков. — Воқеани келиб чиқиши омиллари муҳокама этилди. Ҳеч ким бу ёшлардан бундай ҳаракатни кутмаганини маълум қилди. Албатта, бу барча учун қутилмаган ҳолат бўлса-да, аввало, Самарқанд учун ярашмаган иш бўлди. Бунинг учун ота-оналар ҳам, таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам, маҳалла ва ёшлар ташкилоти ҳам айбдор.

— Набирамнинг тарбиясига ҳозирча мен масъулман ва унинг бу ишга аралашиб қолгани учун барчадан узр сўрайман, — дейди воқеа иштирокчиларидан бири бўлган Р.Б. нинг бувиси Лола Муҳаммадиева. — Этимборсизлигим, унинг ким билан дўстлашгани, нима иш билан машғуллигидан беҳабарлигим туфайли бу воқеа содир бўлди. Энди набирам таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланаман.

— Бу ўқувчиларимиз мактабда яхши ўқийди, ўтказиладиган оммавий ва маданий тадбирларда ҳам фаол иштирок этар эди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Гулноза Худойқуллова. — Шу боис маъқул ҳуқуқ ҳолат ҳақида эшитганимизда аввало эшонмадик. Ўқувчилар айни пайтда таълимда бўлса-да, уларнинг бундай номақбул ишларга қўл уришига биз ҳам ўзимизни айбдор деб биламиз.

Маҳалла фаоллари нима дейди?

Маъқул ўқувчилар яшайдиган Самарқанд шаҳридаги «Кат-

таарик» ва «Юлдуз» маҳалла фуқаролар йиғинларининг оксоқоллари, фаоллари ҳам ҳолат юзасидан ўз муносабатларини билдиришди.

— Воқеа етмаган ёшларнинг бу хатти-ҳаракатини ҳар биримиз қоралаймиз, уларнинг бундай ишларга қўл уришини таълим-тарбиясидаги камчилик деймиз, лекин кўпчилигимиз шу пайтгача бундай ёшлар билан суҳбатлашиб, орзу-ниятинг нима, қандай мақсадинг бор, деб сўрамаганмиз, — дейди «Каттаарик» йиғини раиси Меҳриддин Орипов. — Бугун таълим пайтида болалар вақтини қаерда, қандай машғулот билан ўтказаяпти — буни нафақат ота-оналар, аслида маҳалла-қўй ҳам сўраши керак. Афсуски, маҳаллаларимизда болаларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказишни учун имконият йўқ. Ўзимизнинг худуд мисолида айтадиган бўлсам, болалар майдончаси шу қулларда автотураргоҳга айланиб қолган. Шундай бўлса, болалар қаерда ўйнасин, вақтини қаерда ўтказсин? Интернет-кафега боради, телефонда турли ўйинларни ўйнайди ва охири-оқибат мана шундай ҳолатлар келиб чиқибди. Бугун маъсулиятни бир-биримизга ташламасдан оила ҳам, мактаб ва маҳалла, қўйи-қўшини ҳам ҳар бир бола тарбияси, келажак учун жавобгар эканини ҳис қилиши керак. Бу болалар билан содир этган вазият барчамизга сабоқ бўлиши лозим.

Воқеа юзасидан билдирилган мулоҳазалардан англашилган асосий фикр шу бўлдики, кўпчилик ота-оналар фарзандларини бобо ва бувилари ёки бошқа шахслар ихтиёрига топшириб, хоризга ишга кетаётгани улар тарбиясига салбий таъсир қилмоқда. Ҳар бир ота-она фарзандининг бекаму кўст улғайишини истайди, аммо унга биринчи навбадга, уларнинг тарбияси, ўғити, шахсий ибрати зарур. Ҳеч нарсадан зорикмай ўсган фарзанднинг тарбиясида кемтиклик бўлса, уни кўча муҳити тарбияласа, ота-онанинг бугун чекаётган шунча заҳмати эртага бир пул бўлиши, барча орзу-умидлари саробга айланиши ҳеч гап эмас.

Мулоҳазаларнинг атоқли адиб Абдулла Авлонийнинг қанча вақт ўтса-да, ўз қадрини ва аҳамиятини йўқотмайдиган қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат... масаласидир».

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Ёнғинлар ёлғонлардан пайдо бўляптими?



ЁЛҒОН ХАБАРЛАР, НОТЎҒРИ МАЪЛУМОТЛАР НАФАҚАТ СТАТИСТИКАНИ ОШИРИШ, БАЛКИ ХАЛҚ ОРАСИДА ЯНГЛИШ ТУШУНЧА ШАКЛЛАНИШИГА ҲАМ САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда республикамиз бўйлаб содир бўлаётган ёнғинлар ҳақидаги хабарлар бот-бот қулоққа чалинмоқда. Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳрида бир кечада учта йирик мажмуа, жумладан, 2 та кафе ва қурилиш материаллари савдосига ихтисослашган «Бектўпи» бозорининг дўконларга туташган омборларида кучли ёнғин чиқди. Ҳавонинг иссиши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги оқибатида ёз фаслида ёнғинлар сони ортиши табиий. Шу боис ҳаммиша хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, огоҳ туриш ҳам молингиз, ҳам жонингиз бутунлигини қаролатлайди.

Олов чиндан тилсизми?

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз бўйлаб 5 мингга яқин ёнғин ҳолатлари қайд этилган, — дейди Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Ёнғин назорати ва профилактикаси бошқармаси бошлиғи Даврон Қамбаров. — Бир савол туғилади: наҳотки, юртдошларимиз ўз моллари ва саломатликларига шу даражада безътибор бўлсалар. Ахир, бир неча йиллардан буён юртимизда мунтазам ўтказиб келинаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ёнғинлар профилактикаси куни» доирасида аҳоли билан олов ортидан келган талафотлар, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш масаласида тарғибот ўтказамиз, жонли мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Бироқ айтилган гапларнинг барчаси гўё тадбирлар доирасида қолиб кетаётгандек. Оловни «тилсиз ёв» деймиз. Бироқ эътибор бериб қаралса, ҳар бир ёнғин бизга ниманидир «сўзашга» уринади. Масалан, ушбу кўнгилсиз ҳодисаларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшаб кетади. Яъни бирор ёнғин ҳақидаги хабарни ўқиганда унинг тафсилотлари, келиб чиқиш сабабларига эътибор берган одам ана шундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун

ўша камчиликларнинг олдини олиши лозим.

Ёлғондан кўпайган ёнғин

Ўтган ҳафта ёнғин билан боғлиқ хабарларни эълон қилишда оммавий ахборот воситалари жуда фаоллашди. Айниқса, ижтимоий тармоқлар, ахборот сайтларида ҳар куни республиканинг турли бурчакларида ёнғинлар содир бўлаётгани ҳақида янгиликлар берилди. Ахборотларнинг узлуксиз узатилиши ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан бу борада етарли иш олиб борилмаяпти, деган фикрни уйғотиши мумкин. Шу боис бошқармага ушбу масала юзасидан муурожаат қилдик.

— Бугунги ахборот асрида дунёнинг нариги четида содир бўлган воқеа бир неча соғинар ичида сайёрамизнинг бошқа бурчагига етиб боради, — дейди Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЁХББ ОАВ билан ҳамкорлик қилиш бўлими раҳбари, подполковник Жалолиддин Ҳақимов. — Бу жараёнда энг муҳими, тўғри ахборотни асррата билишдир. Афсуски, содир бўлган ёнғинлар билан боғлиқ нотўғри ва ёлғон маълумотлар ҳам тарқатилмоқда. Ачинарлиси, баъзи оммавий ахборот воситалари ҳам ана шу маълумотларга ишониб, текширилмаган ахборотнинг ёйилишига ҳисса

қўшишаётир. Хусусан, куни кеча ижтимоий тармоқларда «Тошкент вилояти Қибрай туманидаги савдо-кўнгилочар масканларидан бирида ёнғин содир бўлди» дея маълумот берилган. Ваҳоланки, ёнғин хавфсизлиги бўлиmlарига бу ёнғин ҳақида ҳеч қандай хабар келиб тушмаган. Маълум бўлишича, мазкур ёнғин анча аввал содир бўлган ва ўз вақтида бартараф этилган. Бироқ ўша даврда олинган видеотасвири бугунги кун билан боғлаб халққа ёлғон маълумот беришдан мақсад нима? Афсуски, бу каби сохта ахборотлар тез-тез учраб турибди. Бу эса халқ орасида ёнғинлар билан боғ-

лиқ вазият юзасидан нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Таҳлил ва оқибатлар

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 2019

— Афсуски, ёнғин келтирган талафотлар ҳам салмоқли. Хусусан, олиб борилган ишларга қарамасдан жорий йилнинг ўтган даврида республика ҳудудида жами 4785 та ёнғин қайд этилиб, ушбу кўнгилсиз ҳодисалар оқибатида 64 нафар инсон ҳалок бўлди, 147 киши тан жароҳати олди.

Эътиборлиси, содир бўлган ёнғинларнинг 72,3 фоизи аҳоли яшаш жойлари, 13 фоизи тадбиркорлик субъектлари объектлари, 5,6 фоизи транспорт воситалари ва 1,7 фоизи давлат тасарруфидаги объектларда юзага келган. Яъни ёнғин, асосан, аҳоли гавжум жойларда содир бўлган.

Ёнғинларнинг 32,6 фоизи очиқ оловдан эътиётсизлик билан фойдаланиш, 31,3 фоизи электр ускуналарини қўллаш қоидаларининг бузилиши, 16,7 фоизи иситиш печларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, 9,1 фоизи болаларнинг ишўхлиги ва 4,3 фоизи транспорт воситаларидан фойдаланишдаги хатоликлар туфайли содир бўлган.

Таҳлиллар ишчи кўрсатадики, ёнғин содир бўлган масканларнинг аксариятида хавфсизлик масалаларига етарли эътибор қаратилмаган. Шунингдек, фуқароларнинг ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаси етарли эмаслиги ундан келаётган талафот салмоғининг ошишига сабаб бўлади.

Уйим қуймасни, десангиз...

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, эътиборли бўлиш, бу — офатдан асраши ҳақида бир неча йиллардан буён тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бироқ шунга қарамай, аҳолининг эътиборсизлиги туфайли бу борада кўзланган максадга эришиш кийин бўлаётир. Қизик, халқимизда огир ҳолатга тушган, бор-будидан айрилган одамга нисбатан «уйи қуйди» ибораси қўлланилади. Бироқ чиндан уйи қуйиб қолиши мумкин бўлган вазиятга нега кўпчилигимиз жиддий эътибор қаратмаймиз? Маҳаллаларимиз, уйимиз тинчлиги, молимиз ва жонимизни асраш учун жиддийроқ ҳаракат қилиш вақти келмадими?

Фарход ТОЛИПОВ
«Mahalla»



лиқ вазият юзасидан нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

«Жазирамада икки хисса эътиборли бўлиш лозим»

2019 йилнинг 7 июль куни Тошкент шаҳри Бектемир тумани «Бинокор» маҳалласи Обод ер кўчасида содир бўлган ёнғин маҳалла аҳлини сергак торттирди.

— Ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида

йилнинг ўтган 6 ойна давомида ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида 12 минг 712 та бино ва иншоотларда ёнғин келиб чиқиш хавфининг олди олинган. Содир бўлган ёнғинларни ўчириш вақтида қўрилган тезкор ҳаракатлар натижасида 24 киши қутқарилган, 154 млрд. сўмдан зиёд бино ва иншоотлар қурилмалари ва 54 млрд. сўмдан ортик моддий бойликлар сақлаб қолingan.

— Бир қараганда булар ижобий натижалар. — дейди Жалолиддин Ҳақимов.

Ичкилик — миллатни ичидан емирувчи иллат

БУГУНГИ КУНДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКНИНГ ЗАРАРИ ВА АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲАР ҚАНЧА ГАПИРИЛСА-ДА, АЙНАН ШУ КАБИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОНЛАР СОНИ КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИДАН ҲАМ КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ

«Ичкиликбозликдан жуда кўп одамлар, уларнинг оилалари ва атрофдагилар азият чекмоқда: бу зўравонлик, жароҳатлар, психик муаммолар, саратон ва инсульт сингари касалликлар демакдир. Инсоният учун жиддий таҳдид ҳисобланувчи бу ҳолатнинг олдини олиш учун фаолроқ чоралар кўриш пайти келди».

Теодрос Гебреесус,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг глобал муаммоларидан бирига айланган ичкиликбозлик, минг афсуски, бизнинг жамиятимизга ҳам ёт эмас. Бу иллат ортидан оилалар мустаҳкамлигига путур етмоқда, зўравонлик, қотиллик каби муҳиш жиноятлар содир этиляпти. Кўз ўнгимизда юз бераётган ана шундай ҳолатларга қарши олиб борилаётган ишлар етарлими? Таассуфки, онда-сонда бўлса ҳам учраб турган фожиавий ҳодисалар бу борадаги камчиликлардан дарак бермоқда.

Ўн минг сўмдан чиққан жанжал қайноғанинг ўлими билан тугади

Чуқлиқ Мансур Очилов (исм-фамилияси шартли) кейинги вақтларда спиртли ичимликлар истеъмолига ружу қўяди. Ана шундай кунларнинг бирида кўчага чиқаркан, махалладош оғайнинини учратди. Ўзаро суҳбат ичкиликка бориб такалди. Шу пайт рўзгор учун отасидан пул олиб, бозорга кетган аёли қайтиб келди.

— Ўн минг сўм орттириб келдингми? — сўради эр.

— Йўқ, орттири олмадим, — жавоб қилди аёл.

Шу биргина гап инсон умрига зомин бўлди. Чунки «йўқ» деган сўзни эшитган эр жанжал чикариб, маҳаллани бошига кўтарди. Калтакланган, хўрланган аёл отасини чақиртирди.

«Эрақ бўлиб бир рўзгорни эпламайсану хотин уришни ким қўйибди сенга?!» Бу таъна куёвга ёқмади. Боз устига, у алампозда эди. «Сўз жанг» калтакбозликка айланди. Кекса отасининг бошига куракча билан тушаётган зарбалардан юраги ортга тортиган аёл эрининг қўлига ёпишиб, уни тортиб олди. Аммо куёв ошхонага югуриб бориб, болта билан қайтиб чиқди. Ҳоли қуриган, кўрқиб кетган ота қоча бошлади. Бирок атиргул новдасига ялғиниб кокилди. Важохат билан етиб келган куёв эса вояга етмаган, чиркиллаб турган фарзандлари кўз олдига болгани қайноғанинг бошига солди...

— Содир этилган ушбу жиноят ва унинг келиб чиқиши сабаблари жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судида атрофлича кўриб чиқилди, — дейди



ДАРВОҚЕ:

Спиртли ичимликларнинг инсон саломатлигига ҳам жиддий таъсири бор. Хаттоки, кичик миқдордаги спиртли ичимлик ҳам қон босимини кўтариб, инсультнинг юзага келиши хавфини оширади. Буюк Британия ва Хитой олимлари 10 йил давомида 500 минг нафар хитойликни кузатганлар. Олимлар фикрига кўра, тадқиқот натижалари барча миллатларга мос тушади. Олимлар мазкур натижаларни алкоғолнинг танага тўғридан-тўғри таъсирини намоён қилувчи энг яхши далил сифатида тасвирлаган.

Тадқиқотни олиб бorgan Оксфорд, Пекин университети ва Хитой тиббий фанлар академияси олимлари қуйидаги хулосаларни тақдим қилган: кунига бир ёки икки марта алкоғоль ичиш инсульт хавфини 10-15 фоизгача, кунига тўрт марта ичиш эса инсульт хавфини 35 фоизга қадар оширади.

Олимлар хулосасидан «хулоса» чиқариш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

фарқи борми?! Афсуски, ичкилик оқибатида Мансурнинг қалб кўзи сўқирлашиши ана шундай оқибатга олиб келди.

Кўпинча шундай воқеалардан кейин «туша-тузук оиланинг фарзанди эди», деган гапларни эшитамиз. Аслида эса бу оилаларда нимадир ичдан дарз кетган. Яна бир мушоҳада: бизда кўпалаб жамоатчилик ташкилотлари мавжуд. Махалла, нурунийлар, оила, хотин-қизлар, ёшлар муаммолари билан шугулланувчи идоралар бор. Улар шу каби нотинч оилаларнинг ичига кириб бора оляптими?

— Тақдирлар шунинг қўрсатмоқдаки, жойларда ичкиликбозлик-

нинг олдини олиш, унга йўл қўймастик борасидаги ишлар етарли даражада эмас, — дейди жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди суд амалиётини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Акрамжон Арипов. — Натижада юқоридаги ҳолатга ўхшаш воқеалар тез-тез учраб турибди. Масалан, яқинда куёвини ўлдириб қўйган қайнота ёки қайноқаси умрига зомин бўлган поччанинг қилмишларига ҳам адолатли ҳукм ўқиди. Шу ўринда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда оила аъзолари, яқинлари ҳаётига оқибати ўлимга олиб келувчи жиддий тан эсроҳатлари етказилмаган тап тортимаётган кишиларнинг суд курсисига ўтириб, чекаётган пушаймонлари чексиз эканини таъкидлаш жоиз. Zero, ичкилик таъсирида қилгилликни қилиб, унинг таъсири кетгач, минг тавабало қилган билан хатони тузатиб бўлмайди.

Касални даволагандан, олдини олган афзал

Бугунги кунда спиртли ичимликнинг зарари ва аянчли оқибатлари ҳақида ҳар қанча гапирилса-да, айнан шу каби маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар сони кўпайиб бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

— Маҳалла суҳбати яқин жойда иллати дўкон очилгач, тинчимиз бузилди, — дейди Наманган туманидаги «Чорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Ваҳобжон Мадалиев. — Айрим «уддабурон»лар шу дўкон ёнида қабоб ва бошқа таомларни тайёрлаб, ичкиликка широк яратиб бераётгани «дард устасига чипқон» бўлмоқда. Айниқса, оқимга яқин аришге уясидек гав-жумлашадиган бу жойдан ўтмиша тўғри келса, уят, андишани йиғиштириб, турли номақбул хатти-ҳаракатларни содир этаётган ёшларни кўриб, тавашшанамиз. Афсуски, буларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш қийин кечляпти. Ахир, спиртли ичимлик сотаётган дўкон эгасининг ҳам, ёнида фаолият кўрсатаётган оиҳонанинг ҳам тегишли руҳсатномалари бор-да?!

Лекин мана шундай масканларда кайфу сафо қилиб, оиласини хароб ахволга солиб қўяётган, инсоний қиёфасини йўқотаётганлар тақдирини ким ўйлайди? Юз бераётган ажримлар, содир этилаётган жиноятларини-ку қўя турайлик, маҳалла фуқаролар йиғинларига бош оғриги бўлаётган нотинч оилалар, ноқобил ота-оналарнинг пайдо бўлиши ақсарият ҳолатларда шунга боғлиқ бўлиб чиқаётгани ачинарли.

Яна Расуллоҳ (Мухаммад с.а.в.) айтдилар:

«Ал хамру жаммул исми ва уммул ҳабоси». Яъни «Ароқ гуноҳнинг хазинаси ва барча ёмонликларнинг онаси».

Бунга ҳаётини далиллар жуда кўп ва ҳўб топилмоқда. Фақат улар кимларнингдир қалб кўзини очиши, ичкилик ортидан қўлини қонга бўяган ва бугун афсус-надоматда панжара ортда ўтирганлар пушаймони кўпга ибрат бўлмоғи лозим.

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Даволаниш ҳуқуқи борми?



— Ичкиликка муқассидан кетган шахсларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш тартиби қандай?

С.САЛИМОВА,
Самарқанд шаҳри.

Фазилат ҲАКБЕРДИЕВА,
юрисконсулт:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тўғрисида»ги қароридан бу хусусида алоҳида тўхталган.

Алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган ҳамда соғлиқни сақлаш органларининг наркологик муассасаларида даволанишдан бўйин товловчи, жамоат тартибини, бошқа шахслар ҳуқуқини бузувчи ёки аҳолининг саломатлигига ва маънавияти хавфсизлигига таҳдид қилувчи беморлар

юборилади. Даволаш муддати тўғрисидаги масала даволаш муассасаси томонидан комиссия тартибда, бемор даволаш учун жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун муддатда хал этилади.

Беморларни мажбурий даволаш шахс даволанаётган даволаш муассасасининг комиссия қарори асосида тўхтатилади. Даволаш муддати 1,5 йилдан ошмаслиги керак.

Қайд қилиб ўтилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги материаллар тиббиёт хулосаси бўлган тақдирда ички ишлар органлари томонидан ўзининг ташаббуси билан, ёхуд беморнинг оила аъзолари ёки қариндошлари, меҳнат жамоалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича комиссияларнинг тақдимномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Мажбурий даволашга юбориш масаласи 20 кун муддатда бемор яшайдиган жойдаги суд томонидан унинг иштирокида хал этилади. Бемор узрли сабабсиз судга келмаган тақдирда у ички ишлар органлари орқали мажбурий равишда олиб келиниши керак.

Олий суд раиси БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили билан учрашди.

Хисоботларга кўра, жорий йилда Андижон вилоятига ташир буюрган сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 бараварга ошган. Расмийлар ҳудуддаги туризм тараққиётига амалга оширилаётган қатор ислохотлар сабаб эканини таъкидлапти. Жумладан, беш йил илгари вилоятда атиги иккита меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 16 тага етди. Жорий йилнинг ўзида яна 9 та янги меҳмонхона фойдаланишга топширилади. Туроператорлар эса икки йилда 10 тадан 27 тага етказилди. АҚШнинг «PHOTOGRAPHY LIFE» ижодий гуруҳи ҳамда Туркиянинг «TRT» канали ижодкорлари вилоятнинг диққатга сазовор масканлари тўғрисида кўрсатув тайёрлаб, дунёнинг 143 та мамлакатига эфирга узатди.



Дарахт устидаги чойхона сайёҳларни ўзига чорламоқда

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ КЎРСАТУВ 143 ТА ДАВЛАТДА ЭФИРГА УЗАТИЛДИ

Соҳани ривожлантириш, вилоятда турли кўнгилочар, кизикarli лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бу галги мавсумда, айниқса, урфга кирди. Меҳмон уйлари мезбонлари сайёҳлар учун ажабтовур дам олиш усулларини таклиф қилмоқдалар. Бу гал улардан бири — Марҳамат туманидаги «Бобохуросон» маҳалласида яшовчи салкам саксон ёшани қаршилаган Юнусали Ғозиев ўйлаб топган «дарахт устидаги чойхўрлик» тўғрисида хикоя қиламиз.



Дарахт устида чойхўрлик

Юнусали отанинг меҳмон уйидаги ғаройиботлар сайёҳларни лол қолдирмоқда. Ю.Ғозиев машҳур дорбоз Тошкен-

боевларнинг шогирдларидан. У бармоқдай сим устида дунёнинг ярмини айланиб чиқди. Кейинчалик кишлоғига қайтиб, 1985 йили «Андижон само»си дорбозлар гуруҳига асос солди. Фарзандлари Алижон, Муроджонларни ёнига тортиди. Бугун

набиралари Диёрбек, Дурдона, Давронбек ва Акбарали ҳам самода парвоз қилишни ўрганиб, томошабинларга қувонч улашмоқдалар.

Ўзбек миллий цирк санъати анъаналарини давом эттириш, уни янги ғоялар, урф-одатлар, миллий-маънавий қадриятлар билан бойитишга аҳд қилган отахон салкам бир гектарли ховлисидан ўтган катта ариқни кетмон билан чопиб, кирғокларига ишлов бериб, 180 метри этнографик «музей» барпо қилди. Закан кирғокларидаги тут, олма, бехи дарахтларига шакл бериб, уларнинг устига ўриндиклар

ўрнатди. Бир дарахтда саккиз киши бемалол шахмат ўйнаши мумкин. Иккинчи дарахтда эса айланма чархалак бор. Яна бирида бемалол чойхўрлик қилиб, салкам 200 метрли ариқда қувлашмачок ўйнаётган баликлар, кирғокдаги ярим ғор шаклидаги сунъий «кузатув масканлари»ни томоша қилишингиз мумкин. Кирғок устидаги, кенг далага туташ каровисиз ҳудуд ҳам Юнусали аканинг меҳнатидан, меҳридан «бахра олди». Бу ерда экобоғ ташкил этилди. Боғдаги йўлакларда сайр этсангиз, анвойи гуллар ифорино, сархил мевалар хилдан гўё ўзингизни жаннатда юргандай сезасиз.

Борди-ю, бу манзаралар ҳам сизни ҳайратга солмаса, ҳовли саҳнига ўрнатилган катта сим дорда «Андижон само»си гуруҳи иштирокидаги ўйинлар, тош кўтариш машқлари, акробатларнинг чикишлари ва кизикчиларнинг маҳорати эътиборингизни тортиши аниқ.

Яқинда бу ҳайратлар хонадонига атайлаб Польшадан меҳмон келди. У ўз мамлакатда чиқадиган газеталардан бирида Юнусали Ғозиев оиласи ҳақида ўқиган экан. Миллий — этно ва эко боғдан қайтишда меҳмон ўз таассуротларини шундай изоҳлади.

— Ажойиб, қойил... Газетада ёзилганидан ҳам гўзал, бетакрор ҳовли экан. Энди бу даргоҳга яқинларимиз даъват этаман, — дейди польшалик Инга Вишневская.

Мухтарам Президентимизнинг миллий туризмни ривожлантириш тўғрисидаги қатор қарорларидан сўнг Юнусали Ғозиевнинг хонадонидagi ҳаракатлар янада жонланди. Энди чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш, шарт-шароитлар яратиш, замонавий ётоқхона ва бошқа маиший бинолар қуриш ишлари жадал олиб бориляпти. Манашу бунёдкорликдан севинган вилоят ҳокими отахонга «Spark» автомобиллини совға қилди.

ДАРВОҚЕ:

Асални меҳмонлар йиғиб оляпти!

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси Олтинқўл туманидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги, Асака туманидаги асалари-чилик, асални қайта ишлаш ва кадоқлашга ихтисослашган «Олтин асал агро» МЧЖ, Хўжаобод туманидаги балиқчиликка ихтисослашган «Қора Амур» фермер хўжалиги, Хонобод шаҳридаги Андижон сув омбори яқинидаги Тошоҳур ўрмончилик бўлими негизда сайёҳлик масканларини ташкил қилган эди.

Бу ерда турли мамлакатлардан, юртимиздаги йирик шаҳарлардан ташир буюрган меҳмонлар асал йиғиш, уни кадоқлаш, балиқ овлаш, чорва молларини соғиш каби кўнгилочар ишларга жалб қилиниб, кишлоқ одамлари ҳаёти билан яқиндан таништирилмоқда.

Ҳам соф ҳаво, ҳам яхши даво

Туманда агро ва тиббий туризмга ҳам эътибор кучайиб борапти. Зоотехник Муҳаммадборан Исахонов Улуттоғ ёнбағирларидан 80 гектар лалми ер олиб, эчкичиликка асос солди. Табиий гўшлар билан озқиланган хайвон сути минг бир дарига даволиги кўпчиликка маълум. Ҳозирданок бу шиғабаш суғта талаб юқори. Яқин орада тоғ этакларида енгил конструкцияли шийпонлар қурилиши режалаштириляпти. Тоғолди туманининг гўзал табиати, мусавфо ҳавоси, ширин-шакар мевалари сайёҳлар оқимининг кўпайишига муҳим омил бўляпти.

Яна бир тadbиркор Акмал Нурматов «Пахтакор» маҳалласи ҳудудида балиқчиликни ривожлантиряпти. Қўл ўртасидаги оролга сайёҳлар учун пансионат барпо этмоқда. Ушбу лойиҳа учун 52 миллиард сўм сарфланмоқда.

Марҳаматлик тadbиркорлар Тўлқин Умаров «Гаргар», Қобилжон Обидов «Марҳамат» маҳаллаларида тиббий туризмни йўлга қўйди. Миллий таботаб ва анъанавий тиббиёт ютуқлари асосида олиб борилаётган даволаш ишларидан саломатлигини мустаҳкамлаш учун келган меҳмонлар минатдор бўлмоқдалар.

Бугунги кунда вилоятда тоғ ва экстремал, шунингдек, археологик туризмни ҳам жадал ривожлантириш чоралари қуриляпти.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»



МЕНДА САВОЛ БОР...

Карвонсаройлар қуриляпти

— «Марҳамат — Қува» ва «Марҳамат — Асака» магистраль йўли ёқаларида сайёҳлар учун ишиотлар қуриляётгани ҳақида эшитдик. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Д.ДАВЛАТОВ,
Марҳамат тумани.

Қудратжон ШАРОФИДДИНОВ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси:

— Дарҳақиқат, Марҳамат туманида туризмга оид дастурларни рўёбга чиқариш борасида қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, «Марҳамат — Қува», «Марҳамат — Асака» магистраль йўли ёқаларининг ҳар 2-3 чакирим масофасида махсус этно мухит вужудга келтирилмоқда. Бундан асосий мақсад — қадимий Довон давлати, унинг тараққиёти ҳа-

қида юртдошларимиз ва чет эллик сайёҳларда маълум тасаввур уйғотиш, уларнинг ўзбек миллий-маънавий қадриятларига кизиқишини оширишдир. Таъкидлаш керакки, ана шундай масканлардан бирида Довон давлатида шаклланган меъморий обидаларнинг шакл-шамойили тикланди. Карвонсаройлар, Довон салтанатининг рамзи ва гурурига айланган самовий отлар, маҳобатли миноралар макетлари ишланди.

Сайёҳлар кейинги манзилда ана шу манзаранинг мантқиқий давомили кўрадилар, яъни ўтовлар, кўза ясаётган қуллолар, қум барханлари оралаб қаторлашиб йўлга отланган туя қарвонлари... Энг муҳими, йигирматадан ортақилган бу масканлар бир-бирини тақрорламайди.

Шунингдек, сайёҳларга миллий таомлар — зоғора, қулча, гўжа ош, қуртоб, туршак, шинни (узум шарбати), тут толқони каби няматлар тақдим этилади.

Оилавий қорхона ва ташкилотлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 мартага ошди.

Катқалъа — ҳар бир сайёҳ учун ноёб ва қимматли манзилга айланишга муносиб

Кўҳна Хоразм диёрининг ҳар қаричи сир-синаотга тўла. Эрамиздан аввалги IV-III асрларда Хоразмшоҳ Хисрав томонидан марказий шаҳар сифатида қурилган Катқалъа кўрғони ана шулардан бири.

Хоразм вилояти Шовот туманидан 12 км. узоқликда жойлашган Катқалъа қишлоғидаги мазкур шаҳар харобаларини ўрганиш юртимиз тарихидаги айрим ноаниқликларни тўлдириб, шаҳарсозлик маданияти ва қадимги Хоразм давлатчилиги муаммоларини счишга ёрдам бериши аниқ.

Катқалъани татқиқ этиш, унинг тарихи билан боғлиқ маълумотларни халққа етказишда ана шу қишлоқда туғилиб ўсган зиёли инсон, илм-фан, тарих фидойиси Илҳом Пировнинг хизматлари бекиёс. Тадқиқотчи ўз изланишларида ушбу манзил тарихи ҳақида ноёб маълумотларни қўлга киритди. Қолаверса, И.Пировнинг илмий рисолалари тарихимиздаги айрим чалқашликларга нуқта қўйиб, бор ҳақиқатни юзага чиқаради. Бугунги суҳбатимиз ана шу изланишлар самараси хусусида бўлди.

Манбалар Катқалъа ҳақида

— Катқалъага доир кўплаб тарихий манбаларни ўрганиб чиқдик, — дейди Илҳом Пиров. — Жумладан, 1842 йилда Хива хонлигига келган Г.И.Данилевский Катни ҳам зиёрат қилиб, у ҳақда кўйидагиларни баён қилади: «Кат Хивадан 36 1/2 чакирим (верста) шимолда жойлашган, унча баланд бўлмаган тепалик устига қурилган ва атрофи 500 сажне келадиган девор билан ўралган. Шарқий томонида дарвоза ва кўриқчилар минораси жойлашган. Қалъанинг ичида элликка яқин ҳар хил тилда лойдан қурилган уйлар мавжуд. Дарвоза олдида 2 қатордан қиркка яқин савдо дўконлари жойлашган. Бозор, асосан, ҳафтада 2 марта — чоршанба ва шанба кунлари бўлади. Фақат баъзи бир савдогарлар ҳар кун куруқ мева, тамаки ва майда-чуйда нарсаларни сотиш билан банд бўлади. Шаҳар ҳокими Мухаммад Нисёбодир».

1863 йилда Ўрта Осиёга сафар қилган венгер олим А.Вамбери ўз асарида хонлиқдаги асосий шаҳарларга тўхталар экан, Кат (Қиёт) Гурлан ва Янги Урганч оралиғидаги маъмурий марказ эканини жадвалда кўрсатиб ўтади. Шунингдек, у Ярмиш канали ҳақида маълумот бериб, унинг Катқалъа ёнидан оқиб ўтишини таъкидлайди. Катқалъа арки, асосан, бурчакда, шаҳар дарвозасига яқин жойда жойлашган. Марказда эса жамоат биноси ҳисобланган ибодатхона ёки жоме масжиди қад кўтарган.

«Авесто» ва Катқалъани нима боғлайди?

Қалъадан 1947 йилги экспедицияда ҳосилдорлик ва сув маъбудаси саналган Анахита ҳайкалчаси топилиши унинг милоддан олдин қурилганидан далолат беради. Анахита бу — зардуштийлик динида сув ва ҳосилдорлик ҳудоси. Қадимги Хоразмда кўп асрлар илгари оташпараст-

лар унга сиғинишган. Демак, Катқалъа ана шу узоқ ўтмишлардан дарак беради. Қалъанинг марказий қисмида ибодатхона, ўчоқ ўрни ва ёнган кул қолдиқларининг топилиши бир пайтлар бу масканда ҳаёт кайнагани ифодасидир.

Қалъанинг деворлари турли даврларда қайта тикланган. Баландлиги 10-15 метргача етган. Шарқий томон деворида учта ярим айлана шаклдаги мудофаа миноралари кўкка бўй чўзиб, биттасида тўртбурчак ёғочдан ишланган соқчи минораси, иккитаси орасида ягона дарвоза жойлашган. Ҳозирда дарвозанинг қолдиқлари емирилган ҳолда сақланиб қолган.

Мўғуллар истилосидан сўнг шаҳарда ҳаёт тўхтаб қолган...

Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий кўйидагиларни ҳикоя қилади: «Хоразмликлар тилида Кат — «Чўлдаги девор» маъносини беради». Ана шундай изоҳдан сўнг муаллиф қадимги пойтахт шу давр маълумотларида «ал-Фир ва Мансура» номида ҳам аталлишини баён қилган.

Милодий 305 йилда Хоразмшоҳ Африғ ўз кўрғонини Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрига кўчиради. Уни қайта тиклагач, «Ал-Фир» қасри ичида салобатли сарой қурдиради. (У 994 йилги Амударё тошқинида емирилган.) Ўша замонда Қайхисрав, Саксафдор, Фарасман, Хисров ва Африғ каби ҳукмдорлар «Хоразмшоҳ» унвонига сазовор бўлишган.

Хоразмнинг Чингиз мўғул қўшинлари томонидан ишғол этилиши (1219-1221 й.) кўпчилик шаҳарларда ҳаёт тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Кат узоқ вақтгача, аниқроғи, XVII аср охиригача ҳувилаб ётди. Чунки қазималар чоғида бу ердан XIV–XVI асрларга оид ҳеч қандай манбалар топилмаган. Кейинчалик одамлар бу ерга кўчиб кела бошлади. 1960 йилларда қалъа ичида яшовчи охириги инсон Отахон ака Қурбонов қалъанинг ён атрофидан уй қуриб, кўчиб чиқди. Шунинг билан қалъада яна ҳаёт тўхтади.

Катқалъадаги остонлар ҳақида нималар маълум?

Милодий VI–VIII асрларда куёш нури ёки қизилган кум орқали этидан тозаланган жасақларнинг суяклари остонларда сақланган. Маълумки, зардуштийлар акидасига кўра, инсон ўлимидан кейин унинг жасади махсус минораларда қузғунларга емилингган, суяклари эса махсус ишларда ертўраларда сақланган.

Шу ўринда зардуштийлик динининг урф-одат ва маросимларидан энг муҳими дафн маросими эканини таъкидлаш жоиз. Ҳиндистонда яшовчи баъзи форслар ҳозир ҳам бундай дафн усулидан фойдаланишади. Яъни ёввойи қушлар ейиши учун ўлик танаси махсус қурилмалар (дахмалар)га қўйилади. Гуштлардан тозаланган мурданинг суяклари махсус остонлар-оссурийларда сақланади. Ушбу дафн маросимида зардуштийлик динининг асосий хусусиятлари акс этган. Яъни унга кўра, ҳаёт — маъбуд Ахурмазда тақдир этган илтифот ҳисобланган. Ўлим эса Ахриман томонидан яратилган ёвузлик турларидан бири. Шу боис ўликнинг



танаси ҳаётлик чоғида яхшиликни билдирса, ўлганидан

сўнг харом — ёвузликни англатувчига айланади. Шунинг учун зардуштийликда муқаддас саналган олов, ер, сувга ўлик танани ташлаш, гуноҳ, бу уларни харом қилади, деб ҳисобланган. Гуштлардан тозаланган суяклар одатда сопол ва тошлардан ясалган остонларда сақланган.

Катқалъада ҳам ана шундай остонлар дастлаб шаҳар деворининг ички томонида қўйилган. IX аср охири XII аср бошидан шаҳар деворининг ташқарисига, XVII–XIX асрларда қисман деворларига ва, асосан, шаҳар ташқарисидидаги қабристонларда мазорга қўйилган.

Берунийга бешик бўлган Кат Амударёнинг қайси қирғоғида эди?

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўз ёзишмаларида туғилган масканини Амударёнинг ўнг соҳилидаги Каат шаҳри дея маълумот беради. Аини пайтда эса Катқалъа кўҳна Жайхуннинг чап қирғоғида жойлашган. Шу ўринда Амударёнинг ўз ўзанини бир неча марта ўзгартирганини ҳисобга олсак, Кат шаҳрининг қибла томонидан ўтган дарё кейинчалик ўз ўзанини ҳозирги йўналишига ўзгартирган, дейишга асосимиз бор.

Маълумотларга кўра, 995, 1572, 1949 ҳамда 1969 йилларда Амударё суви тошиб, ёндош шаҳарларни ювиб кетган. 1535 йилда ўз йўлини Туюмўйин томонга буриб тош қатламга урилишидан ҳозирги йўналишига тушган. Амударёни бежизга Жайхун — телба дарё деб аташмаган. У ўзини гоҳ ўннга, гоҳ чапга ташлаб, атрофга кўп талафот етказган. Кат каби муазам шаҳарни — нафакат Хоразмнинг, балки бутун Осиёнинг йирик маданий марказларидан бирини — Жайхуннинг телба тўқиллари ювиб келган. Демак, Катқалъани чуқур тадқиқ этиш Беруний ҳақидаги ҳақиқатларга ҳам ойдинлик киритади.

Археологик манбаларга қараганда, Ўрта Осиёда «Уйғониб даври» IX аср охири XII аср бошларига тўғри келади. Муаррих Шермухаммад Мунининг маълумотларига кўра, Кат қалъаси Анушахон томонидан 1680 йилда қайта тикланган. Чунки эски Кат бу даврда сувсиз қолган эди. Шу сабаб «Ермиш» канали қазилган, унинг тупроғидан хом гишт қуйилиб қалъа тикланишига ишлатилган

Ҳозирги чап қирғоқ Катқалъаси ўнг қирғоқдаги Кат билан тарихан боғлиқми?

Берунийнинг ҳикоя қилишича, IV асрда Хоразмда ҳокимият тепасига Хоразм сиёвушийларининг кичик авлоди, яъни африғийлар сулоласи келади. Хоразмшоҳ Африғ 305 йилда Ал-Фир қасрини қурдиради. Мамлакат феодаллар ўртасидаги ўзаро урушлар гирдобиде қолган бир пайтда Африғ куч билан давлат бирлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бунгача Кат аллақачон барпо этилган эди. Ўрта форс (шахлавий) манбааларида Кат шаҳри Эрон шоҳи Нарсе томонидан барпо этилган дейилади. Х асргача бу ерда Хоразмшоҳлар — Африғийлар қароргоҳи жойлашган. 995 йилда Африғийлар сулоласи тугатилган, Гурганждаги амирлар Хоразмшоҳ унвонини олиб Хоразмнинг ягона ҳукмдорлари айланадилар. Бу пайтда Кат сув тошқинлари натижасида вайрона ҳолатга келиб қолганди.

Катқалъа муҳим туризм объекти бўлишга лойиқдир

1974 йилда ЎзФА Қорақалпоғистон филиалининг М.Мамбетуллаев бошчилигидаги археологик гуруҳи қалъадаги маданий қатламларни очиб, қолган жойларда тозалаш ишларини олиб борганлар. Қазималар чоғида милодий II–III асрларга тегишли бўлган хоразмшоҳ Артавининг қумуш тангаси ва шу танга билан замондош мис танга топилиган. Бу қумуш танга ноёблиги жиҳатидан фан учун қатта аҳамият касб этади.

Қалъа номи қандай келиб чиққан деган савол ҳам ҳозирча мавҳум қолмоқда, лекин оз бўлса ҳам, далиллар бор. Кат — марказий шаҳар деган маънони бериши айрим манбалардан аён. Тошкент қадимда Бинкат — бош шаҳар, дея аталгани ҳам ушбу тушунчага асосланган. Қиёт эса ёндош шаҳар деган маънони беради. Қалъа ҳақидаги бахслар давом этар экан, изланишларни қучайтириш тақозо этилади.

Зеро, муҳтарам Президентимиз юртимизнинг бой туристик имониятларидан унумли фойдаланиш, жаҳон эътиборини мамлакатимиздаги тарихий масканларга қаратиш йўлида қатта ташаббус кўрсатмоқдалар. Ана шундай саъй-ҳаракатлар шамоли Катқалъага ҳам гўзал насимлар олиб келиши, кўҳна шаҳар қолдиқлари Хоразмга келувчи ҳар бир сайёҳ учун ноёб ва қимматли манзилга айланишига ишонимиз.

Юлдуз ХОЖИЕВА
тайёрлади.

Парижда Наманган вилояти текстиль салоҳияти намойиш этилди.

Имони суст одам шубҳа-гумон билан яшайди

СПЕКТАКЛДА ЗАМОН ВА ЗАМОНДОШЛАР ҚИЁФАСИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ИЛЛАТЛАРИ ГАВДАЛАНТИРИЛГАН. ҚАҲРАМОНЛАР ТИЛИДАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР ЭСА ТОМОШАБИННИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАФТИШ ЭТИШГА УНДАЙДИ

Имон — кишини тўғри йўлга ундаб турувчи, қалб поклигини сақлагувчи ички мезон. Аслида ҳар ким уни турлича тушунади. Бироқ барча тушунчаларнинг моҳияти муштарак. Ўзбек Миллий академик драма театри архив фондидан ўрин олган драматург Иззат Султон қаламига мансуб «Имон» асари асосида сахналаштирилган спектакль шунинг учун ҳам йиллар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бойси ундаги мавзу давр ва макон танламайди.



Халқимиз меҳрини қозонган спектакль

Ёдгор САЪДИЕВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
Республикаси халқ артисти:



— Илк марта «Имон» спектаклининг радиопостановкасини эшитиб, унинг парчаларини телевидение орқали томоша қилганман. Ушанда профессор Комилов ролига хавасим келганди. Вақт ўтгач, Иззат Султоннинг «Имон» асари асосида телеспектакль қўйилмаган бўлди. Уни иктидорли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ғайрат Убайдуллаев сахналаштирди. Профессор Комилов ролига устозимиз Зикр Муҳаммаджонов, ўгли Ориф ролига эса мени таклиф қилишди. Орифнинг турмуш ўртоғи Азиза ролини эса ўзбегимизнинг Қумуши, Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова ижро этди. Бу асар томошабинлар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлганди.

Йиллар ўтиб, бу асарга яна қайтилди. Баъзи сахналар ва диалогларга публицист Ахмаджон Мелибоев бугунги кун нафасини беришга муваффақ бўлди. Комилов роли эса менга топширилди.

Нега спектакль номи «Имон»? Бу саволга профессор Комиловнинг қуйидаги гаплари жавоб бўлади: «Инсон ҳайвондан даставвал икки нарса билан ажралиб туради: инсон ишонади ва яради. Этикад, ҳунар, илм, маънавият ва имон эса инсонни инсон қиладиган нарсалардир. Жамиятнинг, одамларнинг бошига келадиган ҳар қандай офатнинг сабабчиси, бу — имонсизлик. Имонсизликдан кўриш керак. Имони суст одамлар ҳар бир нарсага шубҳа-гумон билан қарашади. Имони мустаҳкам одамнинг эса ўзига ишончи бақувват бўлади. Улар ҳаётда учрайдиган ҳар қандай кийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайди, йўлларидан давом этадилар».

Шу монологнинг ўзи Республика маҳаллалар кенгаши айнан «Имон» спектаклини танлаганига жавоб бўлади. Чунки жойларда одамлар муаммоларини ҳал қиладиган инсонлар — маҳалла оксоқолларидир. Уларнинг ўзи, биринчи навбатда, имонли, инсофли бўлиши керак. Шулар инобатта олиниб, айнан шу спектаклини танлашди ва янглишишмади. Томошабинларнинг бу спектаклга бўлган қизиқиши, маҳаллада ишлаётган имонли кишиларнинг олқиси бизга улкан куч бағишлади.

«Mahalla» мухбири
Салокат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

Унда замон ва замондошлар қиёфасида ижтимоий ҳаёт иллатлари гавдалантирилган. Қаҳрамонлар тилидан айтилган сўзлар эса томошабинни ўз-ўзини тафтиш этишга ундайди. Чунончи, журналистнинг «Муваффақиятларингизнинг бош сабаби нима?» деган саволига профессор: «Имонимнинг бутунлиги ва софлиги», дея жавоб бериши ҳеч қимни эътиборсиз қолдирмайди. Томошабин эса ўзи учун ҳулоса ясайди.

Этикад, ҳалоллик, поклик, фибрибгарлик ва харом ўртасидаги кураш акс этирилган, қинғир йўлнинг охири ҳеч қачон яхшилик билан тугамаслиги ва хо-

зирги даврда авж олган ўғри, қўчирмачи-плагиатлар кораланган спектакль яна Миллий театримиз сахнасига қайтди. Спектаклнинг янги талқинига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов режиссёрлик қилди. Бош қаҳрамон профессор Комилов ролини Ёдгор Саъдиев ижро этган. Ижодкорлар драмага ҳозирги замон руҳини сингдиришди. Унинг янги талқини ҳам муҳлислар томонидан илик қутиб олинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ташаббуси билан маҳалла

фаоллари учун «Имон» спектакли номиниш этилди.

Спектаклнинг қисқача мазмуни

Зиёли оила хотиржам ҳаёт кечираётганди. Нима бўлдию мусаффо осмонда қора булуллар пайдо бўлди. Ота катта умидлар билан улғайтирган, ўзининг излоши деб билган фарзанди эгри йўлга қадам ташлади. Имонсиз инсонларнинг гап-сўзларига учиб, имонини ўткинчи нарсаларга алмаштирди.

Илм учун умрини бахшида қилган инсоннинг кўлэмасини ўзлаштириб олди. Кўлэмани яшириб, уни ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Ҳатто баъзи бўлимларини

ўзлаштириб, номзодлик диссертацияси ёзди. Қолган қисми билан фан докторлигини олмоқчи бўлади. Яширилган касални эса иситмаси ошқор қилди. Ўғлини шу жарликка бошлаганлар отанинг йиллар давомида мисқоллаб йиққан хурматини зумда оёқости қилишди. Ота ўғлининг оиласига иснод келтирган, имонсизлигидан бир ранжиса, унинг ўз хатосини тушуниб етмаганидан минг ранжийди. Спектакль сўнггича ўзини ҳақ деб билган фарзанд яқунда хатосини тушуниб етди. Унда имоннинг уйғониши мусаффо осмонга соя солган қора булулларини-да тумандек тарқатиб юборди.

Сабрли ва мушоҳадали аёл тимсоли



Лола ЭЛТОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:

— Театр ва кино одамни тарбиялайди. «Имон» ҳам инсонни тарбияладиган асар. Унда мен профессорнинг келини ролини ижро этдим. Дастлаб сахналаштирилган «Имон» спектаклида бу қаҳрамонни Сора Эшонтўраева гавдалантирилган. Бу менга икки хисса масъулият юклади. Чунки истаисизми, йўқми, томошабин уларни ўзаро солиштиради. Театрда образнинг муваффақияти унинг юрагини томошабинга кўрсатиб беришда.

Қаҳрамоним мушоҳадали, сабрли, ўз қарашларига эга аёл. У эрининг эгри қадам ташлаганини билди, аммо бу ҳақда қайноғаси, қайинсинглисига сўз очмайди. Турмуш ўртоғининг инсофга келишини, хатосини тушуниб етишини кутади. Бу — аёл кишининг эри ва оиласига бўлган хурмати ифодаси. Оиласи мустаҳкамлигини сақлаш учун қалбидagi оғриқларини яширган аёл юз бераётган воқеликларга ақл билан ёндашади, турмуш ўртоғининг хатосини тузатишга ундайди.

Саҳнадаги қайроқи гаплар:

- Муваффақиятнинг қалити — имоннинг бутлиги ва софлигида.
- Олий маълумот кишига зиёли деган улуғ номни кўтариб юриш ҳуқуқини бермайди.
- Бойлик, сен мени уйимга қирадиган бўлсангунимон кетадиган бўлса, сендек бойликка ўт қўяман.

Раис, аввало, ўрناق бўлиши керак



Рустамжон АВАЗОВ,
Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Янги нур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Спектаклни мароқ билан томоша қилдим. Унда кўтарилган мавзу, айниқса, биз, маҳалла раисларини яна бир бор огохликка чорлади. Бош қаҳрамоннинг «Офатларнинг сабабчиси — имонсизликдир», деган таъкиди мени таъсирлантирди. Чиндан ҳам, инсоннинг имони мустаҳкам бўлса, у виждонига ҳилоф иш қилмайди. Раис ҳам йиғин эшигини тақиллатиб келган кишидан ёрдами ва маслаҳатини аямайди. Бу йил раисликка қайтадан сайландим. Ўтган 3 йиллик фаолиятим давомида маҳалладошларим билан бир оиллага айландик. Қачон оилادا барақа бўлади, қачонки, унда ҳалоллик, поклик бўлса. Маҳалла раиси ҳар жиҳатдан ўзгаларга ўрناق бўлиши керак. Имони мустаҳкам кишигина шу ўрناقка лойиқ бўлади.

Юртимизда аҳолига бепул юридик ёрдам бўйича ягона тизим жорий этилади.

Инсон организми ҳисобига яшовчи паразитларнинг 15 минг тури маълум

ГИЖЖАНИНГ ШУНДАЙ ТУРЛАРИ БОРКИ, УЛАР ОШҚОЗОНДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАРСИЗ 10 ЙИЛЛАБ ҲАМ ЯШАЙ ОЛАДИ

Паразитлар ҳақида тез-тез эшитамиз.

Улардан халос бўлиш учун ҳар ким ўзича даво чораларини излайди. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар иккита кишидан биттаси паразитлар ва улар ординан келиб чиқадиган касалликлардан азият чекади. Бугунги кунда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳисобига яшовчи паразитларнинг 15 мингдан зиёд тури маълум. Шулардан гижжа, аскарیدا ва острица инсонларда кўпроқ учрайди. Паразит ва улардан қутулиш чоралари хусусида Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази паразитолог-шифокори Жаҳонгир САРВАРОВ билан суҳбатлашдик.



Паразитлар нима?

— Инсон организмда унинг ҳисобига яшовчи митти организмлар паразитлардир. — дейди **Ж. Сарваров**. — Улар икки гуруҳга бўлинади: протозой инфекциялар ва гельминтозлар. Одам ва ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари ҳисобига яшовчи майда чувалчанлар — гижжалар (гельминтлар), улар келтириб чиқарилган касалликлар гельминтозлар дейилади. Инсониятга гельминтозлар жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, улар барча паразитар касалликларнинг 90 фоизини ташкил қилади. Гельминт (гижжа)лар одам организмнинг нафас олиш, овқат хазм қилиш, мускул системасида, жигар, ўт пуфаги, талок, кон, миёна, кўз ва бошқа органларида паразитлик қилади. Паразитар касалликлар ичида гельминтозлар тез ва кўп тарқалади. Тиббиётда гельминтларнинг 12 мингдан ортиқ тури бор. Гельминт, яъни гижжа гельминтоз касаллигини кўзгатувчи ҳисобланиб, турига кўра ўпка, жигар, ўт пуфаги, сийдик йўллари ва ичакларга зарар етказиб, ортиқ кўзгатади. Гижжалар, асосан, 14 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди.

Қандай намоён бўлади?

Эътибор берсангиз, кўпинча болаларда тирноқ тишлаш одати бўлади. Бунга беъэтибор бўлмастик керак. Чунки кўл ювилган тақдирда ҳам тирноқда қолган инфекциялар фақат гижжа касаллигини эмас, балки ичак инфекциялари, ҳатто гепатит А касаллигини ҳам келтириб чиқарувчи омилдир. Гижжаларнинг хили, сони ва қайси органда паразитлик қилишига қараб касаллик турлича кечади. Ҳар бир паразитнинг ўзи яхши кўриб яшайдиган аъзоси бўлади ва шу аъзони у маълум даражада шикастлайди. Умумий белгилари — ҳолсизланиш, камқонлик, жижзакилик, кўнгил айниши, ич

кейтиши, бош айланиши, доимий чарчок, вазн йўқотишдир. Терида тошмаларнинг пайдо бўлиши паразитларнинг токсинлари ҳисобига юз беради. Гижжа ичакда бўлса — ич кетди ёки котали, кўнгил айниди. Жигарда бўлса, кўз оқи ва бадан сарғаяди, шиш пайдо бўлади, терига ҳар хил доғлар тушади. Ўпкага жойлашган паразитлар иситма чиқариб, йўтал пайдо қилиши мумкин. Шунингдек, «майда текинхўрлар» туфайли одамнинг меҳнат қобилияти пасаяди, болалар ривожланишдан орқада қолади, хотира пасайиб, уйку бузилади, ҳатто тиш гичирлатиш одатга айланади.

Олимларнинг фикрича, гижжанинг шундай турлари борки, улар ошқозонда ҳеч қандай белгиларсиз 10 йиллаб яшай олади. Ўзбекистонда гижжаларнинг ўн икки хили аниқланган. Шулардан бештаси энг кўп тарқалган бўлиб, сезиларли зарарланиш ўчоқларини ҳосил қилади. Гижжалар ўзининг паразитлик ҳаётини одам танасида ўтказувчи майда организмлардир. Бунда одам ёшининг аҳамияти йўқ. Катталар ҳам, болалар ҳам бир хилда уни юктириши мумкин.

Гельминтознинг ўткир турида аллергия тошмалар пайдо бўлиб, сабабини билиш қийин кечади. Қолаверса, тошмалар бир пайдо бўлиб, сўнг бир қанча муддатга йўқолади. Ўткир тури — 2 ҳафтадан 2 ойгача, ҳаттоки бир йилгача кузатилиши мумкин. Суррукали турида эса бир неча белгилар секин-аста намоён бўлиб, бир неча ойдан бир неча йилгача давом этади. Организмга киришга муваффақ бўлган паразитлар моддалар алмашинувига таъсир этиб, ошқозон микрофлорасининг бузилишига олиб келади.

Паразитлар қандай юқади?

Паразитлар турига қараб ҳар хил усулларда юқиши мумкин. Масалан, аскарідалар, асосан, кўлинчи яхши ювмайдиган болаларда кўп учрайди. Острицалар



эса одамга ифлос кўллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда оғиз ва бурунга тушадиган чанг орқали ҳам юқади. Бугунги кунда паразитларнинг энг кўп тарқалгани — лямбля, острица ва аскарیدا хақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Лямбля — ўздан ўзи одам организмда кўпаяди. Иштаха бўғилиши, эрталаб поношта қилишга қийналиш, болаларда инжиклик, жижзакилик, ич ўз-ўзидан кетиши ва қотиши кузатилиши — унинг асосий аломатидир.

Лямбля, асосан, оғиз бўшлиғига ифлосланган таом ёки егулик орқали тушади. Уни даволаш учун кўпинча клизма қилинади. Холбуки, бу усул уни йўқотишда ёрдам бермайди. Чунки клизма лямбля ўрнашган жойгача етиб бормайди. Лямбля ўт йўлларида, ўн икки бармоқ ичакда паразитлик қилади. Биз таом тановул қилганимизда, овқат хазм бўлиши учун ошқозондан кейин ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Лямбля ўн икки бармоқ ичакда одам организм учун зарур витаминлар, минераллар, ўрмалаб ҳаракатланади ва анал тешикда туҳум қўяди. Сўнг бу соҳада қичишиш юзага келади. Ушбу гельминтлар 1-1,5 ой хаёт кечирилади. Паразитни нажасда

ҳам кўрса бўлади. Бола атроф-муҳитни ўрганиш, жисмларнинг таъми ва таркибини билиш мақсадида кўллари билан ҳар нарсани ушлаб кўради ҳамда уларни оғзига олиб боради. Шу йўл билан острицанинг туҳумлари ўзининг «бўлажак кичик хўжайини» организмга тушади. Острицани даволашнинг энг осон йўли тозаликка эътибор беришдир.

Аскарیدا — кўп ҳолларда тозаланмаган маҳсулотлар ҳамда хашаротлардан тарқалиб, ошқозон, меъда ости беши, жигар, ўт копи йўлларида ҳаракатланиши мумкин. Аскарідоз паразитлари билан касалланган болаларда нейродермит, астма, экзема, пневмония каби хасталиклар учраши мумкин. Аскаріданинг хаёт цикли бир неча йилларга етади.

Бола организмни курашиш қобилияти пастлиги боис паразит бемалол кўпаяди. Аскарیدا ювилмаган мева ва सबзотлар ҳамда кўкатлар орқали инсон организмга тушади. Кўпинча зарарланиш болаларнинг ҳайкалий, кальцийлар билан озикланади. У қайнатилмаган сув ва ичимликлардан юқиши мумкин. Шу боис ичимлик суви билан боғлиқ муаммоли жойларда кўп учрайди. Паразитлар аллергия касалликлар пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Дисбактериозни келтириб чиқаради, нерв системасига таъсир қилади.

Даволаш мумкинми?

Вақтида шифокорга мурожаат қилинса, паразитлардан эртароқ халос бўлиш мумкин. Паразитларга қарши даво чоралари инсоннинг ёшига қараб белгиланади. Чунки бу касаллик билан қаттако кичик бир хил касалланади. Дастлаб дори препаратлари, сўнг иммунитетни ошириш учун керакли витаминлар ва, албатта, катъий парҳез тайинланади. Муоалажа давомийлиги шифокор томонидан кўрсатилади. Асоратлари нохуш ҳолатларни

БИЛАСИЗМИ?

Халқ табибатида гижжалардан қутулиш усуллари:

■ 3 бўлак саримсоқпиёз

1 пиёла қайнатилган илиқ сув билан наҳорга ичилади. Бу муоалажа 3 кун давом этади.

■ Дастарбош гиёҳи, бўйимодарон, эрман, қалампирмунчоқ 1 литр қайноқ сувга дамланади. Ҳар кун овқатдан олдин 3 маҳал 1 пиёладан ичилади.

■ Ошқоқок уруғини майдалаб 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал истеъмол қилинади.

■ Ярим литр сутни 2-3 бўлак саримсоқпиёз билан қайнатиб, илиқ ҳолатда кечқурун ҳўқна (қлизма) қилиш мумкин. Даволаш муддати 1 ҳафта.

келтириб чиқариши мумкин. Бонси ичаклар бўйлаб ҳаракатланувчи паразитлар қонга ўтса, бошқа аъзоларга ҳам осон тарқалади. Қолаверса, паразитлар соат сайин кўпайиб, ўздан захарли ажратмалар чиқариб, организмни ичкаридан нобуд қила бошлайди. Бу эса, айниқса, ривожланаётган бола организмда жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Агарда паразитлар борлигига гумон қилинса, биринчи навбатда нажас анализини бир неча кун оралиғида 3 марта олинади. Гельминтлар учун ҳамда умумий таҳлил учун қон анализини қилинади. Шунингдек, ички аъзолар ультра товуш текширувидан ва рентгенографиядан ўтказилади. Паразитларнинг қаерларда тўлик жойлашганини билиш учун МРТ текшируви ҳам зарур.

Касаллик ҳар бир одамда ўзига хос кечади, шунинг учун олган ҳолда, даволаниш муоалажасини олишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Йўлида икки марта шифокор кўригидан ўтиш шарт. Гигиена ва тозаликка эътибор қаратиш, организмга паразитларни йўлатмайди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Жорий йилнинг олти ойи давомида 8 минг 621 божхона ҳуқуқбузарлиги аниқланди.



Қумли ва тузли муолажаларнинг сири нимада?

БУГУНГИ КУНДА СПЕЛЕОТЕРАПИЯ БРОНХИАЛ АСТМА, ГИПЕРТОНИЯ ВА БЎҒИМ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА

Айни чилла пайтини қум билан даволаниш учун қулай фурсат, дейишади. «Саратонда қумга кўмилиб, бутун дардларимдан фория бўлдим» ёки «Оёқ оғриғидан қутулдим», «Боладаги энурез касаллигига қумли муолажалар даво экан» каби гап-сўзларга ҳеч ким безътибор бўлмас керак.

Айниқса, бемор киши қандай йўл билан бўлсин, дардига шифо излайди. Бир неча юз километрли масофани босиб ўтиб, ушбу муолажадан доимий фойдаланадиганлар талайгина. Аксинча бу даволаш усули қайси касалликларда самарали фойда бериши ҳақида билалдиғанлар кўп эмас.

Ҳўш, қумга кўмилиш қайси касалликлар учун фойдали? Умуман, қумли муолажалар қандай хусусиятларга эга? Шу хусусда псаммотерапия шифокори Шоира Худойберганова билан суҳбатлашдик.

Иссик қумдан фойдаланиш иссиқлик билан даволаниш усуллари билан бири ҳисобланиб, тиббиётда псаммотерапия деб аталади, — дейди Ш. Худойберганова. — Қум билан даволаш қадимдан мавжуд бўлиб, бугунги кунда бутун дунёда кенг камровда ривожланмоқда. Шу жумладан, юртимизда ҳам ўнлаб қумли муолажалари сихаттоҳлар, масканлар мавжуд. Бундай масканларни деярли барча вилоятларда учратиш мумкин. Улардан энг машҳурлари Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида жойлашган. Тиббиётда организмни чиниктиришда қум ванналарини қўллаш энг самарали усуллардан бири дея тан олинган. Ҳаттоки, Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб конунари» китобида «Агар қумнинг хусусиятларидан оқилона фойдаланилса, инсонда модда алмашинуви яхшиланиб, у кучли ва бардам бўлади. Бадандаги ортисча ёғлар эрийди. Сурункали совуқлик ва бош оғриғи бартараф бўлиб, мия фаолияти мустаҳкамланади» деб ёзиб қолдирган. Қумли ванналардан фойдаланиш учун, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Шундангина даволаш усуллари самарали таъсир этади. Чунки шундай касалликлар борки, қумга кўмилиш орқали кучайиб кетиши ёки турли хил асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

Табиий ва сунъий иситилган қумдан фойдаланиш

Даволаш борасида табиий ва сунъий қум ванналари мавжуд. Табиий қум ванналари учун дарё ва денгиз соҳилларидаги

қуёшда иситган қум ишлатилади. Бундай муолажа йилнинг июнь ойидан то август ойи охиригача қуёш нурунинг энг юқори иситиш соатида (14:00 дан 16:00 гача) амалга оширилиши керак. Шифобахш қумнинг ҳарорат даражаси, намлиги ҳар кунни ўлчаб турилади. Муолажа учун иссиқ қумнинг устки юшқа қатлами (0-5 см.) бўлиши керак. Умумий қум ванналарида беморнинг қўл-оёқлари ва танаси 5-12 см. 40-45 даражагача қизиган қум қатлами билан қўмиб қўйилади (бош ва юрак соҳасидан ташқари).

Сунъий қум ванналарида тоза денгиз ёки дарё қуми қиздирилиб, қутиларга солинади ва бемор қумга кўмилади (бўйин ва кўкрагидан ташқари). Беморнинг очик тана қисми чойшаб билан ёпилади. Бош тагига паралон ёстиқ ёки матога ўралган қум болиши қўйилади. Бош устига соянов ўрнатилиб, баъзан бош совуқ сув билан намлаб турилади. Умумий қум ванналари қатталар учун 15-20 дақиқа, болалар учун 10-15 дақиқа, маҳаллий қум ваннаси эса 40-60 дақиқача қўйилиши мақсадга мувофиқ. Муолажа вақтида беморнинг қайфияти ва аҳволи назорат қилиб борилади: қон босими, юрак уриши ва тана ҳарорати ўлчаб турилади.

Муолажа тугаши билан бемор шамоллашдан химояланган айвонга олиб ўтилиб, танаси қуриб қолган ва тер таъсирида намланган қумлардан тозаланади. Кейин бемор чойшаб билан ўралиб, унга кўк чой ичирилади. Муолажадан 20-30 дақиқа ўтгандан кейин ҳам унинг қон босими, томир уриши, ҳароратини назорат қилиш шарт. Бемор айвонда то терлаш жараёни тугагунча дам олгач, қум қолдиқлари илқ сувда ювиб ташланади. Сўнгра хонада 1,5 - 2 соат ётиб дам олиш тавсия этилади. Қум ваннаси кунора ўтказилади. Даволаш курси 8-10 муолажани ташкил этади.

Қайси касалликларни даволайди?

Қумнинг даво самардорлиги механик ва ҳароратли таъсири билан боғлиқ. Қум иссиқни яхши сақлайди ва уни организмнинг қон-томир ва бошқа тизимларида секин-аста етказиб беради. Иссиқ қум инсон танасини қоплар экан, тери, тери ости ёғ қавати ва тўқималарни ёқимли массаж қилади. Бунинг натижасида тери ва унинг остидаги тўқималарда капилляр қон айланиши ҳамда лимфа айланиши яхшиланади, орган ва тўқималарнинг кислород билан таъминланиши, тер безларининг фаолияти яхшиланади, бу эса тер ажралиши ҳисобига ортисча тана вазни самарали қамайишига олиб келади. Алмашинув ва оксидланиш жараёнлари барқарорлашади. Буйраклар ва сийдик ажратиш аъзолари, хусусан, сийдик копи фаолияти яхшиланади. Ортисча тана вазнига қарши курашишда ҳам иссиқ қум билан даволаш самарали ҳисобланади. Бунда инсоннинг юрак соҳаси очик қолдирилган ҳолда тананинг борча қисмлари қиздирилган қум билан қалин қилиб қопланади ҳамда шундай ҳолатда ярим соат ётилади.

Қум ванналари таъсирида бутун тана бир хилда қизийди,

оғриқлар қолади. Организмда оксидланиш жараёни кучаяди. Тана бўйлаб қон лимфа айланиши тезлашиб, бадандаги шиш ва яллиғланишлар, артроз, артрит, ревматизм, неврит, радикулит, бод, бўғимлар шамоллаши, баъчадон ва тухумдон яллиғланишлари, неврология сингари дардларни қум муолажаси ёрдамида даволаш мумкин. Бўғимлар ва бел соҳаси касалликларидаги оғриқлар маълум бир вақтдан сўнгра йўқолади. Аммо қумга тушишнинг қондалари билан таниш бўлмаган ҳолларда муолажалар етарлича фойда бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам псаммотерапия шифокори қўмағида амалга оширилгани маъқул. Қум дардларни ўзига ютиш баробарида кишининг иммун тизими фаолиятини мустаҳкамлайди.

Қумдан чиккач, пахтадан тайёрланган кийимлар кийиш лозим. Чунки кишининг терлаши давом этади. Тушликка эса шолғом, сабзи, картошка ва кўкатлар солинган товуқ шўрва ичиш мақсадга мувофиқ. Қовунтарвуз, мева, хар хил шербат ва ичимликларни совутиб истеъмол қилиш мумкин эмас. Муолажа тугамагунча ювиниб бўлмайди. Йўқса, яна намлик йиғилиши мумкин.

Буни билиш шарт!

Инфекцион касалликлар, гипертония ҳамда аёлларда учрайдиган айрим касалликлар (миома, эндометриоз, мастопатия), ўпка сили, варикоз, варикоцеле, жаррохлик амалиётини ўтказган беморларга қумли муолажалар тавсия этилмайди. Бундан ташқари, 3 ёшгача бўлган болаларга, касалликларнинг ўткир даврида ва иссиқ муолажаларга қарши қўрсатма бўлган барча ҳолатларда ҳам қумли ванналарни қабул қилиб бўлмайди.

Тузли ғорлар қайси касалликларни даволайди?

Тузли ғорлар билан даволаш усули фанда спелеотерапия деб аталади. Бугунги кунда спелеотерапия бронхиял астма, гипертония ва бўғим касалликларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Маълумотларга кўра, бундай илк даволаш масканлари XIX асрда Италияда фаолият кўрсатган. Кейинчалик худди шу асрнинг охирида Америка Қўшма Штатларининг Кентукки шаҳри Мамонт ғорида сил касаллигини даволаш учун мўлжалланган шифо маскани очилган.

Замонавий спелеотерапия тарихи XX асрнинг 50-йилларига тўғри келиб, Шимолий ва Жанубий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Бу даврда спелеотерапиянинг даволаш методи сифатида кенг тарқалиши Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ.

Ортимизда ҳам тузли ғор билан даволаш усули кенг қўлланилади. Ушбу тузли ғорлар санатор-курорт типига халқимизга бир неча йиллардан буён хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида «Октош», Жиззахда «Зомин», Чирчиқда «Бўстон» ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманида «Вандоб» санатор-курортларида спелеотерапевтик даволаш усуллари мавжуд.

Иммун тизимини яхшилайди

Тузли ғорлар босими бир меъёрга ушлаб туриши билан ажралиб туради. Ғорда йил бўйи ҳарорат ўртача 10-16 градус атрофида бўлади. Тузли ғор ҳавоси таркибидagi туз зарралари балғам қўчиши ва унинг чиқарилишини осонлаштирилади, нафас ва юрак қон-томир, иммун тизими фаолиятини яхшилайди. Дастлабки муолажаданок беморларда юрак уриши ва қон айланиши яхшиланади, иммун тизими ҳамда чуқур нафас сти-мулятиясини кучаяди.

Спелеотерапия орқали сурункали бронхит, бронхиял астма, юқори нафас йўлларидаги сурункали касалликлар (ринит, гайморит), нейросиркуляр дис-тония, ўпка ва диафрагмада ўтказилган жаррохликлардан кейинги ҳолатларда, жадал кечувчи экзема, атопик дерматит ва нейродерматитларни даволаш мумкин. Ҳақдан зиёд семизлик юзага келган тақдирда ҳам тузли ғорлардан фойдаланилади. Соғлом одамнинг тузли ғорда бўлиши, чарчогини олибгина қолмай, уйқусини яхшилайди.

Хулоса ўрнида

Бир сўз билан айтганда, юртимизда мавжуд имкониятлар, яъни қумли муолажалар ва тузли ғорлардан унумли фойдаланиб, шифокорлар назорати остида баъзи касалликлардан фория бўлиш мумкин. Саломатлигинизга қайғуришининг айни пайти. Қуёш тағти забтига олаётган шу кунларда ажойиб имкониятни қўлдан бой берманг.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Юртимизда қалбаки ва ноқонуний дори воситаларига қарши кураш соҳасида резолюция қабул қилинди.

Овқатланиш

— ИСЛОМИЙ

маданият белгиси

МУСУЛМОН КИШИ ЁНГ ҚЎЛ БИЛАН
ЕБ-ИЧИШГА РИОЯ ЭТИШИ ШАРТ

Муқаддас динимизда инсоннинг нафақат руҳига, балки жисмига ҳам катта аҳамият қаратилади. Буни, айниқса, ислом кўрсатмаларидаги бир жиҳат — инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган — таом истеъмол қилишнинг вожибга айлантирилганида кўрамиз. Зарур миқдордаги таом ва ичимликни исроф қилмай тановул қилиш мувоҳ саналади. Ислам таълимларида мусулмон киши ейиш учун эмас, яшаш учун ейиши таъкидланади. Шу билан бирга, еб-ичишда ҳам ислом одоб-ахлоққа катта аҳамият беради.

«Хой бола, ўнг қўлинг билан егин!»

Имом Бухорий ўзининг «Сахиҳул Бухорий» асаридagi «Егуликлар китоби» бўлимида куйидаги хадисни келтиради. Умар ибн Абу Салама айтади: «Расулulloх (с.а.в.)нинг қармоғларидаги бола эдим. Қўлим товдоқка изғиб юрарди. Шунда Расулulloх (с.а.в.) менга: «Хой бола! Аллоҳнинг исмини айтгин, ўнг қўлинг билан егин ва олдиндан егин!» дедилар. Шундан буён ана шундай таомланаман».

Ушбу хадиси шарифдан динимизда овқатланиш маданиятига қанчалик аҳамият берилгани ёрқин акс этган. Овқатланишнинг исломий маданиятларидан бири — таомни ўнг қўл билан ейишдир. Хар бир мусулмон бунга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Авалло ушбу хадисни айтиб берган Умар ибн Абу Салама кимлигига ойдинлик қилритсак. Умар ибн Абу Салама Расулulloх (с.а.в.)нинг аёллари Умму Салама онамининг биринчи турмушидан кўрган фарзанди бўлиб, хижратдан икки йил аввал туғилганлар. Умар ибн Абу Саламанинг отаси Абдуллох ибн Абдул-асад хижрий тўртинчи йилда вафот этди. Шундан сўнг Умму Салама Расулulloх (с.а.в.)га турмушга чиқади. Шу сабабли ёш Умар ибн Абу Салама Пайғамбаримизнинг қармоғларида бўлади.

Ёш болада пайдо бўладиган сифатлардан бири таомга ўчликдир. Ушбу хадисдаги воқеа Умар ибн Абу Салама ёшлик пайтларида рўй берган. Расулulloх (с.а.в.) эса бола тарбиясида гўзал хусни хулқни кўрсатиб бердилар. Боланинг қўли таомланаётганда хар қаёққа бораётганини кў-

риб, уни жеркиб бермай, балки чиройли услубда таълим бердилар. Бу нарса Умарнинг ёлида бир умр колди. У киши хадиснинг сўнгига «Шундан буён ана шундай таомланаман» деганлари бежиз эмас. Ёшларга мана шундай таълим берилса, уларнинг ёлида бу сабоқ бир умр сақланиб қолар экан. Бола бошидан, деганларидек, фарзандларимизга ёшлигиданок таълим берсак, ижобий натижаларга эришимиз мумкин.

Бир қўлда нон, иккинчисида қошиқ ушлаш суннатга хилофдир

Мусулмон киши ўнг қўлда овқатланади, чунки шу қўл билан таомланиш суннатдир. Ўнг қўлнинг ўзи бажара олмайди диган ишларга эса, масалан, нон ушатип, гўшт майдалаш кабиларда ёрдам тарикасида чап қўлни ишлатиш мумкин. Аммо бир қўлда нон, иккинчисида қошиқ ушлаб овқатланиш суннатга хилофдир. Ўнг қўлда сийш кераклиги ҳақида Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинган хадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: «Қачон бирортангиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирортангиз ичса, ўнг қўли билан ичин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичати», (Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти). Демак, ўнг қўли соғлом бўла туриб, чап қўлда ёки хар иккала қўлда баробар овқатланиш шайтоннинг иши ҳисобланиб, бу Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўрсатмаларига зиддир.

Одобсизнинг хулосаси

Бошқа бир хадисда Салама ибн ал-Акваъ розияллоху анхундан ривоят қилинади:



«Бир киши Набий (с.а.в.)нинг хузурларида чап қўли билан таом еди. Бас, у зот: «Ўнг қўлинг билан егин!» дедилар. «Қодир эмасман», деди у. «Қодир бўлмагин! Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади», дедилар. Ҳалиги одам шундан сўнг қўлини озгига кўтара олмай колди». Муслим ривоят қилган.

Ушбу ривоятнинг қаҳрамони ҳам Пайғамбар (с.а.в.)нинг хузурларида овқатланишнинг исломий маданиятига риоя қилмай, чап қўли билан таом сийишга туғинди. Албатта, Пайғамбар (с.а.в.) бу холга бепарво бўлишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун мазкур одобсиз кишига таълим бериб: «Ўнг қўлинг билан егин!» дедилар. Бундай пайтда хар қандай одам таълим берувчига ташақкур айтиб, ўзини ўнглаб олишга уринади. Одоб-ахлоқ такозоси шу. Аммо ҳалиги одам Пайғамбар (с.а.в.)га ташақкур айтиб, ўз хатосини тузатиб, ўнг қўли билан таом сийиш ўрнига: «Қодир эмасман», деди. Яъни кибрлики «Овқатни ўнг қўлда ея олмайман. Чап қўлим билан севяреман», деди. Аслида нотўғри иш қила туриб, унга меҳр кўрсатган, хатосини тўғрилаб қўйган Пайғамбар (с.а.в.)га нисбатан бундай беодоблик қилган нобакор хар қандай жазога ва қарғишга лойик эди. Шу боис Набий (с.а.в.) очик-ойдин қилиб: «Қодир бўлмагин!» дедилар. Яъни «Ўнг қўлинг билан таом ея олмасанг, бир йўла ея олмай колсан», дедилар. Ҳамда у ерда хозир бўлганларга тушунтириш учун: «Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади», деб, қўшиб қўйдилар. У одам юқоридagi гапни ҳақиқатда ўнг қўлида нуқсони борлиги учун эмас, кибр билан хатосини тан олишдан бош тортиб айтган эди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг дуолари жойида қабул бўлди. «Ҳалиги одам қўлини озгига кўтара олмай колди».

Исламда бирор нарсадан шумланиш йўқ. Чунки шумланиш мўмин банданинг эътиқодига салбий таъсир кўрсатади. Шумланиш нафс табиатидан бўлиб, озайиб ва кўпайиб туради. Бундан ҳалос бўлишнинг энг яхши давоси — Аллоҳ аза ва жаллага таваккул қилишдир.

Маконнинг яхшиси ёки ёмони борми?

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху айтганлар: «Қай биримизнинг нафсимизга мана шу шумланишдан бирор нарса тушиб қолса, Аллоҳ таоло уни ўзига таваккул қилиш билан кетказар эди» (Абу Довуд ривояти).

Қалбга келган ёмон ўй-хаёллардан узок бўлиш керак

Мўмин киши зарарни ҳам, фойдани ҳам Аллоҳдан, деб билиши ва шундай эътиқод қилиши керак. Фойда ёки зарарни осмондаги қушлар, ердаги жониворларнинг одатий хатти-ҳаракатига боғлаш асло дуруст эмас. Қалбга беихтиёр келган ёмон ўй-фикрларни эса хадисда айтилганидек, Аллоҳга таваккул қилиш, ўша ёмонликдан узокда бўлиш билан даволаш лозим.

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинган хадисда, «Бир киши: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Биз бир ховлида яшар эдик. Ўша ховлида ўзимизнинг сонимиз кўпайди, мол-мулкимиз кўпайди. Сўнг бошқа ховлига кўчиб ўтдик. У ерда сонимиз ҳам, молимиз ҳам камайди», деди. Шунда Расулulloх (с.а.в.): «Уни тарк қилмади, у ёмон (ховли) экан», дедилар».

Расулulloх (с.а.в.) бу хадисдаги гапни ховли эгаларининг кўнглига ўрнашиб қолган бадғумонликини йўққа чиқариш учун айтганлар. Чунки уларнинг маскани ўзларига муносиб еттишга сабаб бўлди. Агар улар мазкур маскандан кўчсалар, кўнглиларига ўрнашиб қолган ёмон хаёллар ҳам кетсади.

Аллоҳ учун энг махбуб жой...

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Фиръавн қавми ҳақида хикоя қилиб: «Бас, уларга яхшилик келганда: «Бу бизга хос», дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, Мусо ва у билан бирга (иймон келтирган) кишилардан шумланадилар. Огоҳ бўлингки, уларнинг (яхши-ёмон) амал(лар)и Аллоҳнинг хузуридадир. Лекин (буни) аксариятлари билмайдилар», деди.

Ояти карима мазмунидан кўриниб турибдики, Фиръавн қавмига серхосиллик ва фаровонлик, сихат-саломатлик каби яхшиликлар етишса, «Ҳа, биз буларга сазовормиз, бу яхшиликлар бизга бўлиши лозим», деб айтишади. Агар уларга бало-офат, қаҳатчилик, очарчилик ёпирилса, улар Мусо алайҳиссалом ва ул зот билан бирга бўлганлардан шумланиб: «Буларнинг барчаси Мусо ва унинг қавми сабабидан бўлди, уларнинг шумликлари қасофати бизларга урди», деб айтишарди. Аммо Аллоҳ таоло уларнинг бу шумланишларини ўзларига қайтариб, ҳақиқий аҳвол тўғрисида хабар бериб: «... Огоҳ бўлингки, уларнинг (яхши-ёмон) амал(лар)и Аллоҳнинг хузуридадир ...», деб айтди.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилган хадисда: «Аллоҳ учун энг махбуб жойлар масжидлардир, энг ёмон кўрилган жой эса бозорлардир», дейилган.

Табиийки, бундан Аллоҳнинг энг суйган жойи масжид экани, бозор эса ёмон жой экан деган хулоса чиқмайди. Аслида бозор мўмин-мусулмон одам учун тирикчилик қиладиган, савдо-сотик, қундалик эҳтиёжни қоплаш учун керак бўлган жойдир. Агар мусулмон одам бозорда ҳалол савдо-сотик қилса, тижоратини ҳалоллик асосида, шариаат талабларига мувофиқ бажарса, мусулмон одам учун бозор ҳеч қачон ёмон жой бўлмайди. Ҳадисда умумийлик қондасига кўра, бозорларда кўпича яхши одамлар, ҳалол савдогарлар бўлиши билан бирга, алдов, бировнинг ҳақини уриш ҳам бўлади. Ҳатто, Аллоҳнинг номини айтиб ёлғон гапириш ҳам учраб туради. Шу боис Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Аллоҳга энг махбуб жойлар масжидлардир, ёмон кўрилган жойлар бозорлардир», деб марҳамат қилганлар.

Демак, маконнинг яхшиси у жойда ҳалоллик, поклик, эзгулик бўлган жойлар бўлса, маконнинг ёмони гуноҳ, фисқо фужур, маъсият бўладиган жойлардир.

Муҳиддин НЎЪМОНЖОНОВ,
пойтахтимиздаги Абу Хурайра жоме масжиди
имом-хатиби.

Кейинги вақтларда Қирғизистон собиқ президенти Алмазбек Атамбаевнинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этилиши, унга нисбатан жиноий иш очишга қаратилган уринишлар, мамлакатда коррупцияга қарши бошланган уруш республикадаги сиёсий вазиятни қизитиб бормоқда. Агар суд Атамбаевни илгари сурилган айбловлар бўйича айбдор деб топса, жиноий таъқиб ва умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Ҳатто ҳафта эса парламент депутатлари собиқ президентни дахлсизлик мақомидан маҳрум этди. Атамбаевнинг ўзи бу ишни «сиёсий» ва абсурд деб атади.

Қирғизистон: собиқ президент Атамбаев билан нималар рўй бермоқда?

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУННИНГ МОҲИЯТИ ҲОКИМИЯТДАН ТИՇ ЙЎЛ БИЛАН КЕТГАН ЯҒОНА ПРЕЗИДЕНТНИНГ СИЁСИЙ МАЙДОНГА ҚАЙТИШИГА ЙЎЛ БЕРМАСЛИК ЭКАНИНИ ЯҚҚОЛ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ

Собиқ президент ўзини айбсиз санамоқда?

Жорий йилнинг 1 июлидан Жогорку Кенеш (парламент) депутатлари ёзги таътилга кетди. Таътил олдидан сўнги куллар жуда кескин кечди. Депутатлар А.Атамбаевни Қирғизистон Республикасининг собиқ президенти имтиёзларидан маҳрум этди. Экспертлар бу қарорни «хуқуқий чексизлик» деб атаган бўлса, собиқ президент ўзини айбсиз деб ҳисоблади ва ҳатто ҳар бир хато ҳаракатига жавоб беришга тайёрлигини маълум қилди. Қирғизистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши аъзоси Адил Турдикуловнинг фикрича, парламент илгари сурган айбловлар сиёсий ҳусусият касб этади. Ҳеч қандай хуқуқий асослар йўқ.

Кўпчиликнинг фикрича, Атамбаев билан одам, у охиригача курашиши мумкин. Шу маънода Атамбаевнинг Кўй-Тош қишлоғидаги уйи ўтиб бўлмас қалъага айланган. Унинг участкасига кираверилмаган йўлларда «халқ штаби» тузилган, бетон плиталар ўрнатилиб, чодирлар тикилган. «Ўтов шахарча» мингта яқин кишини қабул қилиши мумкин. Агар ҳокимият Атамбаевни қуч қўлаш йўли билан қўлга олиш йўлини танласа, унинг тарафдорлари қаршилик кўрсатиши аниқ. Уларнинг ихтиёрида курул бор ёки йўқлиги номалум, аммо Атамбаев уйи олдида бир неча юк машиналарида тош туширилган. Атамбаевнинг ўзи ички ишлар тизимларидаги тарафдорлари тайёрланаётган ҳисобга олиш операциялари ҳақида хабар беришга танини даъво қилмоқда. Унинг ўзи таълим бўлиш ниётида эмас, ҳатто совға қилинган пистолетдан ўқ узишга тайёр.

Дарвоқе, бугун Атамбаевнинг тарафдорлари сови у қадар катта эмас. Бунинг исботи ўларок, 3 июль куни Бишкекдаги «Медиа-форум» Биноси ёнидаги митингда 500 дан 1,5 минггача одам иштирок этди, ҳоло. Унда Атамбаевнинг ўзи ҳам қатнашди ва нутқ сўзлади. Митинг иштирокчилари қонунга риоя қилмаслигини тўхтатиш, Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқариш ва «халқ ишончли ҳуқумати»ни тузишни тақдир қилди. Улар Давлат ҳавфсизлиги хизмати ва Ички ишлар раҳбарияти алмаштирилиши ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларида ислохотлар ўтказилиши талаб қилинди.



Бундан ташқари, резолюцияда зудлик билан сиёсий муҳолифатчилар озод қилиниши шартлиги баён этилган. Шунингдек, давлат аппарати учун харажатларни қисқартириш ва ҳуқуматга янги етакчилар келишини таъминлаш талаблари ёзилган. Мазкур талаблар бажарилмаган тақдирда, митинг ташкилотчилари бутун мамлакат бўйлаб оммавий норозилик акциялари уюштирилиши, президент истеъфога кетиши ва парламентни тарқатиб юбориш талаб қилинишини маълум қилди.

Мамлакатда 30 йил ичида иккита «рангли инқилоб» юз берди

Дарҳақиқат, 6 миллион аҳолига эга Қирғизистон тушуниш қийин бўлган мамлакат. У Марказий Осиёнинг 30 йил ичида тўрт нафар президенти алмашган давлати (улар орасида аёл президент Роза Отунбаева ҳам бор) саналади. Шунингдек, шу вақт ичида 29 нафар Бош вазир «келиб-кетган». Аввалги президентлар Аскар Акаев ва Курманбек Бакиев мамлакатдан қочиб кетишга ва бошқа давлатлардан сиёсий бошпана сўрашга мажбур бўлишган. Уларнинг иккаласи ҳам дахлсизлик мақомидан маҳрум этилган.

Шубҳасиз, собиқ президентнинг мамлакат сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатиш имконини берувчи мақомининг сақлаб қолиниши, энг асосийси, молиявий оқимларни назорат қилиш салоҳияти шарқда ҳар доим ҳам хуш қабул қилинавермайди. Шу сабабли Алмазбек Атамбаев ва Сооронбай Жээнбеков ўртасидаги зиддият амалдаги давлат раҳбарининг президентликка номзод сифатида илгари сурилишидан бошлаб юзага келиши башорат қилинаётганди.

Аввалги даврларда Қирғизистон сиёсий тизимида президент-

лик лавозими деганда, коррупцион воситалар сифатида бойиб кетиш имконияти тушуниларди. Масалан, собиқ президент Қ.Бакиевни афгон наркотикларини Тожкистондан контрабанда қилиш транзити билан шугулланиш, Хитой, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари маҳсулотларининг қайта экспорт қилишга бошчилик қилишда айбланган. Бакиев ҳокимияти жамиятни янгилаш, мамлакатни демократлаштириш ўрнига кам соғли миллиялар ҳуқуқларини поймол қилиш, сўз эркинлигини бўғиш, амалларни ўз яқинларига бўлиб беришдан нарига ўтолмади.

Ўша вақтларда ғарб жамоатчилиги Қирғизистонни Марказий Осиёдаги демократия ороли сифатида кўкларга кўтаргани ҳаммага маълум. Бироқ ўшанда мамлакатда бир неча газеталарнинг ёпилиши, ўнлаб журналистларнинг тазйик остига олиниши ёки ўлдирилиши, хорижий давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қундан-қунга «болашаётгани» демократия оролини қонушлар диктатурасидан холи маконга айлантирди.

Халқ қашшоқлашиб борапти

Ҳоҳида «лола», ҳоҳида «опиум» номи билан аталган инқилоблар оммавий талон-тороқлик, бошбошдоқлик, зўравонлик ва қароқчилик билан тутагани бугун ҳеч кимга сир эмас. Масъулиятсизликка асосланган ҳаракатлардан олди одамлар азият чекди, ҳоло. Афсуски, мамлакат ўша масъулиятсизлик сиз гирдобидан тўла қутула олгани йўқ.

Айни пайтларда эса Қирғизистонда сиёсий танглик юз берапти, дейишга асос йўқ. Чунки унинг юзага келиши учун на Атамбаев, на Жээнбеков жамоатчилигининг

қучли қўлловига эга. Иқтисодий ўсиш Атамбаев даврида ҳам қузатилмаган, Жээнбеков ҳокимиятга келган бир ярим йилдан бери ҳам ахвол ўзгарганича йўқ. Халқ қашшоқлашгандан қашшоқлашиб борапти.

Бошқа томондан, Атамбаев ва Жээнбеков ўртасидаги зиддиятни Қирғизистон шимол ва жануби ўртасидаги сиёсий элита ва кланларнинг давлат бошқаруви ва бизнес соҳасидаги рақобати деб ҳам тушуна бўлади. Эътибор берсак, Жээнбеков жанубдан чиққан кадр, Атамбаев эса шимоллик. Бир вақтлар шимоллик Аскар Акаев жанублик Абсамат Масалиев ўрнини эгаллаган, 2005 йилда Акаевнинг ағдарилиши Қ.Бакиев бошлиқ жанубий клан ҳокимияти ўрнатилишига олиб келди. Бу бир-бирини қалиб йиқитиш ўйини қимнингидир сиёсат майдонидан «қизил карточка» олиб чиқишга сабаб бўлаётган эса-да, халқ фаровонлигига хизмат қилаётгани йўқ. Бемақсад ва бемаврид курашлар қимларнингидир чўнтагини қаппайтирапти, ҳоло.

Атамбаев қандай ҳаракатларда айбланмоқда?

Бош прокурор Жамшитовнинг сўзларига кўра, Қирғизистон собиқ президенти Алмазбек Атамбаевга беш эпизод бўйича айблов қўйилиши мумкин. У гап Кўй-Таш қишлоғида ер участкаларининг ноқонуний эгалланиши, жиноий авторитет Азиз Батукаевнинг қонунга зид равишда озод этилиши, Бишкек ИЭС модернизацияси бўйича коррупция иши ва унга ноқонуний тарзда кўмир етказиб берилиши ҳамда талбиркор Субихи Пархати иштирокидаги коррупция факти ҳақида бораётганини таскиллади.

Қизиги шундаки, президентлик сайловларида А.Атамбаев номзод С.Жээнбековни қўллаб-қувватлаган, кейинчалик у журналистларга берган интервьюсида ўз қарорини «инсон ҳаюга йўл қўйиб туриши» билан изоҳлаган: «Пайғамбаримиз мен ҳам инсонман ва мен ҳам хато қиламан, деб айтган. Мен пайғамбар эмасман. Атрофимдаги дўстларимга қаран... Энг яқин дўстим Сооронбай Жээнбеков эди, иккинчиси Исо Омуркулов. Бирок мен одамларнинг ҳаракатларини олдидан кўра билмадим».

Мозийга назар

Бирмунча муддат сиёсий муҳолифатда бўлган Атамбаев биринчи сайланган президент, 2005 ва 2010 йилларда инқилобни бошдан кечирган мамлакатдаги ҳокимиятни тинч йўллар билан топширган давлат раҳбаридир. Баъзилар уни мамлакатни барқарорликка етаклаган президент сифатида эътироф этишади, айримларнинг фикрича эса, у мамлакат ривожига ҳалал берган ва коррупциянинг қучайишига имкон берган «сиёсий гўрлик» рамзи. Шу сабабли, коррупцияга алоқдорликда айблов бўйича Атамбаевнинг бир неча яқин сафдошлари қамоққа олинди. Масалан, июнь ойи бошида президент аппарати ҳузурдаги суд ислохотлари ва қонунчилик бўлимининг собиқ раҳбари Манасбек Арабаев ҳисбага олинган. Сапар Исақов ва Жангўра Сатибалдиевга коррупция айбловлари қўйилди. Уларнинг иккалови ҳам Атамбаев даврида бош вазир курсида ўтиришган. Ҳатто йили боғжона хизматининг собиқ раҳбари Адамкул Жунусов ва президентнинг собиқ маслаҳатчиси Икромжон Ильяминов қамоққа олинганди.

Апрель ойида Қирғизистон парламенти мамлакатнинг собиқ президентларини жавобгарликка тортишга изн берувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Янги қонунга кўра, собиқ президент энди мулқ дахлсизликка эга бўлолмайди. Ҳар қандай «собиқ»ни жиноий жавобгарликка тортиш учун парламент унга нисбатан ўта оғир жиноят содир этиш айбловини илгари суриши, уни ўз навбатида, Бош прокуратура тасдиқлаши лозим.

Бундан ташқари, қабул қилинган қонунга биноан, собиқ президент сиёсий, давлат ҳокимият органларида махсус давлат лавозимини эгаллашмаслиги, сиёсий партиянинг раҳбар органларида раҳбар лавозимларида турмаслиги ёки бошқа йўллар билан сиёсий партия фаолиятида иштирок этмаслиги лозим. Кўринадики, қабул қилинган қонуннинг моҳияти ҳокимиятдан тинч йўл билан кетган ягона президентнинг сиёсий майдонга қайтишига йўл бермаслик эканини яққол кўрсатиб турибди.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Олий маълумотли фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ муддати узайтирилмоқда.

Мақсадга эришгунча ҳаракатдан тўхтамайман

ШАҲОБИДДИН ЗОИРОВ ЯНА БИР ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛИГИ, ҚИЙИН РАҚИБ ВА БОШҚАЛАР ҲАҚИДА

Ўзбек бокси тўғрисида гап кетганда Андижон мактабини эсламай илож йўқ. Зеро, бу даргоҳдан етишиб чиққан спортчилар юртимиз байроғини халқаро ареналарда юксакларга кўтариш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатдиши.

Дарҳақиқат, спорт турлари орасида жаҳон миқёсидаги мусобақаларда боксчиларимиз каби кўп медалларни қўлга киритганлар топилмайди. Мазкур тур бошқа вилоятларда ҳам ривож топиб бораётгани, янги мактабларга асос солинаётгани эса ютуқлар салмоғини ошириб, умидли спортчилар сафини кенгайтирмоқда. Бухоро бокс мактаби — шулардан бири. Вилоятдан бир нечта жаҳон чемпионлари, олимпия ўйинлари чемпиони ва совриндорлари борлиги бунга яққол мисол. Бугунги суҳбатимиз Бухоро боксининг ёрқин намоёндаларидан бири — Шаҳобиддин Зоиров билан ўтди.

Шаҳобиддин 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган Олимпия ўйинларининг чемпиони экани барчамизга маълум. Жорий йилда эса у профессионал спортда ҳам илк учрашувини ўтказди. Бирлашган Араб Амирликларида кечган жангда индонезиялик Энтони Холтни биринчи раунднинг 18-сониясидаёқ нақаут қилиб, муштининг кучи нималарга қодир эканини кўрсатди.



Иккинчи синфдаги ғалаба муваффақиятларга пойдевор бўлди

— Бокс билан шуғулланиш, менимча, бошқа спорт турларига қараганда қийинроқ, — дейди у. — Оилада ягона фарзандман. Иккинчи синфдан бокс билан шуғуллана бошлаганман. Аввало, бунга ўзим кизикканман. Қолаверса, ўртоқларим ҳам шу спорт тури билан шуғулланишарди. Олимпиада чемпиони бўлган кунимни асло унутмайман. Бу — ҳар бир спортчининг орзуси. Ана шу орзу ушалиши учун тинмай меҳнат қилиш керак. Илк ғалаба мактабнинг иккинчи-учинчи синфида ўқиб юрган пайтларимга тўғри келади. Ёдимда, ўшанда 24 килограмм вазнда эдим. Мени биринчи бўлиб онам табриклаганлар. Аста-секин шу спорт тури бўйича ўтган кўплаб мусобақаларнинг туман, вилоят ва республика боксчиларида чемпион бўла бошладим.

18 сониядаги нақаутда нима қўл келди?

Ҳаваскор боксда -57 кг. вазнда, профессионалда эса -55,3 кг. вазн тоифасида жангларда иштирок этяпман. Профессинал боксга ўтганимга деярли 3 ой бўлди. Ҳозирга қадар Дубайда битта жанг ўтказиб, унда рақибимни 18-секунддаёқ ноқаутга туширдим. Бу жангда чапақайлигим қўл келди. Рақибим чапдан келадиган зарбага дош бера олмади. Чапақайлик боксда жуда муҳим ҳислат. Чунки деярли барча рақиблар, асосан, ўнг қўл билан бериладиган зарба-

лардан ҳимояланишга ўрганган. Фаолиятим давомида россиялик боксчи Миша Алоян энг ноқулай рақиб бўлган. У ҳам менга ўхшаб чапақай эди. Жангларим ичида айнан у билан кечгани кўпроқ хотирамда қолса керак.

Ҳозирда ўзбек бокс мактаби дунёда этакчи ўринда туради. Бунга шубҳа йўқ. Авваллари кубаликлар энг машҳур ҳисобланишарди. Бугун эса биз ўзиб кетдик. Буни эришилаётган натижалар ҳам кўрсатиб турибди.

Нихолга ҳам парвариш керак

Мен Аббос Атоевга ҳавас қиламан. У нафақат спортда зўр боксчи, шу билан бирга, ҳаётда ҳам камтарин инсон. Баъзи спортчилар чет эл боксчиларига ҳавас қилади. Йўқ! Менга эса ўзимизнинг ҳамшахаримиз Аббос Атоевнинг услублари ёқади. Уларни кўпроқ қўллашга ҳаракат қиламан. Эътибор қилсангиз, олдийгина ниҳолга ҳам ишлов, меҳр, парвариш керак. Ана шундагина у ўсиб, катта дарахтга айланади. Мева, соя беради. Бизнинг чемпион бўлишимизда ҳам мураббийларнинг ўрни бўлакча. Зеро, ҳақиқий спортчининг оиласи — жамоа, уй — спорт залидир. Дам олиш учун эса табиат қўйнига — стадионга чиқамиз. Вақтимиз оиладан кўра устозлар билан ўтади. Оғир дамларда менга далда бўлиб турган, ўзимдаги ишончини қайта мустаҳкамлашимга ёрдамини аямаган устозлар ва яқинларимга меҳрим, ҳурматим чексиз.

«Кейинги Олимпиадада ҳам чемпион бўламан»

Мақсадларимдан бири — яна бир бор Олимпиада чемпиони бўлиш. Бунга, албатта, эришаман. Қолаверса, кўплаб камарлар сохиби бўлишни ҳам кўнглимга тугиб қўйганман. Бокс — мен учун ҳаёт. Ҳаётимни боксиз тасаввур қилмайман. Ҳатто энг қийин дамларда ҳам орта чекинмаганман. Маълум вақтдаги узилишдан сўнг мен яна боксга қайтдим. Хали олдинда кўп марралар, тинимсиз меҳнат кутмоқда. Мақсадимга эришмагунча ҳаракатдан тўхтамайман.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

Китоб

*Билди оқоб-ахлоқни,
Фарқлади қона-оқни.
Ечди тўғра жибокни
Китоб билан қўстлашиб.*

*Навоий ким, Бобур ким,
Умар Хайём, Беғри ким,
Алир Темур ким — билди,
Китоб билан қўстлашиб.*

*Ўқиди Жек Лондонни,
Нозим ҳикмати, Байронни.
Ойбек, Омон Маъжонни
Китоб билан қўстлашиб.*

*Китоб билан сирлашинг,
Китоб билан тиллашинг.
Китоб билан қўстлашинг,
Бахтли қилар инсонни.*

Тили

*Оқобнинг боши тилда,
Тилдан келар омад ҳам,
Билиб-билмай сўзлама,
Тилинга бўлгин маҳкам.*

*Тўғри бўлсин тилинг
Омонликни ҳуш кўрсанг.
Тил билан олиб бўлмас,
Тилинг билан ним ўрсанг.*

*Бадзан кетар хатога,
Калондан отилган ўқ.
Тилдан чиққан ўқ, сира,
Хатосиз кетгани йўқ.*

*Тоза юрак ростгўй тил,
Улуғ эҳсон Аллоҳдан.
Тилига ҳоким инсон,
Хали эриш гуноҳдан.*

*Инсонга ширинтилик,
Либос экан ҳуш бичил.
Кўч ҳал қилмаган итга
Тилдан топилар ечил.*

*Банди қил тилини доим,
Асло унга берма эрк.
Қиска сўзла — рост сўзла
Инсон учун шўқир кўрк.*

*Сени ёлга қўшар,
Ёлажратар элинган.
Нилмаки келса билки,
Келар экан тилинган.*

Савриддин ШАРИПОВ,
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз
тумани «Кўргонтепа» маҳалласи
фаоли.

Орол муаммосини ҳал этишда Жанубий корейлик кўнгилчилар иштирок этади.

11 ёшли худжуш бола

Қишлоғимиз дўкони доимо гавжум. Рўзгорбоп ҳамма нарсани топса бўлади у ердан. Уйда совун қолмаган экан, харид қилиш учун дўконга кирдим. Шу пайт шошиб чиқаётган аёл билан тўқнашиб кетдик.

— Кечирасиз, узр, — деди аёл ёш куйидаётган кўзларини ердан узмай.

— Хой, опа, хамиртурушни олмайсизми? — дея унинг ортидан чақирди дўкончи.

Аёл эса ортига қарамас, букчайганича тез-тез юриб, узоклашиб борарди.

— Тўғри-да, уялмай-нетмай бош кўтариб юрганини-чи бунинг?! Бир сулолани куригани етмагандек, яна қайтиб Солиҳа момонинг ёнига келди-я, юзсиз.

Шаддодлиги билан маҳаллада ном чиқарган Ҳожар тўхтовсиз гапирар, дўконда бошқалар ҳам бору аммо ҳеч ким унга қўшилмасди. Ҳамма сукутда, афтидан, аёлнинг кўзидоғи ёш ҳам шу таъна-дашномлар туфайли эди. Шунда дўкон эгаси унинг гапини кесди:

— Кўйсангиз-чи, бу гапларни! Юраги адо бўлгани кўриниб турибди-ку! Давлатимизнинг ўзи бундайларни кечириб, тўғри йўлга бошлапти. Кўлингиздан келса, ёрдам беринг, акс холда курук гапдан фойда йўқ!

Ҳозиргина чиқиб кетган аёлни энди танидим — Зухра опа! У яқинда маҳаллада пайдо бўлган, маҳалла-қўй ёрдамида ҳовлисида унга новвойхона очиб берилгани ҳақида эшитгандим. Аммо ҳали учратмагандим. Қариб кетибди. Охириги марта 9 йил бурун кўрганим ёдимга тушди. Сентябрда — мактабга болаларимизни биринчи синфга олиб чиққанамизда учрашгандик. Узок йиллар фарзандсизликдан қийналиб, ўн йил деганда кўрган ўғли мактабга чиққанидан қувонган аёл ўшанда ҳам кўз ёшларини тўхтатолмаганди. Оғир касалликдан яқиндагина вафот этган турмуш ўртоғининг доғи ҳали совимаганди. Умаржон кизим билан партадош бўлиб бу оила билан яқинлаша бошладик.

Хатто бир гал болаларимиз тийниқда дарс тайёрлашди. Умаржоннинг маржондек тизилган ҳусниҳатини кизимга намуна қилиб кўрсатганим,

болақай мактовдан яйраб кетгани, қош қорайгунча пластилиндан бежирим хайкалчалар ясагани ҳеч эсимдан чиқмайди. Аммо бир кун кизим ғалати хабар айтиб қолди:

— Ойи, Умаржон энди мактабга келмас экан. Онаси билан узок юртларга кетишибди.

Кизимни хафа қилган бу хабарни аниқлаш учун Умаржонларнинг уйига бордим. Дарвоза олдида Солиҳа момо — Зухра опанинг қайнонаси калтироқ кўллари билан ҳассасини маҳкам ушлаганча ўтирар, умидсизликка тушгани шундоққина сезилиб турарди. Хол-аҳвол сўрашгач, Умаржонлардан гап очдим.

Момонинг курукшаб қолган мижджалари кизарди, боши титради.

— Шунча айрилик каммиди, менга?!

Момонинг айтишича, келини Россияга — ақаси ва янгасининг олдига ишлаш учун кетибди. Минг ёлворса ҳам, болани қолдирмабди. Момога келини бироз хава алмаштириб, юрт кезиб келса, ғам-аламдан сиқилиб кетган юраги таскин топиши, ҳали улар яна, албатта, қайтиб келишларини айтиб дала берган бўлдим.

— Мен энди Умаржонини кўролмаيمان, кизим, — деди-ю момо менга маънос кулимсираб юзланди. Қарангки, унинг умидсиз нигоҳини «Ахир, қариб қолдим, бугун бор, эртага йўқ одамман. Улар келгунча омонатимни топширарман ҳам», деган маънода қабул қилиб адашган эканман. Чунки момо бугун ҳам тирик, Умаржон бўлса, орамизда йўқ.

...Дўкондан чиқдим у аёл пулини тўлаб қолдириб кетган ачитқини олиб ортидан чопдим. Югура-югура ўша таниш кўк дарвоза олдида унга етиб олдим.

Тақдирни бир савол ҳам ўзгартираркан...

Зухра опа билан тандир бошида узок гаплашдик. Ҳеч ким



билан дардини бўлишмайдиган бу аёл негадир менга юрагидаги оғрикли аламларини тўқди.

— Умаржонимни олиб, аввал, Москвага кетдим. У ердаги меҳмонхоналардан бирига, акам ёрдамида ишга жойлашдим. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Намоз-ниёзмани қанда қилмас, эримнинг ҳақиға тинмай дуо ўқирдим, — дея хикоясини бошлади аёл. — Ёнимда тожикistonлик хотинлар ҳам бор эди...

...Зарифа эди тожик аёлининг исми. У бир кун Зухрани аллақандай даврага олиб борди. У ерда турли диний китоблар ўқилди, дуо-лар айтилди. Айниқса, ўзини қўпдан ўйлантирадиган диний масалаларга қониқарли жавоб олганидан Зухранинг даврага ишончи ортди.

Чамаси, бир-бир ярим йиллар шу даврага қатнашиб юрди. Қиш кунларининг бирида Фазлиддин деган киши келмагунча ҳаёт шу тарзда давом этаверди. Фазлиддин дин уламиси сифатида даврада қатта эътиборга эга экан. У хотин-қизларнинг билимини синади. Ўшанда у бир саволни ўртага ташлади:

— Сизларга Аллоҳ қалб берди, ёруғ кунларни берди, саломатлик, ризку рўз, фарзанд ато қилди. Ибодатингиз, солиҳ амалингиз учун жаннатларни ваъда қилди. Аммо сиз-чи?

Сиз Унинг учун нима иш қилдингиз?

Бу савол Зухранинг қалбини ларзага солди. Аллоҳ учун хижратга чиқиш, кофирларга қарши курашиб газот қилишнинг савоби, бордию ажали етса, шаҳид кетиш истаги Фазлиддиннинг маърузалари орқали мақсадга айланди. 11 ёшли Умаржонни олиб, Туркияга, ундан яширин йўллар орқали Сурияга ўтишдан муддао ҳам шу эди.

Занглаган қўлсоат

Фазлиддин Зухрани Ҳалабдаги жангари аёллар лагерига жойлаштирди. Умаржонни эса болалар учун махсус лагерга олиб кетишини айтди. Она ёлворди, боласини ёнида қолдиришларини сўради.

— Умар номига муносиб дин химоячиси бўлиши керак, — деди лагер бошлиғи Амир Сайфулло. — Уни ҳақиқий жангчи этиб тарбиялаймиз, кофирларнинг додини бериб, ислом поклиги учун курашади. Нима, бу ерда сенинг этагингга ўралашиб юрсинми?!

Зухра ноилоҳ боласи билан хайрлашаркан, ўғлининг қўлларига отасидан қолган ёдгорлик — қўлсоатини тақиб қўйди. Аммо янгилигани, қандай қилиб бўлса-да, қочини шартлигини ўйлади. Боласи кетди. Кун сайин онани соғинч эзар, нуридийдасининг қаердалигини билмагани учун ҳеч қаерга жиллолмас, қолаверса, қочинга уринганларнинг аёвсиз ўлдирилиши уни тўхтатиб турарди. Ўқ отиш, мўлжал олиш, граната улоқтириш каби ишларга уқуви йўқлиги боис Зухра фаррошлик қилиб юрган кезлари Амир Сайфуллонинг ҳонасини тозалаётиб, дахшатли воқеага гувоҳ бўлди.

Амир Сайфулло Фазлиддин билан жанжаллашиб қолди. Ўртада бир қоп пул, дину диёнатдан ақл ўргатган «рахнамолар» эса бир-бирини бўғарди.

— Бу пулларнинг бари меники! — деб ўшиқарди Фазлиддин. — Ахир, мен озмунча

одамни ёллаб, авраб олиб келдимми? Анави аёлнинг ўғлини шаҳидликка тайёрладим. Бир хафтадан сўнг Умар топширикни бажарди. Ҳалабдаги касалхонага инсонпарварлик ёрдами учун шифокорлар келяпти, ўша ерга кириб, худкушлик қилади. Биласанми бу нечанчис! — ўн бешинчис!

Зухранинг танаси музлаб кетди. Аммо ўзини сездирмади. Тезроқ бу ердан қочиш, ўғлини қутқариш кераклигини англаб етди. Шу пайт Амир Сайфулло белидаги ханжарини суғуриб олдию Фазлиддинни худди қўйдек бўғизлаб ташлади. Кизини, эртаси кун «Биродарим, дину диёнат химоячиси Фазлиддинни бўғизлаб кетишибди. Жасадини йўл бўйидан топдим» деганча йиғлаб-сиктаб жанозасини ўқиди.

Аёл бу чиркин оламдан қутулмай икки кунни базўр ўтказди...

— Амаллаб қочиб, болам жойлашган лагерга бордим. Аммо уни аллақачон топшириққа жўнатишган экан... Жон ҳолатда Ҳалаб касалхонаси томон югурдим. Барибир улгуролмадим... Борсам, ҳамма ёқ қонга тўлган, парчаланган қўл-оёқлар сочилиб ётарди. Боланинг қиймаланган танасини қандай топай, қандай ажратай? Фақат мана бу туфайли чап қўл билганини топдим, холос. Сўнг тупроққа қўмиб қўйдим...

Зухра опанинг қўлларига эски русумли занглаган қўлсоат. Унга аччиқ кўзёшлар томчиларди. Аёлнинг надоматига тўла умрини ҳисоб-китоб қилаётгандек, «Вактни ўлчаш ва кўрсатиш менинг бурчим, уни қандай яшаш ва яқнлаш ўзингга ҳавола» дегандек тининсиз чиркиларди.

...Уйга келгач, бўйи бўйимга тенлашган кизим совунга кетиб курук қўл билан қайтанамга ҳеч тушунолмади. Мен эса унга қўлсоат воқеасини гапиришни истамадим...

ГУЛҲАЁТ тайёрлади.

Афғонистонда террорчиларга қўшилиб қолган оиланинг тўрт фарзанди Ўзбекистонга олиб келинди

Яқинда Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати Афғонистондан тўрт нафар давлати-ватанизмига қайтарди. Бу тадбир давлати-виз сисёатининг инсонпарварлик ғояларига содиқлигининг яна бир намоёйиши бўлди.

Маълумотларга кўра, болаларнинг отаси — андижонлик Фарход Ҳамроқулов Россияга ишлагани кетган. 2012 йилда у рафикаси ва фарзандларини ёнига чақиртириб, Озарбайжон ва Эрон орқали Покистонга ўтган. У ерда Ҳамроқулов ўзларини «Туркистон исломий ҳаракати» деб атовчи террорчи ташкилотга қўшилиб, жангга қиради ва кўп ўтмай ўлдирила-

ди. Уч фарзанди билан бева қолган рафикаси эса 2013 йилда террорчи гуруҳнинг бошқа бир аъзосига турмушга чиқиб, ундан киз фарзанд кўради. Раъно Ҳамроқулова 2018 йилда оғир касалликка чалиниб вафот этгач, болалар беғона элларда сарсон қолишди.

Ҳамроқуловнинг 16, 13, 10 ва 6 ёшли тўрт фарзанди ДХХ кўмаги билан Афғонистондан олиб келиниб, Андижонда яшайдиган қариндошларига топширилгани болаларни умидсизликдан, юпун ва оч-наҳорликдан қутқарди. Энди улар она юртларида тинч ва осуда яшаб, бахтиёр болалик гаштини сурмоқдалар.

ТАЪЛИМ

Ўқитувчиларнинг маоши яна ошдими?



— Математика фанидан ўқитувчилар етишмагани боис Қорақалтоғистон Республикасининг Нукус шаҳридан Кегайли туманидаги мактабга қатнаб дарс бераман. Эшитишимча, яқинда олис ҳудудлардан қатнаб ишлайдиган ўқитувчиларга устама тўлиши тўғрисида қарор қабул қилинбди. Унга кўра, янги ўқув йилидан иш ҳақимиз 50 фоизгача кўнайиши мумкин экан. Шу тўғрисида?

Нилуфар АЙТБАЕВА.
Нукус шаҳри.



Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Тўғри, 2019 йил 7 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог-ҳодимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида»ги 471-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида ишлаётган педагог-ҳодимларга махсус устама белгиланди. Қарорга мувофиқ, бошқа ҳудудлардан келиб мактабларда дарс бераётган ҳодимларга мактабда ишлаган даври 6 ойдан 3 йилгача бўлганида 10 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача бўлганида 20 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача бўлганида 30 фоиз, 10 йилдан 15 йилгача бўлганида 40 фоиз, 15 йилдан ортқ давр ишлаган даври учун эса 50 фоиз миқдорда устама тўланади.

Устама белгиладиган ҳудудлар, мактаблар жойлашган маҳалла, овул фукаралар йиғинлари рўйхати қарорга илова қилинган. Бундай мактаблар барча вилоятларда мавжуд. Жумладан, Кегайли туманидаги «Аспантай» овул фукаралар йиғини ҳудудда жойлашган мактаб масқур рўйхатда бор.

ТИББИЁТ

Дорилар кимга текин берилади?



— Икки йил илгари юрак клапанини протезлаш юзасидан операция қилинганман. Тез-тез амбулатор (маҳаллий врачлар назоратида уйда) довланиб тураман. Менга уйда довланганимда ҳам дори воситалари текин берилиши кераклиги тўғрисида эшитиб қолдим. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Анвар ҚОРИЕВ.
Навоий шаҳри.

Фурқат САНАЕВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги «Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мавжуд бўлиб, унга кўра онкологик касалликлар, сил, мохов, эндокринологик (қандли ва қандсиз диабетга), рухий касалликларга чалинганлар, ОИВ инфекциясини юктирганлар, юрак клапанини протезлаш ва органларни кўчириш юзасидан операция қилинган шахслар, ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсионерлар, Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва катнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш меҳнат фронти катнашчилари, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини туғатишда катнашган — ноғирон шахслар, байналмилалчи жангчилар, ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар амбулаторияда довланиш чоғида дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга.

ХУҚУҚИЙ ТУШУНЧА

Жамоат жойи қандай жой?



— Қўтинча жамоат жойи, жамоат тартибини бузиши каби тушунчаларга дуч келамиз. Қонунчиликда жамоат жойи тушунчаси аниқ белгилаб қўйилганми?

Нигора Шаронова.
Тошкент шаҳри.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун ёпик иншоотлар, клублар, дискотекалар, компьютер заллари, интернет хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар жойлар, музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар жамоат жойлари

рўйхатига киритилган. Шунингдек, маҳаллий ва узоққа қатнайидиган поездалар, шаҳар атрофига қатнайидиган поездаларнинг вагонлари, дарё кемалари, шаҳар, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқро йўналишларда қатнайидиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари, ерости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларининг вақтинчалик сақлаш жойлари, аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари, соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, иш жойлари бўлган хоналар, кўп квартиралли уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди ҳудудда жойлашган болалар ва спорт майдончалари, хиёбонлар, боғлар, кўчалар жамоат жойлари ҳисобланади.

ТРАНСПОРТ

Яроқлилик муддати тугаган автомобиллар мажбурий йўқ қилинадими?



— 1975 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автомобилим бор. Анча йиллардан буён ундан фойдаланмаймиз. Шу кунларда ҳар қандай эски машинани мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ёки мажбурий рақибга қилиш учун топшириши кераклиги, акс ҳолда машина эгаси жавобгарликка тортилиши тўғрисида эшитдим. Шу масалага ойдинлик киритсангиз.

Қомилжон БОТИРОВ.
Сурхондарё вилояти Бойсун тумани.



Эркин ОМОНОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси ахборот хизмати раҳбари:
Жорий йилнинг 30 март кунин Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситаларини

мажбурий тарзда техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, мажбурий техник кўриққа тақдим этилмаган автотранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топширилган ёки реализация қилиш мақсадида

қисмларга бўлинган автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Охириги 3 йил давомида мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган автотранспорт воситалари ялпи ҳатловдан ўтказилга бошланли. Мажбурий техник кўриқдан ўтказилган автотранспорт воситаларининг ягона электрон базаси яратилмоқда.

Аммо утилизация ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлиб сотиш учун ҳисобдан чиқарилаётган фойдаланилмаган автотранспорт воситаларининг эгалари, уларни ўз вақтида мажбурий техник кўриқдан ўтказишга тақдим этмаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилмайдилар.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ҳарбий тавсиянома энди имтиёз бермайдими?



— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, олий таълим муассасасига кириш учун тавсияномани қўлга киритдим. Педагогика йўналиши бўйича ўқинишга топширмақчиман. Эшитишимча, тавсиянома бу йўналишда менга ҳеч қандай имтиёз бермас экан. Шу тўғрисида?

Нуриддин ҲАМРОЕВ.
Наманган шаҳри.

Жўрабек ЭШНИЁЗОВ,
Давлат тест маркази мутахассиси:

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 5 июль кунин Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, эндиликда ҳарбий тавсиянома асосида фақат олий ҳарбий таълим муассасаларида тўплаган баллнинг 50 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклида имтиёз беради.

Ҳарбий бўлмаган ОТМларга топширилганда эса тавсиянома учун ҳеч қандай балл қўшилмайди. Аммо баъзи янги имтиёзлар жорий этилади. Масалан, ҳарбий тавсиянома си бор абитуриентлар учун умумий қотанинг беш фоизи миқдорда алоҳида жойлар ажратилади. Тавсиянома олганларнинг баллари дастлаб ўша беш фоизлик квота доирасида таққосланади. Агар собик аскар сафдошлари орасидаги синовлардан ўтолмас, унинг тўплаган бали умумий квотада ҳамма билан бир хилда таққосланади.

МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРИНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Mahalla
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ
Нашр навбатчиси: С. Исматов
Мусахҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: Б. Ғозиддинов
Дизайнерлар: Э. Муратов
И. Болтаев
Нашр кўрсаткичи: 148
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табоқ.
22 953 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-745
Топширилди — 00:50